

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САЙДУЛЛА МИРЗАЕВ

УСТОЗЛАР

(Мақолалар тўплами)

Самарқанд – 2009

УДК: 891.709

М - 54

Сайдулла МИРЗАЕВ. Устозлар. Мақолалар
тўплами. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2009. – 144 бет.

ББК: 83.3Уз

Масъул муҳаррир: профессор **М.Муҳиддинов**

Тақризчилар: профессор **А.Абдусаидов**,
доцент **А.Худойбердиев**

КИРИШ

*Мазкур китобни ўз
даврининг илғор кишиси
бўлган доно инсон отам
мулла Зиёдулла ва меҳрибон
онам Муҳаррам аянинг ёрқин
хотирасига бағишлайман.*

Муаллиф

Ҳар бир инсоннинг ўз тарбиячилари (ота-оналари) бўлганидек, ўз устозлари ҳам бўлади. Зеро, инсон ҳаётида ота-она қаторида устознинг роли бекиёс катта ва муҳимдир. Ота-она фарзандга ҳаёт бахш этса, устоз унга илм-билим беради. Инсоният жамиятининг илғор ва етакчи томонлари нималардан иборат эканини, ҳаёт тараққиётининг бош йўлини ва келажаги порлоқ кучларни нималар ташкил этишини, ҳаётдан орқада қолмаслик учун қайси томонга қараб юриш ва нималар қилиш лозимлигини, ўсувчи нарса нимаю, тараққиётга ғов нарса нима эканини англаб олишга кўмаклашади. Халқимиз томонидан “Устоз кўрмаган шогирд ҳар томонга йўрғалар”, “Қадринг билган устозингдан айрилма” каби мақол ва ҳикматли сўзларнинг яратилиши бежиз эмас, албатта.

Инсоннинг, хусусан ёш авлоднинг турмушдан ўз ўрнини топишида устозларнинг ўрни, хизмати буюк бўлгани учун ҳам аجدодларимиз қадим-қадимдан буён устозларни юсак қадрлаб, уларни тавоб қилиб келади. Ҳатто, буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам устозига чексиз ҳурмат кўрсатган. У “вафот этсам ҳокимни пирим, устозим Саид Барака қабри пойига қўйинглар”, – деб васият қилган.

Яна шуниси ҳам маълумки, ҳар ким ҳам ҳақиқий устоз бўлавермайди. Ҳам дили пок, ҳам иши ва сўзи пок устоз бўлиш учун худо берган туғма қобилиятдан ташқари, том маънода ҳалол, инсонпарвар бўлиш, қийинчиликларга бардош бера олиш, оғир меҳнатдан қочмаслик, игна билан қудуқ қазишга чидаш хислати ва кўникмаси ҳам бўлиши керак. Мамлакатимизда ўтмишда бўлганидек, ҳозирги замонда ҳам ана шундай хислатли устоз ва мураббийлар кўп. Уларни ҳар қанча эъзозласак ва улуғласак камлик қилади. Бу устозларнинг она Ватан ва халқ манфаати йўлидаги беминнат хизматлари бебаҳодир.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов тўғри қайд этганидек, “Талант – халқ мулки. Албатта талант табиатнинг нодир инъоми, уни йўқдан бор қилиб бўлмайди. Табиат талантни бир одамга ато қилса ҳам, талант фақат уники эмас, бутун халқники. Одам ўз таланти учун бутун элу юрт, адабиёт олдида жавобгар. Одамда ана шу жавобгарлик туйғуси бўлмаса, у ҳар қанча талантли бўлмасин, кўпчиликка нафи тегадиган, адабиётда сўнмас из қолдирадиган салмоқли асарлар ярата олмайди.

Ҳар қандай туғма талант ҳам уруғдай гап, холос. У униб чиқиб ҳосил бериши ҳам мумкин, кўкариб, барг ёзишга улгурмай, нест-нобуд бўлиб кетиши ҳам мумкин. Уруғ униб ҳосилга кириш учун ер, сув, қуёш ва офтоб зарур; ўсиб-униб вояга етиши ва кўпчиликни баҳраманд этадиган самара бериши учун ҳам муайян шарту шароит, басаришта парвариш керак. Қаровсиз қолса, кўкариб турган дарахт ҳам қуриб қолиши муқаррар. Парвариш бўлмаса, балоғатга етиб, яшнаб турган талант ҳам қовжираб қолиши мумкин.”¹

¹ Озод Шарафиддинов. Талант халқ мулки. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1979. – 53 б.

Талант ва унинг камолоти тўғрисидаги бу доно сўзлар устоз ва шогирд масаласига ҳам бевосита тааллуқдир. Чунки, шогирднинг униб ўсиши, биринчидан, унинг ўзига боғлиқ бўлса, иккинчидан, муҳитга (устозларга) боғлиқ. Шундай экан, келажакда халқнинг маънавий бойлигини яратадиган истеъдодли шогирдларни кўз қорачиғидай, гард юқтирмай асраш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва қадрлаш ҳаёт тақозосидир. Шундай қилинса, уларнинг илҳомига илҳом, кучига куч қўшилади. Натижада уларнинг ижодий меҳнатлари янада самарали ва унумли бўлади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Бунини мен ўз ҳаётимда қайта-қайта кўриб, юракдан ҳис этиб, қаноат ҳосил қилганман. Агарда менда бирорта яхши сифат, фазилат ёки ютуқ бор бўлса, у аввало, ота-онам ва устозларимдан олган сабоқларимнинг, улар берган таълим-тарбиянинг самарасидир.

Зеро, ҳеч ким онадан олим бўлиб туғилмайди, ҳамма нарсаси тарбияга, ижтимоий-ахлоқий муҳитга, шарт-шароитга ва ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Шунга кўра мен халқимиз ва давлатимиз ғамхўрлигида униб-ўсган, бинобарин, ўз ҳаётидан ва жамиятдан тўлиқ рози бўлган оддий бир зиёли инсон сифатида ота-онамни, устозу муаллимларимни менинг тақдиримда ўйнаган буюк ролини, бебаҳо хизмати самимият билан таъкидлайман. Уларга фарзандга ва шогирдга хос ихлос ва муҳаббат билан миннатдорчилик билдираман, таъзим қиламан. Чунки, мен бу инсонлардаги одабийлик, меҳрибонлик, меҳнатсеварлик, тантилиқ, атрофидаги таниш ва нотаниш кишиларга холисона кўмаклашиш, яхшилик устига яхшилик қилиш, ҳар куни хайрли ва савобли

ишларни бажариш сингари ажойиб хислатларни доимо ҳис этиб, улардан баҳра олганман.

Мен ҳаётда биринчи сабоқни (тарбияни) ўта меҳрибон ва ниҳоятда камтар онам Муҳаррам Махсум кизидан ҳамда ўз даврининг илғор кишиларидан ҳисобланган отам Мулла Зиёдулладан олганман. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов айтгандай:

*Мен кўкка термулиб кутмасман мадад,
Дўст излаб ҳар ёнда кезмасман сарсон.
Дўсту мададкор ҳам отадир абад,
Шони шонинг эрур, армони армон.*

Мен ёшлигимдан кўплаб яхши одамлар билан учрашдим, уларга яқинлашиб, яхшилик руҳида ўса бордим. Хусусан, ўрта ва олий мактабда (Самарқанд давлат университетида) ўқиш, аспирантурада таълим олиш, узоқ йиллар давомида дорилфунунда (СамДУда) ишлаш жараёнида кўпгина доно инсонларга, меҳрибон муаллим ва ғамхўр устозларга дуч келдим: улардан кўп нарса ўргандим. Мен бу рисолада устозларга миннатдорчилик билдиришни ўзимнинг инсоний бурчим, деб ҳисоблайман. Устозлар олдида ўзимни қарздор деб биламан.

Каминанинг униб-ўсишига устозлар кўмаги турлича бўлган. Кўплари менга бевосита дарс берган бўлса, бошқалари номзодлик ва докторлик диссертациямга илмий раҳбар ёки оппонентлик (ҳакамлик) қилган. Илмий изланишларим ҳақида қимматли фикр-мулоҳаза билдирган. Ҳатто газета ва журналларда илмий асарларим тўғрисида мақола ва тақризлар эълон қилиб, шогирдини рағбатлантирган. Мен ушбу рисолада шулар ҳақида ёзишга ва устозларимга самимий миннатдорчилик туйғуларини изҳор этишга ҳаракат қиламан.

Аввало 2001 йилда республика газетаси мухбири саволларига берган жавобларимнинг айрим ўринларини қисқача эслатиб ўтмоқчиман: “Мен Ўрта Чўл бағрида (Самарқанд вилоятида) жойлашган ва қадимий тарихга эга бўлган Қарнабота қишлоғида туғилганман (1930 й.). Қадим-қадимдан чорвадорлар юрти бўлган бу қишлоқда ҳамма нарса гўзал, ўзига хос. Қарнаб отага борсангиз чўлнинг шифобахш ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оласиз ва дарддан халос бўласиз. Камтар, доно ва ҳазилкаш одамлар билан суҳбатлашиб, ҳузур қиласиз.

Қарнаботадан ўтмишда бўлганидек, сўнги даврларда ҳам кўплаб ажойиб инсонлар: машҳур чорвадорлар, ўз касбининг устаси бўлган ишбилармон тадбиркорлар, заҳматкаш олимлар, яхши шифокорлар, шоиру ёзувчилар, журналистлар етишиб чиққан. Мен ана шу қишлоқда таваллуд топганим билан фахрланаман ва бу табаррук манзилни, ҳамқишлоқларимни, мудом соғиниб яшайман...

Яратганга минг қатла шукроналар бўлсинки, мен дунёдан, ўз ҳаётимдан розиман, нимага интилган ва нимани ният қилган бўлсам, ҳаммасига муяссар бўлганман. Бутун онгли ҳаётим давомида Алишер Навоий ҳазратларининг “Умрни зое этма, меҳнат қил, меҳнатни саодат калити бил”, – деган ҳикматларини ўз фаолиятим учун дастуриламал деб англадим. Сидқидилдан меҳнат қилдим. Умрим меҳнатда, шунга яраша ҳурмат-иззатда ўтди ва ўтмоқда...

Мен ўз ҳаётим учун юртимизнинг йирик, нуфузли илм масканларидан бири ҳисобланган Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети жамоасига чексиз миннатдорчилик билдираман. Ана шу машҳур ва табаррук дорилфунундан етишиб чиққан мутахассис кадр бўлганимдан фахрланаман.

Очиғи, Самарқанд университети жамоаси мендек шўх ва “қишлоқи” бир йигитчани кўп йиллар давомида астойдил ўқитиб, тарбиялаб, эл-юртга танитди, фан доктори, фан арбоби, СамДУнинг фахрий профессори даражасига кўтарди. Шунинг учун жонажон университетим-га доимо қуллуқ-таъзим қиламан. Шу билан бирга, бағри кенг халқимдан, эл-юртимдан, халқпарвар давлатимдан қарздорман. Бу қарзни узишнинг бирдан-бир тўғри йўли эса эл-юрт манфаати учун сидқидилдан меҳнат қилиш, фуқаролик ва инсонийлик бурчларини ҳалол бажариш эканига қатъий ишонаман ҳамда ана шу эътиқод асосида фаолият кўрсатишни муқаддас бурчим, кундалик вазифам деб ҳисоблайман” (“Қишлоқ ҳаёти” газетаси, 2001 йил 10 октябрь).

Ҳа, ҳаётда сабоқ, ибрат ва ҳикмат кўп. Асосий гап ана шуларни яқиндан ўрганиб, ўзлаштириб олишда ва уларга ихлос билан амал қилишда, халқ манфаати ва она Ватан тараққиёти учун ҳалол хизмат қилишдадир. Зотан, бу соҳада илмнинг, илмли бўлишда эса шогирдларга илм ўргатувчи, сабоқ бериб ибрат бўлувчи устознинг хизмати бениҳоя қимматлидир. Мен буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила, –*

деган машҳур байти маъносини чуқур идрок этган ҳолда шогирдларга илм-билим берган устозларга қуллуқ қиламан. Ва ҳаётим равнақиға ҳисса қўшган азиз ва мўътабар устозларим ҳақида қисқача бўлса-да фикр юритишга интиламан. Чунки бу тарбиявий-маърифий аҳамиятга молик ишдир. Зеро, академик Ойбек ўз вақтида ёзувчи Саид Аҳмадга “Сиз Ғафур Ғулом билан жуда узоқ вақт бирга бўлгансиз! Ёзинг!

Нимаики билсангиз, ҳаммасини ёзинг. Ғафурнинг ўзи қанақалигини ёзинг. Гапи қанақа, юриши қанақа, қилиғи қанақа, шуларни ёзинг. Агар Ибн Сино, Рудакий, Беруний каби алломаларнинг ёнида юрган дўстлари хотиралар ёзишганида тарихчилар қийналиб ўтиришмасди... Агар шу ишни қилсангиз Ғафур тўғрисида ёзилган илмий асарлар қаторига яхши бир хайрли иш қўшган бўласиз. Ёзинг. Албатта ёзинг!”¹, деган экан.

Мен Ойбек домланинг ўз шогирдига айтган ана шу насиҳатлари таъсирида устозлар ҳақидаги ушбу рисолани ёзишга аҳд қилдим. Бунинг бошқа сабаблари ҳам бор, албатта. Биринчидан, таниқли шахсларнинг ҳаёти, ижтимоий фаолияти ва ўзига хос инсоний хусусиятлари қадим-қадимдан бери ёш авлод учун доимо ўрнатилган, намуна бўлиб келган. Ана шунга кўра, одатда, барча инсонларда, хусусан, ёш авлодда бундай ибратли шахслар ҳаётини, ижтимоий фаолиятини яқиндан билишга қизиқиш кучли бўлади. Ёшлар атоқли кишиларга ҳавас билан қараб, улардек бўлишга, ҳатто, уларга тақлид қилишга интиладилар.

Иккинчидан, мен бир шогирд сифатида ўз устозларим ҳаёти ва ижодини узоқ йиллардан бери яқиндан биламан. Ёшлиқдан уларнинг ҳаётини, ижтимоий фаолиятини, илмий-тадқиқот ишларини қизиқиб кузатганман, ҳавас билан ўрганганман. Шунга кўра, менинг устозлар ҳақида таассуротларим, фикр-мулоҳаза ва хулосаларим кўп. Бинобарин, бу дил сўзларимни бақадриҳол қоғозга кўчириб, азиз китобхонлар (хусусан, талаба ёшлар) билан баҳам кўришни бурчим деб ҳисоблайман.

¹ Саид Аҳмад. Назм чорраҳасида. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1982. – 3-4-б.

Шуни ҳам эслатиш керакки, китобда фидойи устозлар ҳаёти ва фаолиятининг барча қирраларини ҳар томонлама кенг ва тўла тўқис таҳлил этиш ният қилиб қўйилмаган. Балки, уларнинг ҳаёти ва фаолиятидаги асосий нуқталарни қисқача баён этиш орқали ибратли анъаналарни аниқлашга, айрим тажриба ва сабоқларни умумлаштиришга ҳаракат қилинган, холос.

* * *

УЛУҒ АЛЛОМА

“Мамлакатнинг иқтисодий қудратини, тақдирини ҳам пировард натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қилади”.

Ислом Каримов

Узоқ ўтмишда бўлганидек, XX асрда ҳам тоталитар тизимнинг сиқув ва тазйиқларига қарамай, халқимиз орасидан кўплаб йирик олиму фузалолар, мутафаккиру донишмандлар, ноёб шоиру ёзувчилар етишиб чиққан. Қомусий илм соҳиби, машхур файласуф олим, йирик фан ва жамоат арбоби академик Иброҳим Мўминов (1908-1974) ана шундай улуғларимиздан биридир.

Иброҳим Мўминов ўз ҳаёти давомида илм-фаннинг машаққатли йўлларида мардона бориб, босқичма-босқич юқорига кўтарилди. Ўзбекистонда илм-фан тараққиётига, маориф ва маънавият ривожига, етук миллий кадрлар тайёрлашга бебаҳо ҳисса қўшди. Узоқ йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Президенти бўлиб ишлаган академик Обид Содиқов ўз сафдошининг кўп қиррали фаолиятига юқори баҳо бериб, “Иброҳим Мўминович Мўминов чўпонликдан йирик файласуф олим, фаннинг йирик ташкилотчиси, давлат ва жамоат арбобигача бўлган мураккаб ва оғир йўлни босиб ўтди”¹, – деб ёзган эди.

Иброҳим Мўминов забардаст олим ва меҳрибон устоз бўлиш билан бирга, моҳир ва адолатли

¹ Академик Иброҳим Мўминов ҳақида эсдаликлар. Рус тилида. – Тошкент: “Фан”, 1978. – 5-б.

ташкилотчи, ишбилармон эди. У 1956 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти қилиб сайланди ва умрининг охиригача ана шу масъулиятли ва шарафли, мураккаб ва фахрли лавозимда фидокорона меҳнат қилди. Ақл-заковатини ва бутун борлиғини илм-фан ва етук мутахассис миллий кадр тайёрлашга бағишлаб, халқ ва давлат ишончини шараф билан оқлади. У Ўз ФА Фалсафа ва ҳуқуқ илмий текшириш институтини ташкил этди. Институтнинг шаклланиб, тараққий этишига бевосита етакчилик қилди. Домланинг ўзбек энциклопедиясини (қомусини) яратиш соҳасидаги катта ташкилотчилик фаолияти ҳам таҳсинга лойиқдир. Зеро, Иброҳим Мўминов мазкур энциклопедиянинг асосчиси ва биринчи Бош муҳаррири сифатида ҳам машҳурдир.

Иброҳим Мўминов 1908 йилда Бухоро вилояти Шофиркон туманида туғилган. 1931 йилда Педакадемияни (ҳозирги СамДУни) имтиёзли диплом билан битирган. Шундан сўнг 1956 йилга қадар узлуксиз равишда Самарқанд давлат университетида фаолият кўрсатган. Аввал ўқитувчи, сўнгра доцент, факультет декани ва фалсафа кафедрасининг мудирини бўлиб ишлаган. Шундай қилиб, Иброҳим Мўминовнинг кўпқиррали истеъдоди биринчи навбатда Самарқанд дорилфунуни қучоғида намоён бўлди. У Самарқанд университетида астойдил меҳнат қилиб, моҳир педагог, ўткир нотик ва файласуф олим сифатида шаклланди. Шу билан бирга, университетнинг гуркираб ўсишида муҳим роль ўйнади. Бу ҳақда фикр юритиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор “Ҳурматли домламин Иброҳим Мўминов (охиратлари обод бўлғай) Самарқанд дорилфунунида талабаларнинг энг севимли муаллими эдилар. Чуқур билимли, хушмуомала, ҳаммамизнинг меҳримизни қозонган бу

самимий инсоннинг дарсларига ҳамма ёпирилиб кирарди. У кишининг нутқлари равон ва мароқли, каттакон аудиторияда ўзбек ва рус группаларини қўшиб, минбар ёнида оёқларини кенг қўйиб, ҳеч қандай қоғоз-китобсиз, баланд овоз билан дадил дарс ўтишлари ҳамон кўз ўнгимда¹”, – деб ёзган эди.

Шароф Рашидов эса “1937-1941 йиллар ичида мен Самарқанд давлат университетининг тил ва адабиёт факультетида Иброҳим Мўминов қўл остида фалсафадан таълим олдим. Эндиликда икки қўлимни кўксимга қўйиб, улуғ устозим сиймосига таъзим қиламан... Бу улуғ зотнинг заковатини, инсонийлигини, Ватанга ва халқимизга садоқатини кўриб, унинг Беруний, Навоий, Ибн Сино, Улуғбек каби донишманд эканлигига иқрор бўлдим”, – деб ёзган эди.

Иброҳим Мўминов 1941 йилда номзодлик, 1950 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясига мухбир аъзо, 1956 йилда ҳақиқий аъзо қилиб сайланган. И.М.Мўминов ватанпарвар олим сифатида Ўзбекистонда ижтимоий тафаккур тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган. 200 дан ортиқ илмий асарлар ёзиб, ижтимоий тафаккур муаммоларини, айниқса, фалсафа фанининг турли назарий ва амалий масалаларини теран таҳлил асосида ёритиб берган. Иброҳим Мўминов ижодида йирик илмий асарлар салмоқли ўрин эгаллайди. “Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари”, “Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан”, “Амир Темур ва унинг Марказий Осиё тарихида тутган ўрни” каби тадқиқотлари шулар жумласидандир.

¹ Асқад Мухтор. Инсонга қуллуқ қиладурмен. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1994. – 3-бъ.

Ҳа, тўғри, давр тақозосига кўра, олим асарларига шўро ҳокимиятининг беҳосият тамғаси босилган. Унинг баъзи асарларида мавзуни коммунистик дунёқараш асосида баён этиш ҳоллари сезилади. Бироқ, бундан қатъий назар Иброҳим Мўминов асарларида холисона илмийлик, адолат ва ҳақиқат бўртиб туради. Мисол учун Иброҳим Мўминовнинг “Амир Темур ва унинг Марказий Осиё тарихида тутган ўрни” (1968) асарини олайлик.

Маълумки, ўтган сўнги олти аср давомида жаҳон афкор оммасининг буюк соҳибқирон ва доно подшоҳ Амир Темур (1336-1405) шахсига бўлган эътиқоди, Амир Темур ҳаётини, ижтимоий-сиёсий фаолиятини, шахсий хислату фазилатларини билишга қизиқиши асло сусайгани йўқ. Аксинча, бу қизиқиш кўп ҳолларда жаҳон бўйлаб тобора кучайиб борди. Жаҳоннинг турли мамлакатларида турли тилларда Амир Темур ҳақида кўплаб илмий ва бадиий асарлар яратилди. Бу тасодиф эмас, балки табиий ва қонуний ҳолдир. Зеро, бу Амир Темурнинг инсоният тарихида, халқ ва жамият ҳаётида ғоят муҳим роль ўйнаганининг далили ва натижасидир.

Бироқ, мамлакатимизда шўро ҳокимияти даврида Амир Темурнинг тарихдаги ўрни ва ролини ҳаққоний кўрсатишга йўл қўйилмас эди. Мустамлака даврида, хусусан, шўро ҳокимияти йилларида ҳукмрон кучлар Амир Темур тўғрисида ҳақиқатни ёзишга, соҳибқироннинг инсоният ва мамлакат тарихидаги буюк ролини адолатли равишда кўрсатишга тиш-тирноқлари билан қаршилиқ қилар эди. Оқибатда хорижий мамлакатларга нисбатан Амир Темурнинг ўз Ватанида бу буюк инсон ҳақида жуда оз ёзилди. Ёзилган тақдирда ҳам ҳақиқат кўпроқ бўяб-сохталаштириб кўрсатилди. Бу мавзуни холисона

ёритиб, ҳақиқатни очик айтишга интилганлар эса турли шаклда таъқиб этилди, қаттиқ жазоланди¹.

Шўро ҳокимияти давридаги ана шундай қалтис, мураккаб ва адолатсиз бир шароитда Иброҳим Мўминов томонидан Амир Темур ҳақидаги мазкур илмий асарнинг яратилиши эса чиндан ҳам олимнинг катта жасорати ва мардлигининг самараси эди. Рисолада шахсга сиғиниш ва турғунлик даври талабларига зид равишда мамлакатимизда биринчи бўлиб Амир Темурнинг Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрни ва роли кўплаб нодир ҳужжатлар ва тарихий далиллар асосида холисона ёритиб берилган. Амир Темур ва у яшаган давр ҳақида қимматли илмий маълумотлар келтирилган. Бироқ, китоб нашр этилгач, муаллиф бу сермазмун илмий асари учун мақтов эмас, аксинча, даkki эшитди, кескин танқид қилинди ва ҳатто жазоланди. Бу нохуш ҳолатни Асқад Мухторнинг қуйидаги сўзларидан ҳам билиш мумкин:

Маълумки, Асқад Мухтор 1968 йилда Амир Темур ҳақида “Инсонга қуллуқ қиладурмен” номли қисса ёзган ва қўлёзмани севимли муаллими Иброҳим Мўминовга берган. Домла эса қиссани ўқиб, маъқуллаган. Лекин, ёзувчига “Сен бун ҳозир бирон жойга бермай қўяқол. Менинг куним сенинг ҳам бошингга тушиб ўтирмасин²” – деган.

Хайрият, Иброҳим Мўминовнинг мустамлакачилик йилларида ҳукмрон мафкурачилар томонидан ноҳақ қораланган бу бебаҳо илмий асари Ўзбекистон

¹ Қаранг. С.Мирзаев. Мустақиллик давридаги ўзбек адабиёти. – Самарқанд, 1999. – 23-25-б.

² Асқад Мухтор. Инсонга қуллуқ қиладурман. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1994. – 3-б.

мустақилликка эришгач, ўз қадр-қимматини топди: илм аҳли ва халқимиз томонидан юксак баҳоланди.¹

Ёки, Иброҳим Мўминовнинг “Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар” китобини кўздан кечирайлик. Маълумки, бу илмий тадқиқот ҳам шўро ҳокимияти даврида ёзилган. Бироқ ўша давр тақозоси билан ўз вақтида ёруғ дунё юзини кўролмаган. У фақат мустақиллик даврига келиб нашр этилди (1999 й). Бу йирик илмий асар ўзига хос монография бўлиб, уни алломанинг шоҳ асари дейиш мумкин. Монографиянинг мундарижаси бой ва серқирра. Унда IX асрдан XX асрнинг бошларигача бўлган даврдаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий қарашлар бой, нодир ҳужжату далиллар асосида кенг таҳлил этилган. Бунда муаллиф Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Бобораҳим Машраб, Мирзо Бедил, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий каби доноларнинг маънавий меросидан ўринли ва унумли фойдаланиб, ўша даврлардаги табиий-фалсафий фикр ва ижтимоий-сиёсий қарашларнинг туб моҳиятини, ватандошларимизнинг фалсафий тафаккур тараққиётига қўшган буюк ҳиссасини очиб берган.

Монографияда мавзу муҳим, фикр аниқ, таҳлил теран бўлганидек, илмий хулосалар ҳам янги ва асослидир. Бинобарин, Иброҳим Мўминов “Ижодий фаолиятининг бош мазмунини жо этган ушбу асарнинг миллий истиқлолимиз маънавий негизларини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилиши мутлақо шубҳасиздир... Энг муҳими шундаки, ушбу асарда жамланган тадқиқот натижалари, таҳлилий мулоҳазалар бундан 40-50 йил аввал, бутунлай бир

¹ Қаранг: Х.Дониёров, С.Мирзаев. Темур салтанатига очилган дарича // “Зарафшон” газетаси, 1993 йил 28 сентябрь.

бошқа тарихий даврда қўлга киритилган, амалга оширилган ҳамда битилган бўлсада, бироқ ўз қийматини асло йўқотмаган”.¹

Бу монография мундарижасидан очиқ кўринадики, Иброҳим Мўминовнинг фикр доираси кенг, илмий тадқиқот уфқлари кўламли; у бой тарихимизни, фалсафий тафаккур тараққиётини, миллий қадриятларимизни теран идрок этган ва юксак қадрлаган.

Аллома фалсафа фанининг туб назарий ва амалий масалаларини, унинг ўзига хос асосий хусусиятларини, тараққиёт босқичларини тадқиқ ва таҳлил этиш билан кифояланмаган; тарих, адабиёт, маданият, маънавият ва фольклор масалалари билан ҳам қизиққан ва бу соҳаларда самарали тарзда илмий текшириш ишларини олиб борган.

Иброҳим Мўминов яратган бой илмий бисот унинг йирик файласуф олим эканини намоён этиш билан бирга, муаллифнинг, жумладан зукко ва доно адабиётшунос бўлганидан ҳам далолат беради. Ҳа, Иброҳим Мўминов йирик ва билимдон адабиётшунос ҳамдир. Бизнинг бундай хулосага келишимизнинг камида учта мустаҳкам асоси бор.

Биринчи асос — олимнинг Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Бобораҳим Машраб, Мирзо Бедил, Аҳмад Дониш, Зокиржон Фурқат, Аминхўжа Муқимий, Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий, Аваз Ўтар ўғли, Ҳамза Ҳакимзода, Садриддин Айний, Эргаш Жуманбулбул ўғли каби машҳур шоир-ёзувчилар ижоди ҳақидаги турли илмий тадқиқотларидир².

¹ Иброҳим Мўминов. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. — Тошкент: “Фан”, 1999. — 4-б.

² Батафсил маълумот олиш учун қаранг: И.Мўминов. Танланган асарлар, 1 том. — Тошкент: “Фан”, 1969.

Иброҳим Мўминов ўз тадқиқотларида бу шоир-ёзувчилар ижодини таҳлил этар экан, сўз санъатининг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ инобатга олган ҳолда қалам тебратади. Шу билан бирга, улар ижодини халқ ва мамлакат ҳаёти асносида (фониди), замон ва макон ичида таҳлил ва тавсиф қилади. Бинобарин, Иброҳим Мўминов тадқиқотлари ўзбек адабиётининг муайян даврлардаги ҳолати, юқорида тилга олинган шоир-ёзувчилар адабий меросининг ғоявий-бадий хусусиятлари ва маънавий-маърифий ҳамда эстетик аҳамияти ҳақида тўғри маълумот ва аниқ тасаввур беради.

Дарҳақиқат, Иброҳим Мўминов тадқиқотларида Алишер Навоий меросининг ғоявий-бадий хусусиятлари тўғрисида, Мирзо Бедилнинг ўзбек ва тожик адабиётлари ривожига таъсири, Муқимий ва Завқий сатираси, Фурқат ва Аваз Ўтар шеърляри, Ҳамза ва Айнийнинг дастлабки ижоди, ўзбек фольклори ва Эргаш Жуманбулбул дostonлари ҳақида жиддий ва асосли фикрлар баён этилган, қизиқарли, ноёб маълумотлар берилган. Зотан, бу тадқиқотлар ҳозирги кунларда (мустақиллик даврида) ҳам ўзининг маърифий, илмий аҳамиятини асосан сақлаб келмоқда.

Иккинчи асос Иброҳим Мўминовнинг ўз замондошлари бўлган Садриддин Айний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Мақсуд Шайхзода, Иззат Султон, Воҳид Абдулла каби забардаст ёзувчилар ва алломалар билан бўлган илмий-ижодий алоқа-ю мулоқотларидир. Бу дўстона алоқа ва ўзаро мулоқотлардан Иброҳим Мўминовнинг машҳур ёзувчилар аҳлидан ўрганиш билан бирга, файласуф-адабиётшунос сифатида улар ижодининг ривожланишига муайян даражада кўмаклашганини

ҳам англаш мумкин. Масалан, Комил Яшин “Ёзувчиларнинг дўсти” номли мақоласида Иброҳим Мўминовнинг ҳозирги замон ўзбек адабиёти равнақи соҳасидаги жонқуярлигини, унинг ўз маслаҳатлари ва доно фикрлари билан ижодкорларга ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиришда, хусусан, тарихий мавзуларда асарлар яратишда кўмаклашганини аниқ далиллар асосида изҳор этган. Шунингдек, файласуф олимнинг саъй ҳаракатлари ва янги ўзбек адабиёти тараққиётига қаратилган хизматлари Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода сингари улуғлар томонидан юксак қадрланганлигини таъкидлаб, “Менинг ўзим ҳам “Инқилоб тонги” драмасида Файзулла Хўжаев образини яратишда Иброҳим Мўминовдан кўп яхши маслаҳатлар – ижодий кўмак олганман”¹, – деб ёзган.

Худди шунингдек, кўп йиллар давомида Иброҳим Мўминов билан ҳамфикр, ҳамнафас бўлиб ижод қилган адабиёт илмининг алломаси академик Воҳид Абдуллаев ҳам Иброҳим Мўминовнинг ажойиб инсоний хислатлари, илм-фан ва мутахассис кадр тайёрлаш соҳасидаги буюк хизматлари ва савобли ишлари ҳақида кўпгина қизиқарли фикрларни қайд этган. Иброҳим Мўминовнинг истеъдодли шогирди ва содиқ издоши академик Саид Шермуҳамедов эса домланинг бадиий адабиётни севгани, юксак қадрлагани ва мукаммал билгани ҳақида мароқ билан сўзлаб, “устознинг бу хислати биз шогирдларга ҳам юққан”, – деган эди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин...

Учинчи асос Иброҳим Мўминовнинг шогирдпарвар устоз сифатида кўплаб ёш илмий ходимларнинг,

¹ Академик Иброҳим Мўминов ҳақида эсдаликлар. – Тошкент: “Фан”, 1978. – 53-55-б.

шу жумладан, адабиётшунос ёшларнинг униб-ўсишига сидқидилдан кўрсатган беғараз ёрдамидир. Дарҳақиқат, Иброҳим Мўминов ёш мутахассис кадрларни тарбиялаб ўстириш соҳасида кўпгина ибратли ишларни бажарган. Зеро, Иброҳим Мўминов ёшларга таълим беришни, етук миллий кадрлар тайёрлашни, уларни тарбиялаб ўстиришни давлат ва миллат аҳамиятига эга бўлган зарур, муҳим ижтимоий иш деб ҳисоблаган. Домла бу соҳада ёшлардан қимматли вақтини ҳам, меҳнатини ҳам асло аямаган. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида 100 дан зиёд фан номзоди ва 20 дан ортиқ фан доктори етишиб чиққан. Чунончи, Ўзбекистонда илм-фан ва олий таълим ривожига муносиб ҳисса қўшган Эркин Юсупов, Музаффар Хайруллаев, Саид Шермухамедов, Муин Баратов, Абай Валиев, Наим Ғайибов, Ойсара Умрзоқова, Омон Ғайзуллаев, Баҳром Исмоилов, Акбар Ахтамов каби фан докторлари Иброҳим Мўминовнинг содиқ шогирдларидир. Улар ўз диссертацияларини домланинг яқиндан берган кўмаги ва маслаҳатлари асосида тайёрлаганлар ҳамда муваффақият билан ҳимоя қилганлар.

Иброҳим Мўминовнинг миллий кадр тайёрлаш соҳасидаги намунали саъй ҳаракатларига мен ҳам ўз шахсий ҳаётим мисолида қаноат ҳосил қилганман. Мен Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг талабаси (1946-1951) сифатида ана шу табаррук ва оқ кўнгил инсондан том маънода сабоқ олганман. Аспирантурага кириш имтиҳонини ҳам худди шу адолатли домлага топширганман (у вақтда профессор И.М.Мўминов СамДУда фалсафа кафедрасининг мудирини бўлиб ишлар эди). Академик Иброҳим Мўминов менинг адабиёт мавзуларида ёзилган номзодлик (1955) ва докторлик (1973)

диссертацияларимни ўқиб, зарур ва қимматли маслаҳатлар берган.

Қисқаси, Иброҳим Мўминов худо берган истеъдод соҳиби, буюк олим, моҳир ташкилотчи, бағри кенг ва меҳрибон устоз эди. У Ўзбекистонда илм-фан, жумладан, адбиётшунослик ривожига улкан ҳисса қўшган. Қанчадан қанча ёш илмий ходимларнинг униб-ўсиб, муроду мақсадларига етишишига беминнат кўмаклашган. Ана шунинг учун ҳам Иброҳим Мўминов халққа, она Ваганга, илм-фанга ҳалол хизмат қилишнинг ажойиб намунаси сифатида мангу барҳаётдир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “фан тараққиёти кўп вақт авлодга таянади. Олимнинг нуфузи эса ўзига шогирд тайёрлаш, муносиб ўринбосар етиштириш билан баҳоланади. Устозларнинг бой тажрибаларидан, илмий ғояларидан озиқланган ёш олимларимиз ҳам улар билан фахрланиши, меҳнатидан руҳланиши лозим¹”.

Иброҳим Мўминовнинг илм-фан ривожига, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш соҳасидаги буюк хизматлари муносиб тақдирланган. Унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби деган юксак фахрий унвон берилган. Қатор орден ва медаллар билан мукофотланган. Домла Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг совриндоридир.

Академик Иброҳим Мўминовнинг ҳаёти ва илмий-ижтимоий фаолияти ёш авлод учун намуна мактабидир. Аллома асарларининг бундан кейин ҳам ёш авлодни эзгулик руҳида, мустақил Ўзбекистон диёрига садоқат руҳида тарбиялаши аниқдир.

2008 й.

¹ И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. — Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994. — 60-61-б.

НОЁБ ИСТЕЪДОД

*Дедилар дунёда асли ким азиз,
Айтдилар, устозлар, устоз бегумон.
Тагин айтдиларки, азиз шубҳасиз,
Устозни қадрига етолган инсон.*

Абдулла Орипов

Ҳаётда шундай нодир истеъдодлар, ноёб санъаткорлар ва доно олимлар бўладик, улар доимо халқ билан бирга нафас оладилар. Халқнинг қувончу шодликларига ҳам, дарду аламларига ҳам бирдек шерик бўладилар. Ютуқлардан севиниб, нуқсонлардан изтироб чекиб, халқ ва она Ватан манфаати йўлида фидокорона меҳнат қиладилар. Академик Иззат Отахонович Султонов халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлган ана шундай улкан ва ноёб ижодкорлардан биридир. Домла ўз ҳаёти ва ижтимоий фаолияти давомида, кам деганда, тўртта истеъдодли, серғайрат инсон (олим, драматург, арбоб ва мураббий)нинг меҳнатини донолик ва тадбиркорлик билан бажарган.

Иззат Султон (1910-2002) XX аср ўзбек адабиёти, хусусан, адабиётшунослиги ривожига улкан ва бебаҳо ҳисса қўшган алломадир. Мамлакатимизда янги типдаги адабиётшунослик илмига асос солган олимлардан биридир. Академик Ойбек ана шуни назарга олиб, бу доно инсоннинг ижодий меҳнатига (илмий ва бадий асарларига) ҳақли равишда юксак баҳо берган ва уни “адабиётимизнинг отахони ва иззатли султони”, – деб таърифлаган. Академик Матёқуб Қўшжонов эса “Ҳар бир соҳанинг ўз донишмандлари бўлади, Иззат Султон адабиёт донишмандларидан. Унинг илмий таланти ҳам шунга мувофиқ кўп қиррали. У республикада адабиёт

илмига асос солганлардан бири. Унинг илми ҳам кенг кўламли”¹, – деб ёзган.

Маълумки, 20 йилларда мамлакатимизда янги адабиётнинг юзага келиши билан бирга, янги типдаги адабий танқидчилик ва адабиётшунослик ҳам вужудга кела бошлади. Дастлабки йилларда бу соҳада назарий билимларни чуқур эгаллаган иқтидорли мутахассис кадрлар кам эди. Ана шундай қалтис, оловли йилларда Олим Шарофиддинов, Абдурахмон Саъдий, Сотти Ҳусайин, Отажон Ҳошим, Ҳомил Ёқубов каби мунаққидлар билан бирга, Иззат Султон ҳам фаол суратда ижод қилди. Хилма-хил мақолалар ёзиб, адабий танқид ва адабиётшунослик соҳасидаги бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилди.

Иззат Султоннинг биринчи адабий-танқидий мақоласи матбуотда 1932 йилда эълон қилинган. Шундан сўнг мунаққид бу мураккаб соҳада 70 йил давомида узлуксиз равишда қалам тебратиб, кўплаб мақолалар, илмий очерklar, ўқув қўлланмалар, дарслик ва монографиялар яратди; Ўзбекистон адабий-танқидий тафаккури тараққиётига салмоқли ва қимматли ҳисса қўшди.

Иззат Султон ўз илмий асарларида ўтмиш мумтоз адабиёти ҳақида ҳам, ҳозирги замон ўзбек адабиёти ва халқ оғзаки ижоди ҳақида ҳам бирдек билимдонлик ва донолик билан фикр юритди. Олим, айниқса, адабиёт назарияси соҳасида таҳсинга лойиқ ишларни амалга оширди. У адабиёт назарияси фанидан иккита катта дарслик яратди. Биринчиси ўрта мактаб учун (1939), иккинчиси олий мактаб учун (1980) мўлжалланган. Ана шу икки дарслик ўзаро таққосланиб ўрганилса, муаллифнинг илмий-ижодий эволюцияси

¹ Матёқуб Қўшжонов. “Сайланма”. 1-жилд. – Тошкент, 1982. – 202 б.

ҳам, адабиёт назарияси соҳасидаги буюк хизматлари ҳам яққол намоён бўлади. Хусусан, иккинчи дарслиқда адабиёт илмининг туб назарий масалалари кенг, чуқур ва аниқ қилиб ёритилган. Жаҳондаги ҳамма адабиётларга бирдек хос бўлган умумий назарий қонун-қоидалар, муштарак хусусиятлар атрофлича кўрсатилган.

Дарслиқда ўзбек адабиётининг бошқа халқлар адабиётларидан фарқ қилувчи ўзига хос миллий белгилари ҳам очиқ берилган. Унда назарий фикрларни асослашда, адабиёт қонун-қоидаларини баён этишда ва уларни мисоллар орқали тушунтиришда жаҳондаги бошқа илғор адабиётлар қатори ўзбек адабиёти материалларидан ҳам унумли фойдаланилган. Очиғи, дарслиқда асосий таҳлил объекти қилиб ўзбек ёзувчиларининг энг машҳур ва энг сара асарлари танлаб олинган. Бу ҳол, ўз навбатида, ўзбек адабиёти муҳим назарий масалаларни асослашга ва ечишга бевосита хизмат қилувчи мукаммал ва гўзал бадиий асарларга бой эканини намоён этган.

Дарслиқда сўз санъатининг асосий ва етакчи хусусиятлари, айниқса, бадиий маҳоратга доир назарий ва амалий масалалар биринчи ўринга қўйиб батафсил таҳлил қилинган. Бу ҳол толиби илмларнинг адабиётнинг ўзига хос хусусиятларини, унинг бошқа фанлардан туб фарқини чуқурроқ билиб олишларига кенг имконият туғдирган. Шу билан бирга, талаба ёшларни эстетик жиҳатдан тарбиялашга самарали равишда хизмат қилган. Дарслик уч марта нашр этилган ва илмий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланган.

Иззат Султоннинг адабиёт назарияси соҳасидаги хизматлари бу билан чекланмайди. Ўзбекистонда

«Адабиёт назарияси» номли икки жилдлик йирик тадқиқотнинг майдонга келишида ҳам (1978-1979) Иззат Султоннинг хизмати ғоят катта. Домла ана шу фундаментал илмий асарнинг асосий ва етакчи муаллифларидан бири бўлиш баробарида, уни юксак савияда таҳрир қилган.

Иззат Султоннинг адабиёт назариясига оид асарларида профессионал таҳлил чуқур бўлганидек, ҳар жиҳатдан асосланган янги-янги илмий-назарий хулосалар кўп¹. Бу фазилатлар олимнинг ўтмиш адабиёти ҳақидаги «IX-XV асрлар ўзбек адабиёти тарихи», «Макоримул ахлоқ», «Мезонул-авзон ва унинг танқидий тексти», хусусан, «Навоийнинг қалб дафтари» китобларига ҳам тегишлидир.

«Навоийнинг қалб дафтари» номли асар Иззат Султоннинг узоқ йиллар давомида олиб борган илмий изланишларининг натижаси бўлиб, у уч мартта (1969, 1971, 1973 йилларда) нашр этилган. Бу китоб ноёб фактларга, қизиқарли фикрларга бой. У ўзига хос тарзда – оригинал қилиб ёзилган. Бунда Иззат Султон ўзининг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига доир ҳар бир фикрини рад этиб бўлмайдиган қимматли далил-ҳужжатлар, хусусан, буюк шоирнинг ўз сўзлари ва замондошларининг фикр-мулоҳазалари асосида исботлаб берган. Ана шунинг учун ҳам бу китоб барчага манзур бўлди ва навоийшуносликнинг жиддий ютуғи, деб эътироф этилди.

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир «Бу китоб устоз Ойбек қаламига хос, ўша оламга машҳур романдан кейин улуғ Навоий ҳақидаги энг самимий, замонга оҳангдош ва фахрлангудек меҳнатдир. Айни вақтда улуғ бобога фарзандлик туйғуси тўлиб тошган ёруғ

¹ Қаранг: С.Мирзаев. Адабиёт назарияси. // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1982 йил 4-сон

қалб қўшиғидир. Нечоғлик ёрқин ва фусункор китоб», – деб ёзган эди. «Қалб дафтари» китоби ҳозирги вақтда (мустақиллик даврида) ҳам илмий ва амалий жиҳатдан ўз аҳамиятини бутунича сақлаб келмоқда.

Академик Иззат Султоннинг фаолиятида ҳозирги замон (XX аср) ўзбек адабиёти ва унинг атоқли намояндалари ижоди таҳлилига бағишланган илмий асарлар кўпчиликни ташкил этади. Олим ўз тақриз, мақола, рисола, монография ва дарсликларида XX аср ўзбек адабиётининг бебаҳо бойликларини, ўзига хос асосий хусусиятларини, ундаги янгиликларни, анъана ва новаторликни кўплаб аниқ мисоллар воситасида яққол кўрсатган ва таҳлил қилиб берган.

Шуниси ибратлики, Иззат Султон ўз тадқиқотларида ғоявий-тематик таҳлилни доимо бадиий-эстетик таҳлил билан қўшиб, узвий бирликда олиб боради. Бу хусусият унинг, айниқса Абдулла Қодирий ижоди ҳақидаги илмий тадқиқот ишларида очиқ кўринади. Дарҳақиқат, Иззат Султон ўз фаолияти давомида ўзбек романчилигининг буюк асосчиси Абдулла Қодирий ижодига бир неча бор мурожаат қилди ва ҳар сафар мавзунинг янги-янги қирраларини кашф этди. Мен бу ўринда қодирийшунос олимнинг Абдулла Қодирий оқлангач, адабиётшуносликда биринчи ўлароқ матбуотда дадиллик ва ҳозиржавоблик билан қилган чиқишини (1956), «Ўзбек адабиёти тарихи очерки»да (1962, 1 жилд), «Асарлар» тўпламида (1972, 2-жилд), «Адабиёт назарияси» (1980) ва «Ўзбек совет адабиёти тарихи» (1990) дарсликларида буюк романнавис ижодини юқори илмий савияда теран ёритганини назарда тутмоқдаман.

Бу мақола ва китобларда Абдулла Қодирий асарлари ўша давр талаблари асосида чуқур таҳлил этилиб, муҳим илмий хулосалар назарий жиҳатдан

асослаб берилган. «Абдулла Қодирийнинг асарлари бадиий маҳорат намунасидир. Бу асарларда асосий ғоя доимо яққол ифода қилинади, одамлар ва уларнинг ҳаёт шароити худди «кўз олдимизда тургандек» тасвир этилади, бу асарларнинг сюжети доимо қизиқарли, тили бой ва ширали. Бу асарларнинг халққа манзур бўлгани бежиз эмас,¹ – тарзидаги жумлалар ана шу хулосалардан биридир.

Иззат Султон тадқиқотлари бундай илмий хулосаларга сероб. Зотан, олим адабиёт илмининг ютуқлари ва тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда янги-янги оригинал фикрларни, илмий-назарий хулосаларни далиллар воситасида исботлаб беради. Бунга Иззат Султоннинг тўрт жилдлик (1971-1974) асарлар тўпламининг иккинчи жилдидан жой олган аксарият адабий-танқидий мақолалар мисолида қаноат ҳосил қилиш мумкин. Мазкур китобга киритилган мақолаларда фикр зич-тиғиз бўлиб, улар равон тилда, қизиқарли қилиб ёзилган; шу тарзда ҳаёт, адабиёт ва бадиий маҳорат ҳақида теран баҳс юритилган. Ушбу илмий асарларда мунаққиднинг ўз фикрини исботлаш санъати, яъни, серқирра мавзуларни сиқик, ихчам ва аниқ қилиб ёритиш маҳорати, образли қилиб айтганда, оз гапириб, кўп маъно англатиш услуби бўртиб туради.

Иззат Султон ўз илмий тадқиқотларида адабиёт бойликларини, у ёки бу ёзувчи ижодини, ҳатто муайян асарларни ҳам аниқ замон ва макон билан боғлаб таҳлил этади. Шу асосда сўз санъатининг ютуқларини ҳам, баъзи нуқсонларини ҳам яққол кўрсатиб беришга муваффақ бўлади. Ҳар бир миллат адабиётининг, шунингдек, ҳар бир истеъдодли ёзувчи ижодининг

¹ Иззат Султонов. Ёзувчи Абдулла Қодирий ҳақида. // «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1956 йил 28 октябрь.

ўзига хос ғоявий-бадий хусусиятларини очиб беришдек мураккаб ва нозик муаммони ҳал қилади. Унинг турли йилларда Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Комил Яшин, Шароф Рашидов, Саид Аҳмад, Абдулла Орипов ижоди ҳақида ёзилган адабий-танқидий асарларида ана шу хусусият кўзга яққол ташланади. Масалан, мунаққид Абдулла Орипов ижодини таҳлил қилиб, бу шоир шеърятининг «Энг муҳим хусусияти одамларни бирлаштирувчи куч, кудратдир. Бу ҳақиқий шеърятнинг энг улуғ фазилатидир», – деган ҳақли хулосага келади.

Иззат Султоннинг илмий фаолияти ҳамда унинг адабий-танқидий ишларига хос асосий фазилатлар юқорида қисқача қайд этилганлар билангина чекланмайди. Олим жаҳон адабиёти ва турли миллат ёзувчилари ижоди, шунингдек, адабий алоқа ва ўзаро таъсир ҳақида ҳам қатор сермазмун мақолалар ёзган. «Изланишлар давом этади», «Пушкин ва ўзбек адабиёти», «Катта имтиҳон», «Реализмнинг замонавийлиги» каби мақолалар шулар жумласидандир.

Ҳа, рост. Иззат Султоннинг аксарият адабий-танқидий асарлари шўро даврида ёзилган. Шунга кўра, ана шу қалтис давр, шубҳасиз, бошқа ҳамкасблари ижодига бўлгани сингари унинг асарларига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Шу боис уларда баъзан замонасозлик, коммунистик мафкура-ни ортиқча мақташ аломатлари кўзга ташланади. Бироқ, ўша адолатсиз давр тақозосига кўра юзага келган бундай баъзи нуқсонлар, умуман олганда, мунаққид ижодининг катта илмий ва маърифий аҳамиятини йўққа чиқармайди. Зеро, Иззат Султоннинг илмий бисоти, адабий-танқидий қарашлари бир бутун ҳолда соғлом ва ҳаётбахшдир. Олимнинг

мустақиллик даврида юзага келган янги илмий асарлари эса бу фикрни янада тасдиқлайди ва мустаҳкамлайди (Бу ҳақда кейинроқ тўхтаймиз).

Кези келганда шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, Иззат Султон шўро ҳокимияти даврида, халқлар ва миллатлар дўстлиги тамойилларига содиқ қолган ҳолда, Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига салбий муносабатда бўлган ва бунинг жабрини ҳам тортган. Бу ҳақда профессор Наим Каримов ҳақли равишда қуйидагиларни ёзган: “Дарвоқе. Иззат Султон урушдан кейинги йилларда Радио комитетида раис ўринбосари, киностудияда директор лавозимида хизмат қилди. 1948 йили Тил ва адабиёт институтига раҳбар этиб тайинланди. У институтда ишлай бошлаган йилларда комфирқанинг адабиёт ва санъатни боши берк кўчага олиб кирган қарорлари чиққан. Шу қарорлар асосида ўзбек адабиётида ҳам алғов-далғов бошланиб, Шайхзода сингари забардаст ёзувчиларга, “Алпомиш” сингари халқ ижоди дурдоналарига тухмат тошлари отилган. Шундай ташвишли кунларнинг бирида НКВДда ишлайдиган инсофли кишилардан бири Иззат акага қўнғироқ қилиб, уни ҳибсга олиш ҳақидаги ордерга имзо чекилгани, шунинг учун тезда Тошкентдан чиқиб кетиш” лозимлигини айтган. Иззат ака шу заҳоти академия президенти, ҳамшаҳри ва дўсти Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳузурига бориб, унинг ёрдами билан Москвага учиб кетган. У 1951 йилдан 1955 йилга қадар Москва университетида Мухтор Аvezов билан бир кафедрада ишлаб, талабаларга халқлар адабиётидан маърузалар ўқиган”¹.

¹ Наим Каримов. Адабиёт илмининг султони. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2007 йил 27 июл.

Иzzат Султон Москвадан Тошкентга қайтиб келгач, 1956 йилда Абдулла Қодирий ижоди ҳақида катта бир мақола ёзиб, марказий матбуотда эълон қилди. Бироқ, олим бу адолатли мақоласи учун марказқўмда муҳокама қилиниб, асоссиз равишда дакки эшитди.

Ёки, Иzzат Султон ҳаётида олтмишинчи йилларда юз берган қуйидаги нохуш воқеа ҳам олимнинг шўро даврида камситилганининг оқибати эди. Бу ҳақда домланинг ўзи қуйидагиларни ёзган: “Эсимда Абдулла Қаҳҳорнинг юбилеи бўлди. Қаҳҳор ҳақида доклад қилишни менга топширишди. Мен ўзбекча гапираман деб шарт қўйдим. Юбилей кечасида бир жойда русча гапирдим. Рус ўртоқлар ўтирибди, меҳмонлар учун русча гапираман, дедим. Сиз Абдулла Қаҳҳор асарларининг русча таржимасини ўқийсиз, шунинг учун тилдаги латофатини сезмайсиз; тилдаги латофат қисман таржимоннинг маҳорати билан сақланиб қолиши мумкин. Аммо бизнинг афзалиятимиз шуки, тилнинг латофатини сезамиз, агар ўзбек тилини тушунсангиз эди, бу қандай ёзувчи эканлигини билардингиз, дедим. Чапак бўлиб кетди.

Кейин мени рус ўртоқлар ўзбек тилини ўрганишга мажбур, деган гапни гапирдингиз, деб айбладилар. Мен тилак мажбур қилиш эмаску, дедим. Кейин ҳукумат уйига чиқдик. Яна мени ўртага олиб шу ишни яхши қилмадингиз, дейишди. Эртаси куни Абдулла Қаҳҳор боғида банкет бўлди. Мен Бородин билан дўст эдим, ёнимга ўтириб кечаги хатони тузатишга имконингиз бор, деди. Менга сўз берилди. Бу ҳақда тўхтамадим. Бошқа гаплар ҳақида гапирдим... Уч-тўрт кундан кейин мени марказқўмга чақиришди. Шу гапингиз хато бўлди. Матбуотда чиқиш қилсангиз дейишди. Мен йўқ дедим”¹.

¹ “Шарқ юлдузи” журналы, 1993 йил 3-сон. – 151-б.

Кўринадики, Иззат Султон мустамлакачилик йилларида ижодий иш билан хотиржам, тинч шуғуллана олмаган. Кўп ҳолларда чекланишга мажбур бўлган ва бундан сиқилиб, изтироб чеккан. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу кўнгилсиз, нохуш ҳолга қатъий чек қўйилди.

Иззат Султон Ўзбекистон мустақиллигини қувонч билан кутиб олди. Мамлакатимиз мустамлакачилик исканжасидан қутилиб, том маънода эркинликка эришгач (1991), бошқа кўп олим ва ёзувчилар қатори Иззат Султон ҳам эътиқод (дунёқараш) жиҳатидан қайта туғилди. Бу янги даврда домла Ўзбекистон мустақиллигини тўла маъқуллаб, қўллаб-қувватлади, унинг бебаҳо неъматларидан баҳраманд бўлган ҳолда, кўтаринки руҳ билан ижод қилди. Бор гапни (ҳақиқатни) рўйрост ёзиб, оқни оқ, қорани қора қилиб кўрсатди. Натижада унинг ижодида қатор янгиликлар, жиддий сифат ўзгаришлари вужудга келди.

Иззат Султоннинг янги даврда яратилган “Баҳовуддин Нақшбанд абадияти” (1994), “Олимнинг жасорати” (1998), “Қайта туғилиш арафаси” (1999), “Жадидчилик – истиқлол кўзгусида” (2000), “Аср сабоқлари” (2001) каби рисола ва илмий мақолаларида адабиёт бойликлари, бадий ижод ва маънавият муаммолари истиқлол мафкураси асосида янгича талқин ва таҳлил этилди. Бу илмий ишларда кўтарилган мавзулар янги бўлгани сингари уларда олға сурилган фикрлар ва илмий хулосалар ҳам янгидир. Бу мақолаларда янги давр руҳи, мустақиллик руҳи бутун борлиги ва ҳаётбахшлиги билан намоён бўлди.

Айрим далиллар келтирамиз. Иззат Султон адабиёт ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритар экан, ёзувчилар узоқ ва яқин ўтмиш

мавзуларини ёритишни эътибордан соқит қилмаган ҳолда, асосий диққатни замонавий мавзулар тасвирига қаратишлари лозим, деган муҳим ғояни илгари сурди. Ва бу ғояни ҳозирги замон талаблари даражасида исботлаб берди.

Дарҳақиқат, адабиётда мавзунинг аҳамияти катта. Ўтмиш мавзуида ёзилган асарлар халқ ва мамлакат тарихини, аجدодларимиз ҳаётини, миллий урф-одатларни, миллий қадриятларимизни ўрганишга ва ўзлаштириб олишга ёрдам берса, ҳозирги замон мавзуларида яратилган асарлар жамиятимизнинг шу кунги илғор ва етакчи тенденциялари нималардан иборат эканлигини, ҳаёт тараққиётининг бош йўлини ва келажаги порлоқ бўлган кучларни нималар ташкил этишини, ҳаётдан орқада қолмаслик учун эртанги кунда қайси томонга юриш ва нималар қилиш лозимлигини, ўсувчи нарса нимаю, жамият тараққиётига ғов нарса нима эканлигини аниқлаб олишга ҳам кўмаклашади. Иззат Султон мустақиллик даври адабиётининг ҳозирги ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш ҳақида фикр билдирганда, ҳеч шубҳасиз, ана шу ҳолатни назарга олган. Шунинг учун ҳам “Адабиёт ҳаётдаги янгиликлар устида бош қотириши керак. Ёзувчи янгиликни, янги воқеликни ўзлаштириши лозим. Бунинг учун ўз ички дунёсини янгилаши керак. Бусиз мумкин эмас”, - деб ёзган.

Иззат Султон мустақиллик даври адабиёти олдида турган асосий вазифалар ҳақида яна қуйидагиларни қайд этган: “Менингча, адабиётимиз олдида ҳозир бир-бири билан боғланган икки вазифа турибди. Буларнинг бири (биринчиси эмас!) яқин ўтмишмиз, совет даври ҳодисаларига холис ва чуқур баҳо беришдир. Бу вазифаларнинг яна бири (иккинчиси эмас!) мустақиллик даври ҳодисаларини бутун

тарихий аҳамияти билан чуқур тушуниш ва бугунги ҳаётӣй жараёнга ҳамоҳанг, мададкор бўла оладиган асарлар яратишдир. Бу икки вазифани адо этиш жараёнида адабиётимизда ва, демакки, ўқувчилар оммаси онгида бир муҳим фикр маҳкам ўрин олиши керак: мустақиллик даврида ҳаётимиз азалий ва абадий изларига қайтди”¹.

Иззат Султон адабиётда мустақиллик даври воқелигини кенг акс эттиришни ва унинг буюк аҳамиятини таъкидлаш билан бирга, совет даври ҳаётини (яқин ўтмишимизни) ҳам ҳолис ёритишга даъват этди. Иззат Султон яқин ўтмиш ҳаётини адабиётда ёритиш ҳақидаги фикрини “Аср сабоғи” мақоласида бошқа бир йўналишда давом эттириб, шахсга сиғиниш даврининг аниқ тавсифномасини чизиб берди. Яқин ўтмишда бунёд этилган моддий ва маънавий бойликларни бутунлай инкор этишга ёки асоссиз камситишга қарши чуқур маъноли фикр билдирди. Маълумки, Сталин шахсига сиғиниш ва турғунлик даври мамлакат ва халқ ҳаётига катта зиён-заҳмат етказди. Жумладан, адабиёт ва санъат ривожига жиддий ҳалақит берди, тараққиётга тўсқинлик қилди. Бироқ бу машъум давр, умуман олганда, ҳаёт тараққиётини, хусусан, сўз санъати ривожини тўхтатиб қўймади ва тўхтатиб қўя олмас ҳам эди. Иззат Султон ана шу ҳолатни назарга олган ҳолда ҳаёт ва адабиёт муаммоларини ёритиш ва таҳлил этишда ҳозирги тадқиқотчилар учун сабоқ бўладиган муҳим ҳулосаларни асослаб берди. Масалан, “XX аср мураккаб аср бўлди: икки жаҳон уруши, октябр тўнтариши ва бошқа мамлакатлардаги инқилоблар... Бундай тарихий даврлар серсабоқ

¹ Иззат Султон. Қайта туғилиш арафаси // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1999 йил 19 март.

бўлади. Менингча, XX аср тажрибасидан келиб чиқадиган икки муҳим сабоқ бор. Биринчи сабоқ – ҳар қандай шароитда, даврлар фожиаларга қанчалик тўла бўлмасин, барибир, тараққиёт тўхтамайди, давом этаверади. Иккинчи хулоса шуки, инсоният тараққиётининг асосий шакли тадрижий ривожланиш бўлиб қолади”¹, - деган илмий хулоса ана шулардан биридир.

Иззат Султоннинг “Жадидчилик – истиқлол кўзгусида” асари ҳам илм-фан соҳасида янгилик бўлди. Чунки, унда XIX асрнинг охирида юзага келган ва XX асрнинг биринчи чорагида кенг тарқалиб фаол ҳаракат қилган жадидизмнинг асл моҳияти, унинг ўлкани уйғотиш, халқнинг кўзини очишдаги буюк роли ва хизмати тўғри очиб берилган. Совет даврида асоссиз ҳолда қора бўёқларда кўрсатилган ва кескин қораланган жадидчилик ҳаракати ўз даврининг илғор, прогрессив ҳаракати сифатида таърифланган. Жадидлар халқни миллий уйғонишга, илм-маърифатга, тараққиётга, янгиликка, эрк ва ҳурриятга даъват этганлиги далиллар воситасида исботланган.

Хуллас, Иззат Султоннинг илмий тадқиқотлари илм аҳли учун дастурий аҳамиятга молик бўлган теран мазмунли фикр ва хулосаларга бойдир.

Иззат Султон адабиётнинг энг қийин жанри бўлган драматургия соҳасида ҳам ўз истеъдодини намоиш этган. Бинобарин, профессор Лазиз Қажумов “Иззат Султон – ҳам мантиқий тафаккурга моҳир, ҳам бадиий тафаккурга соҳиб. Яъни, илму фан билан бадиий ижодни ўзига мужассам қилган сиймо”, - деб ёзган эди. Иззат Султоннинг драматургия соҳасидаги фаолияти 1939 йилда бошланган. У ўтган давр ичида

¹ Иззат Султон. Аср сабоғи // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2001 йил 1 январь.

“Алишер Навоий”, “Номаълум киши”, “Билмайин босдим тиканни”, “Имон”, “Истеҳком”, “Шоирнинг қалби”, “Донишманднинг ёшлиги”, “Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари”, “Ойдин кеча асрлигида”, “Оила сири” номли сахна асарлари яратган. Булар орасида “Алишер Навоий” (Уйғун билан ҳамкорликда ёзган) драмаси алоҳида ажралиб туради. У ўзбек драматургиясининг – мумтоз намунасидир.

Драмада буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий образи ўша даврнинг қайноқ воқеалари гирдобиди маҳорат билан яратилган. Навоийнинг мамлакат, халқ ва адабиёт олдидаги буюк хизматлари ҳаққоний кўрсатилган. Асар ҳаётий зиддиятларга, шиддатли воқеа ва ҳаракатларга асосланган ҳамда жуда қизиқарли, таъсирли қилиб ёзилган. Асарда воқеалар ривожлана боргани сари драматизм кучая боради. Қаҳрамонларнинг характери, феъл-атвори ҳаётий воқеа ва курашларда тобланади, чиниқади.

Драма сюжети тугал ва яхлит бўлганидек, у чуқур мазмунга эга. Асар сюжети марказида Алишер Навоий образи туради ва ўз даврининг буюк фарзанди сифатида бутун борлиғи ва донолиги билан намоён бўлади. Муаллифлар Навоий образини улуғ шоир ва буюк мутафаккир, халқ ғамхўри ва адолатли давлат арбоби, меҳрибон устоз ва камтар инсон сифатида тасвирлар эканлар, Навоий дунёқарашидаги илғор томонларни, унинг мамлакат ва халқ олдидаги буюк хизматларини биринчи ўринга чиқариб кўрсатганлар. Драмада тасвирланишича, Алишер Навоий мамлакат ва халқ тақдирини ҳамма нарсадан устун қўяди. Халқ ҳаётини яхшилашга, зулмдан зада бўлган элни тинчитиб, шаҳар ва қишлоқларни обод қилишга, илм-фан, адабиёт ва санъатни ўстиришга интилади. Навоий халқнинг куч-қувватига, адолат ва

ҳаққоният тантанасига, она юртнинг порлоқ келажагига қатъий ишонч билан қарайди. Навоий “Муқаррар, оқибат бизнингча бўлғай, адолат нурлари оламга тўлғай”, - дея мамлакатда адолат ўрнатиш учун, уни ички зиддиятлар, ўзаро бемаъни тарафкашлик жанглардан халос этиш учун фидокорлик кўрсатади. Навоий фитначи ва иккиюзламачи вазиру бекларга қарши адолатли подшоҳ ва марказлашган йирик феодал давлатни орзу қилади. Навоий подшоҳлар ҳар хил бўлади, уларнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам бўлади, деган нуқтаи назарда туриб, адолатли шоҳ учун қайғуради. Подшоҳ Ҳусайн Бойқарони адолатга чақиради.

Драмада Навоий дунёқарашидаги ўзига хослик ва чекланишлар ҳам акс эттирилган. Чунончи, Навоий мамлакатни, давлатни шоҳсиз бошқариш мумкин эканини тасаввур ҳам қила олмайди. Шоир оддий навкар Турдибой берган: “Тақсир, фуқарога шоҳларсиз мурувват кўргазишнинг йўли йўқми?”, – деган сўроққа “Мамлакат бир боғ бўлса, шоҳ боғбондир. Боғ боғбонсиз хароб бўлур”, – деб жавоб қайтаради. Навоий дунёқарашидаги бундай ҳолатлар Навоийнинг адолатли етакчисиз юрт озод ҳам, обод ҳам бўлмаслиги борасидаги ўзига хос қарашлари драматурглар томонидан тўғри илганган.

Драмада Алишер Навоийнинг шахсий ҳаёти тасвирига ҳам кенг ўрин берилган. Асарда Навоий ўз севгиси, ўз севинч ва шахсий қайғулари билан тўлатўкис гавдаланади. Бош қаҳрамон Навоий образининг бундай ҳар томонлама тасвирланиши асар реализминини кучайтириб, унинг тарбиявий таъсир қудратини оширган.

Асарда Алишер Навоий образини яратиш жараёнида халқ оммасининг зулм ва истибдодга

қарши олиб борган курашидан айрим лавҳалар чизилган. Подшоҳ саройининг фиску-фасод уяси эканлиги, шоҳ ва шаҳзодаларнинг бебошлиги, адолатсизлиги, улар ўртасидаги ўзаро тахт-тож учун курашлар рўй-рост очиб ташланган. Драмада феодал тузумнинг фожиали томонлари тасвирига катта ўрин ажратилган бўлса-да, унда ҳаётбахш руҳ бўртиб туради. Асарда кўрсатилишича, Навоий мамлакатда осайишталикни ва адолатни қарор топтириш учун узоқ йиллар давомида кураш олиб боради. Бироқ, унинг бу эзгу ҳаракатлари ҳукмдорларнинг бебошликлари сабаб беҳуда кетади. Лекин Алишер Навоий тушкунликка тушмайди. Навоий подшоҳ Ҳусайн Бойқаронинг “Сиз дунё лаззатларидан воз кечиб нима орттирдингиз?”, – деган саволига жавобан айтган “Икки буюк дарё бўйидаги халқимни якқалам қилдим. Тилимизни таҳқир ва ҳақорат ботқоғидан шеърият осмонига кўтардим. Мен умримга ачинмаймен, аммо Сизга сарф қилган меҳнатларимнинг зое кетганига ачинамен!..

Ноумид шайтон! Мен ҳали умидларимдан воз кечганим йўқ. Биз етолмаган умидларга келажак наслларнинг етмоғи мумкин. Қачонлардур адолат офтоби барқ уриб чиқмоғи керак. Дунёда бахт ва ҳаққоният тантана қилмоғи лозим. Одамлар орасида низо йўқолмоғи даркор. Аммо қачон? Бу савол ҳамон жавобсиз қолди. Лекин инсоният бу жумбоғни охир ҳал қилур. Чунки унинг қўлида ҳақиқат ва адолат йўлини ёритувчи тафаккур маъшали бор. Шунда кишилар мени ўзларининг буюк ҳамкорликларига қақирурлар ва мен асрлар оша ўз шеърларим билан лаббай, деб жавоб берурмен. Мен кетдим! Ижодимга, халқимга!” – тарзидаги сўзларда буюк мутафаккир шахсидаги ана шу жиҳатлар ёрқин акс этган.

Драмада Ҳусайн Бойқаро, Гули, Абдурахмон Жомий, Турдибой, Мажидиддин, Мансур, Мўмин Мирзо сингари турли образлар ҳам тиниқ реалистик бўёқларда чизилган. Бу образларнинг ҳар қайсиси ўз маънавий қиёфасига, ўз бадиий “юки”га эга. Шу боис улар асар ғоясини, хусусан, бош қаҳрамон феъл-атворини очишда фаол қатнашадилар. Драмада воқеаларнинг давом этиши ва ўсиши учун зарур бўлмаган бирорта ҳам образ йўқ. Масалан, Гули образи асарда ғоят муҳим ўрин тутати. Гули – бадиий тўқима образ. Драматурглар бу образни яратишда халқнинг Навоийнинг маъшуқаси ҳақидаги ҳикоятларидан ижодий фойдаланганлар. Драмага Гули образининг киритилиши, бир томондан, асар ғоясининг тугал, ҳаққоний, табиий ва қизиқарли чиқишини таъминлаган бўлса, иккинчи томондан, Навоий образининг тўлароқ, мукамалроқ очилишига бевосита хизмат қилган.

Гули – Навоийдек улуғ инсон севгисига муносиб доно ва фидокор қиз. У – ақл ва ҳуснда ҳам, одоб ва садоқатда ҳам етук. Гули ўз севгилиси Алишернинг инсоният ва жамият олдидаги буюк ролини жуда яхши тушунади. Шу сабабли ёвуз вазир Мажидиддин унга “Агар сен подшоҳнинг ҳарамига бормасанг, у ҳолда шоҳ Навоийни ўлдиради”, - деганида Гули ўз жонини қурбон қилиб бўлса-да, улуғ шоирни ҳалокатдан қутқариб қолишга интилади:

*Йўқ, асло! Бўлмасин қурбон Алишер!
Қўйинг, эл булбули боз сайрасин, боз!
Қўйинг, юрт бахтини мадҳ айлаган соз –
Вақтсиз синмасун. Шоҳона ижод
Тугалмай қолмасун. Мен қайда? Ҳайҳот...
Мен оддий бир киши, у элга бошдур,
Агар мен шам эсам, у бир қуёшдур.*

*Анингчун, майлига, қурбон бўлай мен,
Бало шамширига қалқон бўлай мен.*

“Алишер Навоий” драмаси бадий маҳорат ва тил жиҳатидан ҳам юқори савияда ғоят таъсирли ва ғоят гўзал қилиб яратилган. Драманинг кўп саҳифалари шеърий йўл билан битилган. Ундаги шеърий парчалар ҳам, насрий диалог ва монологлар ҳам юксак нафосат билан йўғрилган. Асарда ички ҳиссиёт ва ҳаяжон, муҳаббат ва ғазаб туйғуси бўртиб туради. Драма лиризм билан қондириб суғорилган. Бу айниқса, Навоий ва Гули муносабати, уларнинг севги-муҳаббати ва аччиқ қисмати акс этган саҳналарда очиқ кўринади. Асар теран мантиқли фалсафий фикрларга, ҳикматли сўз ва ибораларга, халқ мақоллари даражасига кўтарилган чиройли, сермаъно байтларга сероб:

*Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон,
Чекма меҳнат, яхши бўлмас ҳеч касофат олами.
Ким кучук бирлан хутукка қанча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, эшшак бўлур, бўлмас асло одами.*

Драмада мазмундор ўхшатишлар, чиройли сифатлашлар, серҳикмат муболаға ва мажозлар, киноя, пичинг ва сўз ўйинлари кўп. Ва улар жой-жойида усталик билан қўлланган. Драмада Навоий шеъриятидан унумли фойдаланилган. Шу билан бирга, оригинал шеърий диалог ва монологлар, ҳикматли ва чиройли байтлар яратилган:

*Кимки бўлса инсон, бўлса одам,
Халойиқнинг ғамин ейдур дамо-дам.
(Гули сўзи)*

Асар тили ниҳоятда сермаъно, сюжети қизиқарли ва жозибадор бўлганидек, у композиция жиҳатидан

ҳам гўзал ва тугалдир. Драма бир-бири билан чамбарчас боғлиқ беш парда, ўн кўринишдан иборат. Томошабин воқеа давомини, образлар тақдирини ва асар ечимини ҳаяжонланиб, кизиқиб кутади. Хуллас, “Алишер Навоий” драмаси XX аср ўзбек драматургиясининг ажойиб ютуғидир. Асар ярим асрдан бери минг-минглаб томошабинлар олқишига сазовор бўлиб, миллий драматургиямизнинг шуҳратига шуҳрат, обрўига обрў қўшмоқда.

Иззат Султон ижодида “Имон” драмаси ҳам салмоқли жой эгаллайди. “Имон” – юксак ахлоқ-одоб соҳибларини улуғловчи, ахлоқ-одоб мезонларидан чекинганларни кескин қораловчи бақувват замонавий асардир. Унда профессор Йўлдош Комилов оиласи мисолида ўзбек зиёлиларининг ижтимоий-маънавий, моддий ва маиший, илмий-маданий турмуш тарзи кўрсатилган. Бу оила аъзоларининг жамиятдаги ўрни ва хизматлари, ахлоқу эътиқодлари, ўзаро муносабатлари ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Бу оила аъзоларининг бири профессор, яна бири – институт директори, иккинчиси – таниқли журналист, учинчиси – врач. Уларнинг эътиқодларича, Ватан ва халқ учун виждонан хизмат қилиш, жамият ва оилада ҳалоллик билан ҳаёт кечириш катта бахт. Асарда шу хусусиятлар барча кишиларнинг зарурий инсоний бурчи бўлиши керак, деган муҳим ғоя олға сурилади. Ана шу ақидалардан чекинган шахслар аёвсиз қораланади, фош қилинади.

Драманинг бош қаҳрамони Йўлдош Комилов бутун умри давомида бор кучини, ақл-заковати ва билимини халқ иши учун хизмат қилишга бағишлаб келган. У фарзандларининг ҳам ўзидай пок виждонли бўлиб ўсишлари ва халққа ҳалол хизмат қилишларини истайди. Шу боис, ота ўғли Орифнинг “енгил” йўлни

танлаганига чидай олмайди. Йўлдош Комилов характери унинг ўғли Ориф ва маккор шахс Санжаровнинг разилликларига, тубанликларига қарши кураш жараёнида яққол гавдаланади. Орифнинг номзодлик диссертацияси марҳум профессор Юсуповнинг қўлёзмасидан кўчириб олинганлиги маълум бўлгач, Йўлдош Комилов кучли ғазаб ўтида ёна бошлайди. Йўлдош Комилов характерининг кучлилиги шундаки, у Орифни қинғир йўлдан қайтишга, виждон ва ҳаққоният олдида тиз чўкишга мажбур этади.

“Имон” драмасида гарчанд оиладаги бир кунлик воқеа кўрсатилсада, ундаги ҳар бир образ ўзининг аниқ феъл-атвори, маънавий қиёфаси ва таржимаи ҳолига эга. Демак, драматург характер яратишда маҳорат кўрсатган. Драманинг бош қаҳрамони Йўлдош Комилов образида халқимизга хос миллий характер белгилари усталик билан мужассамлаштирилган. Йўлдош Комиловнинг “Болаларим гапимни тўғри тушунинглар. Мен истайманки, барча уйга бойлик кирсину, ҳеч бир уйдан имон кетмасин... Менинг уйимга бойлик инсонни юксакларга кўтариш учун эмас, разолатга ва касофатга судраш учун кираётганини билсам эди, мен уни итдек қувиб солар эдим... Ў, Ў, бойлик, бойлик! Менинг уйимга сен келадиган бўлсангу имон кетадиган бўлса, мен сенга ўт қўяман, ўт!” – деган сўзлари драма ғоясининг асосий мағзини ташкил этади.

Шундай қилиб, драмада юксак инсоний сифатлар соҳиби бўлиш (яъни, имонли-виждонли бўлиш) фазилатгина эмас, балки заруратдир, деган ғоя асар сюжетининг қат-қатига сингдириб юборилган. “Имон” драмасининг замонавийлиги ҳам, тарбиявий-эстетик қиммати ва аҳамияти ҳам ана шунда. “Имон” ҳозирги

кунда ҳам одамларни маънавияти бой, камтар ва адолатли қилиб тарбиялашга бевосита хизмат қилади.

* * *

Иzzат Султоннинг илмий ва бадиий асарлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни якунлашдан олдин яна бир ҳақиқатни қайд этмоқчимиз. У ҳам бўлса Иzzат Султоннинг мураббийлик – устозлик фаолиятидир. Дарҳақиқат, Иzzат Султон ранг-баранг илмий ва бадиий асарлар ёзиш билан бирга, ўзга хос ва ўзига муносиб катта адабиётшунослик мактабини яратган. Устоз – мураббий сифатида кўплаб илмий ходимларнинг униб-ўсишига ёрдам берган. Меҳрибонлик ва талабчанлик, жонкуярлик ва холислик асосида шогирдлар камолотига сидқидилдан кўмаклашган. Кўплаб фан номзодлари ва фан докторлари етиштирган. Очиғини айтганда, Ўзбекистонда сўнгги ярим аср давомида Иzzат Султондан ўрганмаган, бу устоздан маслаҳат, йўл-йўриқ олмаган бирорта ҳам истеъдодли адабиётшунос ва мунаққид йўқ, десак муболаға бўлмайди. Буни Самарқанд адабиётшунослиги тараққиёти ҳам тўла тасдиқлайди.

Иzzат Султон Самарқанд олий ўқув юртларининг, хусусан, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг ривожланишига, малакали илмий кадрлар, фан номзодлари ва фан докторлари билан мустаҳкамланишига яқиндан ёрдамлашган. Самарқанд адабиётшуносларининг илмий фаолиятларини мунтазам равишда кузатиб борган ва уларни қийинчиликларни енгишга, янги-янги илмий изланишлар қилиб, йирик тадқиқот ишларини бажаришга илҳомлантирган.

Нуриддин Шукуров, Раҳим Муқимов, Ориф Икромов, Шавкат Холматов, Ботурхон Валихўжаев,

Муслиҳиддин Муҳиддинов, Раҳмонқул Орзибеков, Исроил Мирзаев, Ҳотам Умуров, Иноятулло Сувонқулов каби адабиётшуносларнинг докторлик диссертацияларини тайёрлашларида самарқандлик академик Воҳид Абдуллаев билан бир қаторда Иззат Султон ҳам ғоят савобли ва хайрли хизматни беминнат бажарган. Домла бу адабиётшуносларнинг диссертацияларини ўқиб, зарур ва қимматли маслаҳатлар берган. Уларга оқ йўл тилаб тақризлар ёзган, расмий ёки норасмий оппонент сифатида илмий Кенгашда чиқишлар қилган. Жумладан, мен Иззат Султоннинг илмий раҳбарлигида 1973 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида докторлик диссертациясини ҳимоя қилганман. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида домланинг Ватан ва жамият олдидаги фуқаролик бурчини теран англайдиган талабчан ва адолатли, ҳалол ва пок виждонли илмий раҳбар эканини кўриб, юракдан ҳис этганман. Домла ҳаётда маҳаллийчилик, гуруҳбозлик ва тарафкашлик билан асло келишмас ва келиша олмас эди. У шогирд танлашда тадқиқотчининг қаердан ва кимнинг фарзанди, қайси амалдорнинг яқин одами эканлигига қараб эмас, балки қобилиятига, қизиқишига, меҳнатига, интизомига ва ахлоқ-одобига қараб иш юритар эди.

Хулоса: Иззат Султон улкан олим, моҳир драматург ва меҳрибон устоздир. Бу табаррук инсоннинг бутун илмий ва адабий фаолияти, бажарган мураббийлик ишлари, ҳозирги ва келгуси ёш авлод учун ўрнак ва намунадир.

2004 й.

БАҒРИ КЕНГ ОЛИМ

*Қарашларинг ҳаммага тенгдир,
Ҳаммасини бирдай суюсан.
Осмондайин феълинг ҳам кенгдир,
Жилмаясан, кулиб қўясан.*

Ўткир Раҳмон

Академик Воҳид Абдуллаев Самарқанд шаҳрида туғилган (1912-1985). Фарғона Давлат педагогика институтини битирган (1932). Унинг сўнгги ярим асрлик ҳаёти бевосита Самарқанднинг илмий муҳити, хусусан, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети билан чамбарчас боғлиқдир. У узоқ йиллар давомида СамДУда меҳнат қилди. Талабаларга дарс берди, ўзбек адабиёти кафедрасига мудирлик қилди. 1963-1970 йилларда университет ректори лавозимида қизғин фаолият кўрсатди. Университет тараққиётига, етук мутахассис кадрлар тайёрлашга жиддий ҳисса қўшди. Кўплаб номзодлик ва докторлик диссертацияларига илмий раҳбар бўлди.

Воҳид Абдуллаев илм-фаннинг машаққатли йўлларида бориб, устозлик даражасига кўтарилди. 1941 йилда Ўзбекистонда биринчи бўлиб Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1959 йилда эса Озарбайжонда Боку Давлат университетида “XVII-XVIII асрларда Хоразмда ўзбек адабиёти” мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади. Воҳид Абдуллаев 1960 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясига мухбир аъзо, 1966 йилда ҳақиқий аъзо этиб сайланди.

Бу ўринда академик-ёзувчи Садриддин Айнийнинг Воҳид Абдуллаев ҳақида айтган илиқ сўзларини эслаб

ўтиш мақсадга мувофиқдир. Айний домла ўз шогирдининг истеъдодига баҳо бериб, “Ўртоқ Абдуллаев баланд талантли, зийрак, меҳнатдўст ва бошлаган иши устида зерикмай, вақтини қизганмай ишлайдиган илмий ходимдир. Унинг бу сифатларини салмоқдор қилган нарса олимнинг форсча-тожикча ва эски ўзбекча манбаларни чуқур тушуниб ўқиши ва улардан етарли даражада фойдалана олишидир”, - деб ёзган. Воҳид Абдуллаевнинг илмий фаолиятига Ҳ.Арасли, Ф.Қосимзода (Озарбайжон), Б.Карриев, М.Хидиров, Т.Бердиев (Туркменистон), М.Қўшжонов, В.Решетов (Ўзбекистон), Б.Ғофуров, С.Ражабов (Тожикистон) каби академиклар ҳам юқори баҳо берганлар. Ҳинд журналисти Масъуд Алихон “Қадрли Воҳид Абдуллаевич! Сизнинг ишингиз бизнинг қадимги халқларимиз ўртасидаги дўстликни тагин ҳам мустаҳкамлайди”, – деб ёзган. Б.Ғофуров эса “Сизнинг кўп сонли асарларингиз Ўрта Осиё халқлари маданияти ва адабиётига қўшилган салмоқли хиссадир”, – деб айтган.

Воҳид Абдуллаев турли мавзуларда ёзилган 200 дан ортиқ илмий тадқиқот ишларининг муаллифидир. “Алишер Навоий Самарқандда” (1968), “Хоксор ва Нишотий” (1960), “Асрлар нафаси” (1970), “Янги урф одатлар” (1973), “Ўзбек адабиёти тарихи” (1981) каби монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари шулар сирасига киради. Воҳид Абдуллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” номли йирик китоби олий ўқув юртлари учун дарслик бўлиб, 3 марта (1964, 1967, 1981 йилларда) нашр этилган. Унда XVII-XIX асрлардаги адабиётимиз таҳлил қилинган. Ўша даврларда яшаб ижод этган Турди Фароғий, Машраб, Мавлоно Вафоий, Ҳувайдо, Равнақ, Нишотий, Мужрим Обид, Мунис, Гулханий, Махмур, Нодира,

Увайсий, Огаҳий, Шавқий, Ғозий, Жомий каби шоир ва ёзувчилар ижоди дарслик талабларига мос ҳолда ёритилган. Шунингдек, бу давр ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва адабиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда анъана ва адабий таъсир ҳақида зарур маълумотлар келтирилган.

Воҳид Абдуллаевнинг адабиёт тарихининг ўша давргача очилмаган қўриқларини очишда, ўтмишнинг ноҳақ унутилган шоирларини қайта “тирилтиришда”, уларнинг асарларини тарғиб этишда хизмати катта. Дарвоқе, айрим муаллифлар XVII-XVIII асрларда ўзбек адабиёти тарихида “сокин” давр бўлган, бу даврда адабиёт ривожланмаган, кўзга кўринарли шоирлар ўтмаган, тилга олгулик асарлар яратилмаган, деган фикрларни такрорлаб келар эдилар. Воҳид Абдуллаев эса кўплаб нодир ва ноёб қўлёзма манбаларни топиш, уларни синчиклаб ўрганиш, таҳлил этиш асосида бундай ғайри илмий қарашларни рад этди. Мавлоно Вафоий, Паҳлавонқули Равнақ, Хоксор, Нишотий, Толиб Толибий каби ўтмишда унутилган бир қанча шоирларни янгидан кашф этди. Уларнинг ижоди тўғрисида асосли фикр-мулоҳазалар билдирди.

Воҳид Абдуллаевнинг илмий-тадқиқот ишлари орасида Алишер Навоий мавзуида ёзилган асарлар салмоқли ўрин эгаллайди. Олим Алишер Навоий ижодига қайта-қайта мурожаат этган ва ҳар сафар мавзунинг янги-янги қирраларини очиб берган. Унинг турли йилларда ёзилган “Навоийнинг XV-XVI аср ўзбек шоирларига таъсири”, “Алишер Навоий анъаналарининг Хоразмлик шоирлар томонидан давом эттирилиши”, “XIX асрда Бухорода Навоийхонлик ва Навоий издошлари”, “Навоий ва Самарқанд шоирлари”, “Алишер Навоий ва Коҳий Самарқандий”,

“Навоий ва бир даврнинг икки шоири” каби илмий мақолаларида мавзуга доир янги-янги маълумотлар келтирилган, янги фикр-мулоҳазалар баён этилган. Сўз санъати тарихига доир қатор илмий хулосалар асослаб берилган.

Воҳид Абдуллаевнинг Навоий мавзуидаги асарлари орасида “Алишер Навоий Самарқандда” (1968) монографияси ажралиб туради. Бу китоб мунаққиднинг кўп йиллик изланишлари, илмий текширишларининг натижаси бўлиб, унда кўплаб ноёб қўлёзма манбаларга таянган ҳолда ўша йилларгача деярли ўрганилмаган муҳим мавзу кенг ёритиб берилган.

Маълумки, кўп шарқшунос ва адабиётшунослар Навоий не сабаблар биландир Самарқандга келган, бу шаҳарда икки йил ўқиган, дейишдан нарига ўта олмас эдилар. Воҳид Абдуллаев эса ўз асарида Алишер Навоийнинг 1465-1469 йиллар давомида Мовароуннаҳрда бўлгани, унинг Самарқандда Фазлулло Абулайсий хонадонидagi ҳаёти, бу ерда ёзган асарлари, Ҳиротга қайтгач, Самарқанд ва умуман Мовароуннаҳр аҳолиси, айниқса, илм-фан, маданият ва санъат аҳллари билан муносабатларини батафсил кўрсатиб берган.

Воҳид Абдуллаев ўзбек адабиёти тарихига оид мавзуларни тадқиқ ва таҳлил этиш билангина қифояланиб қолмаган. У озарбайжон, туркман, қozoқ, тожик адабиёти бўйича ҳам илмий ишлар олиб борган. Унинг “Фузулий ва ўзбек адабиёти”, “Собир ва Ажзий”, “Мирзо Бедил – буюк шоир ва мутафаккир”, “Жомий ва ўзбек адабиёти”, “Ўзбек ва туркман адабий алоқалари тарихидан” каби мақолалари бунинг исботидир. Бундан ташқари, Воҳид Абдуллаев ҳозирги замон (XX аср) ўзбек адабиёти ҳақида ҳам

тадқиқот ишларини олиб борган. “Ўзбек адабиёти сўнги 40 йил ичида”, “Ўзбекистонда болалар адабиёти”, “Қуддус Муҳаммадий болалар шоири” сингари мақолалар ана шунинг самарасидир.

Воҳид Абдуллаев катта адабиётшунос олим бўлиш билан бирга, нозиктаъб шоир-ёзувчи ҳам эди. Ундан кўпгина шеърлар, “Хайричка” (1935), “Самарқанддан фронтга” (1942), “Самарқанд сайли” (1971), “Бедор қўшиқлар” (1999) сингари шеърий тўпламлар ҳамда “Мададкор эшелон” (1983) деб номланган ҳаётий қисса мерос бўлиб қолган.

Воҳид Абдуллаев шеъриятида Самарқанд ва Самарқандлик инсонлар мавзуйи муҳим ўрин тутди. “Гўзал Самарқанд”, “Самарқанд қасидаси”, “Самарқанд сайли” асарларида бу мавзу ихлос билан куйланган. Шоир “Гўзал Самарқанд” шеърида ажойиб ташбеҳлар, янги-янги сифатлашлар, ўхшатиш ва муболағалар яратиб, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд образини чизиб берган:

*Гулларга бурканган ажойиб шаҳар,
Ясаниб кўкарган майса кўкатлар.
Лоларанг товланар барча бекатлар,
Самарқанд гўзалдир, Самарқанд гўзал!
...Шарқда маданиятнинг қадим бешиги,
Алишер қароргоҳи, Жомий эшиги,
Ўчмаган боболар заркашлиги,
Самарқанд гўзалдир, Самарқанд гўзал!
Савлатли, кўкўпар СамДУ биноси,
Илму фан ҳикматидан кийган либоси,
Қизларнинг ҳаёси, кўзлар зиёси,
Самарқанд гўзалдир, Самарқанд гўзал!*

Воҳид Абдуллаевнинг “Мададкор эшелони” қиссаси хотиранома характериға эга. Асарда ёзувчи 1942 йил феврал-март ойларида мамлакатда бўлиб

ўтган воқеаларни, хусусан, Ўзбекистон делегацияси таркибида фронтга борган чоғида ўзи кўрган ва шахсан иштирок этган воқеа-ҳодисаларни тасвирлаган. Қиссада воқеа Ўзбекистонда мададкор эшелоннинг ташкил этилишидан бошланиб, унинг фронтга омон-эсон бориб келиши тасвири билан тугайди.

Ёзувчи жанговор фронт воқеаларини, айниқса мададкор эшелон кундаликларини тасвирлашда турмушни бўяб-безаб ўтирмайди. Балки босқинчиларга қарши жанг қилишнинг қийинчиликларини, ўқ-дори, қурол-яроқ етишмасликларини, озиқ-овқат танқисликларини рўй-рост очиб беради. Шу билан бирга, аскарларимизнинг ва умуман халқимизнинг бу ҳадсиз, катта қийинчиликларни енгишда мардлик-мангулик намуналарини намойиш этганликларини, уларнинг ватанпарварликларини, буюк ғалабага қатъий ишонганликларини, босқинчи ёвга бўлган сўнмас нафратларини ишонарли равишда кўрсатган.

Қисқаси, Воҳид Абдуллаев бадий ижодчилик соҳасида ҳам қалам тебратган ва адабиётимиз хазинасига ўз улушини қўшишга интилиб, хайрли ишларни бажарган.

* * *

Мен Самарқанд университетининг талабаси (1946-1951), аспиранти (1951-1955) сифатида Воҳид Абдуллаев домладан дарс-сабоқ олганман. Ундан илмий тадқиқот ишларини бажаришни ўрганганман. Унинг илмий раҳбарлигида “Ойдин ижоди” мавзуида номзодлик диссертациясини тайёрлаб, ёқлаганман. Узоқ йиллар давомида (1955-1985) домла раҳбарлик қилган кафедрада аввал ўқитувчи, доцент, сўнгра профессор бўлиб ишлаганман. Ҳатто, домлам билан илмий-тадқиқот соҳасида ҳамкорлик қилиш, биргалик-

да мақола, тақриз, илмий очерк ва ўқув қўлланмалари ёзиш бахтига муяссар бўлганман. Ана шу жараёнда мен Воҳид Абдуллаевнинг камтар инсон, ноёб истеъдод соҳиби, бағрикенг, меҳрибон устоз, катта олим, моҳир нотик, нозиктаъб шоир, халқ ва Ватан олдидаги фуқаролик бурчини теран ҳис этадиган жамоат арбоби, адолатли раҳбар эканига ишонч ҳосил қилганман.

Воҳид Абдуллаев менинг адабиётшунос олим бўлиб шаклланишимга, эл-юртга танилишимга кўмаклашган, раҳнамолик қилган.

Менинг Воҳид Абдуллаев ҳақида таассуротларим, эсдаликларим, дил сўзларим кўп. Баъзи мисоллар келтираман.

1. Воҳид Абдуллаев узоқни кўра оладиган оқкўнгил инсон эди. У ёшларга таълим беришни, уларни тарбиялаб ўстиришни давлат ва миллат аҳамиятига эга бўлган зарур ва муҳим иш деб биларди. Домла шогирд танлашда уларнинг қобилиятига, ахлоқ-одобига қараб иш юритар эди. Мен, Ўрта Чўлда жойлашган Қарнабота қишлоғида таваллуд топган бир йигит аспирантурага кириш чоғида домланинг бу хислатини очиқ кўрганман.

Воҳид Абдуллаев университетни битираётган ёш мутахассисларни ишга тақсимлашдан олдин мени кафедрага чақириб, диплом ишингни ёзиб тугатган бўлсанг олиб кел, мен ҳам бир ўқиб кўрай, - деди. Икки кундан сўнг (диплом ишимни ўқиб чиққач) яна кафедрага чақириб, “аспирантурага тавсия этсак ўқийсанми?”, - деб сўраб қолди. Мен “районга бориб отамдан сўраб келай, сўнг жавобини айтаман”, - дедим. Домлам менга қараб кулимсираб қўйди. Шундан кейин уйга бориб, ота-онам билан маслаҳатлашиб, улардан оқ фотиҳа – розилик олиб

келдим. Хуллас, домламнинг саъй-ҳаракати туфайли етти ухлаб тушимга кирмаган қувончли воқеа юз берди. Мен – аспирант, шогирдпарвар олим Воҳид Абдуллаев илмий раҳбар бўлди. Мен ғойибдан келган бу бахтни сақлаб қолиш, катта домланинг ишончини оқлаш учун тинмай изландим, меҳнат қилдим. Натижада номзодлик диссертациясини муддатидан олдин ёзиб тугатдим. Бундан мендан ҳам кўра кўпроқ домлам қувонди. У кейинча “Азизим Сайдуллажон, аспирантлик йилларидаёқ ўз диссертациянгизни муҳлатдан олти ой илгари ёзиб улгурганингиздан қувониб, мен яхши китоблар бунёд этишга одатланишингизга ишонган эдим. Ижодингиз сербарака бўлди. Китоб ёзиб халқ қалбидан жой олиш умрбоқийлик демакдир! Бу борада омад ёрликлар хоҳиш этаман”, – деб ёзган эди.

2. Менинг факультет декани лавозимига сайланишим ҳамда бу қийин, мураккаб вазифада қарийиб йигирма йил (1963-1971; 1976-1985) ишлашим ҳам, биринчи навбатда, домлам ишончи ва ташаббусининг самарасидир.

1963 йил сентябрь ойи бошида СамДУ ректори Воҳид Абдуллаев мени ўз ҳузурига чорлаб, “биз бу ерда маслаҳатлашдик, эртадан бошлаб сен филология факультетини бошқарасан, декан бўлдинг, оқ йўл”, - деди. Шунда мен ректорга “раҳмат” дейиш ўрнига, кўркув-ваҳима аралаш эътироз билдирдим: “домло, мен умримда ҳеч қачон бошлиқ (амалдор) бўлиб ишлаганим йўқ. Ҳатто курс сардори ҳам бўлган эмасман, эплай олмайман”, - дедим. Ректор эса ўз фикрида қаттиқ туриб, гапни калта қилди: “уддалайсан”. Охирида мен ноилож “маслаҳатлашиб кўраман”, дея ректор хонасидан чиқдим. Ва тўппа-тўғри ота қадрдоним ҳурматли Орзи Маҳмудов

(вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби) хузурига бордим. Орзи ака мени кўриб, “Сайдулла, кечикдинг, ҳозиргина ректор телефон қилди. Мен розилик бердим. Энди ҳеч илож йўқ, бор ишлайбер”, деди. Сўнг кўнглимни кўтариб, хушчақчақ бир кайфиятда “Қизиқ. Сен қандай нодон боласан. Бошқалар “амалдор бўлай” деб елиб юурса, сен ундан қочасан”, - деб ҳазиллашди.

Шундай қилиб, домлам Воҳид Абдуллаев ишончи ва райига кўра, мен факультет деканидек масъулиятли вазифани бажара бошладим. Ректор мени доимо қўллаб-қувватлади, маслаҳат берди, иш ўргатди. Мен эса аста-секин кўникма ҳосил қилдим ва деканлик ишига бутунлай шўнғиб кетдим...

3. Қомусий олим Воҳид Абдуллаев бекор ўтирмас ва бекор ўтира олмас эди. Доимо унинг кўли ишда, кўнгли фикрлашда эди. Зеро, унинг фикр-мушоҳада доираси кўламли, илмий тадқиқот уфқи кенг эди. У ўзбек мумтоз адабиётининг зукко, йирик тадқиқотчиси бўлиш билан бир қаторда, ҳозирги замон ўзбек адабиётининг ҳам катта билимдони эди. “Ўзбек адабиёти сўнги 40 йил ичида”, “Нодир истеъдод”, “Ўзбекистон булбули”, “Шиддатли одамлар қиссаси”, “Ҳамкорлик самаралари”, “Қудратли қалам” сингари мақолаларни ёзишдаги ҳамкорлигим ана шундай хулоса чиқаришимга асос бўлди. Бу илмий ишларни тайёрлаш жараёнида мен домланинг топқирлигига, синчковлигига, илмий мушоҳадаларининг ўткирлигига, XX аср ўзбек адабиётининг “ипидан игнасиғача” пухта билишига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим.

4. Воҳид Абдуллаев ўзбек халқ оғзаки ижодининг ҳам билимдони ва жонкуяри эди. У фольклор бойликларини илмий асосда ўрганиш ва умумлаштириш, Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош

ўғли, Муҳаммад Жомурот ўғли Пўлкан, Ислом шоир Назар ўғли поэтик меросини тўплаш ва кенг тарғиб-ташвиқ этиш соҳасида катта ташкилотчилик ишларини олиб борган. Кафедрада фольклор материалларини йиғиш ва ўрганиш борасида 60-70 йилларда бир неча бор экспедиция ташкил этган¹. Воҳид Абдуллаевич Абдуллаев 1969 йилда шогирдлари билан бирга фольклор бойликларини йиғиш, ўрганиш мақсадида Нурота ва Қўшрабат туманларида илмий сафарда бўлган. Эргаш Жуманбулбул қабрини зиёрат қилган.

Воҳид Абдуллаевнинг Ислом шоир Назар ўғлини республика адабий муҳитига олиб кириш ва элга танитиш соҳасидаги хизматлари ҳам таҳсинга лойиқ. 30 йилларнинг охирларида Нарпайлик зиёлиларнинг тавсиясига биноан Ислом шоир Самарқандга Воҳид Абдуллаевни излаб, ундан кўмак-маслаҳат истаб келади. Домла ҳали у чоғларда кўпчиликка маълум бўлмаган Ислом шоир билан узоқ суҳбатлашади; унинг ижод маҳсулотлари билан яқиндан танишади; шоирнинг дoston, қўшиқ ва термаларини мириқиб эшитади. Сўнгра шоирга оқ йўл тилаб, махсус мактуб билан Тошкентга, машҳур фольклоршунос Ҳоди Зариф ҳузурига жўнатади. Натижада Ислом шоир ижодининг гуллаб-яшнашига, халқ оқини асарларининг кенг оммалашувига қулай имкон туғилади...

5. Воҳид Абдуллаев ҳар томонлама тараққий этган комил инсон, хушчақчақ, файзли одам эди. Яхши, дилкаш суҳбатдош эди. У қатнашган анжуман, тўю маросим доимо ҳазил-мutoйиба билан кўтаринки руҳда, мазмундор, қизиқарли ўтарди. Мен бу

¹ Қаранг: В.Абдуллаев, С.Мирзаев. Самарқанд халқ ижодкорлари ва уларнинг репертуарларини ўрганиш масаласига доир // “Ленин йўли” газетаси, 1959 йил 24 апрель.

ширинсуҳбат инсонга эргашиб, Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Наманган, Андижон, Сирдарё вилоятидаги кўплаб йиғинларга қатнашганман. У киши ҳамма жойда суҳбатнинг гули эди. Одамлар домланинг суҳбатидан баҳраманд бўлишга интилар, зерикиш йўқ эди. У қизиқ-қизиқ латифалар, янги-янги шеърлар тўқиб ҳаммани кулдирар, хурсанд қилар эди. Домла лозим бўлиб қолса, қўшиқ айтишдан, рақсга тушишдан ҳам қайтмас ва бу соҳада ҳар қандай профессионал санъаткордан қолишмас эди. Ғафур Ғуломдан 1953 йилда Самарқанд шаҳрида эшитганим куйидаги воқеа эсимдан асло чиқмайди. 1942 йилда академик Ҳабиб Абдуллаев бошчилигида Ўзбекистон делегацияси фронтга совға-салом олиб боради¹. Делегация таркибида Ғафур Ғулом билан Воҳид Абдуллаев ҳам бор эди. Фронтида ўзбек жангчилари билан ҳаяжонли учрашувлар, дилкаш суҳбатлар, шеърхонликлар бўлиб ўтади. Учрашувларнинг бирида Ўзбекистонлик жангчилар кўпдан бери ўзбекча ашула эшитмаганликларини, ўзбек куй-қўшиқларини жуда соғинганликларини арз қиладилар. Шунда бу икки аллома ҳозиржавоблик билан қўлига тақсимча олиб, “Салом ва табрик” (Ғофур Ғулом шеъри)ни шундай бир завқ-шавқ ва кўтаринкилик билан хиргойи қиладиларки, майдон олқишларга тўлиб кетади.

Хуллас, академик Воҳид Абдуллаев дунёга фақат яхшилик қилиш учун келган эди. У бу эзгу ва савобли юмушни аъло даражада адо этиб кетди: илм-фан ва олий таълим тараққиётига муносиб ҳисса қўшди².

¹ Қаранг: Воҳид Абдуллаев. Мададкор эшелон (воқеий қисса), Тошкент: “Ёш гвардия”, 1983.

² Қаранг: Адабиёт илмининг алломаси (Академик Воҳид Абдуллаев замондошлари нигоҳида). – Тошкент: “Шарқ”, 1997.

Домланинг мангу барҳаёт ва ибрат бўлиб қолганлигининг сиру асрори ҳам ана шунда.

Академик Воҳид Абдуллаевнинг эл-юрт, илм-фан, олий таълим соҳасидаги буюк хизматлари муносиб тақдирланган. Унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1972) деган юксак фахрий унвон берилган. Олимнинг хотирасини абадийлаштириш соҳасида ҳам муайян тadbирлар амалга оширилган.

2007 й.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР САБОҚЛАРИ

Абдулла Қаҳҳор ҳаётда камдан кам учрайдиган ноёб санъаткор эди. У ҳар бир асарини такрорланмас даражада оригинал қилиб, юсак савияда яратарди. Бадиий ижодиётда ҳали ҳеч ким томонидан айтилмаган, лекин айтилиши шарт бўлган янги, сермаъно гапларни синчковлик билан топиб айтарди. Сўз санъатида янгиликлар яратиб, адабиётда кашфиётлар бунёд этарди. Бироқ шўролар ҳокимияти даврида адиб ижодини камситиш, айрим асарларини нотўғри “тахлил этиш” ҳолларига йўл қўйилди. “Сароб”, “Қўшчинор”, “Тобутдан товуш” каби асарлари асоссиз қораланди. Демак, қаҳҳоршунослик силлиқ кечган эмас. Хайрият, вақт ўтиши билан бу хатолар тузатилди. Адиб ижоди холисона ўрганилиб, таҳлил қилиниб, адолатли равишда баҳолана бошланди. Бу жиҳатдан мустақиллик даврида майдонга чиққан монография, дарслик, ўқув қўлланма ва илмий мақолалар катта аҳамиятга эга бўлди.

Абдулла Қаҳҳор том маънода миллий ёзувчи, ростгўй ижодкор эди. У халқ ва мамлакат ҳаётидаги ютуқ ва ўсиш-ўзгаришлардан, кишиларимизнинг ибратли ишларидан қанчалик қувонса, эрксизлик, тенгсизлик ва адолатсизликдан шунчалик изтироб чекарди. Адиб на фақат ижод эркинлиги, ҳатто оддий инсон эрки топталган ва рост гапни ёзиш қатағон қилинган машъум 30 йилларда ҳам ҳақиқатни очиқ-ойдин ёзишдан чекланмаган. Кўрган, билган ва ўйлаганларини кўркмай қоғозга туширган. “Томоша боғ” ҳикоясида ўтмиш воқелигини тасвирлаш баҳонасида мустамлакачилик тузумини қаттиқ қоралаб, фош этган. Асарда чор мустамлакачиларининг маҳаллий аҳолини инсон қаторида кўрмаганликлари очиб

ташланган. Ҳикояда киноя ва пичингдан усталик билан фойдаланилган. Мустамлакачилик ҳаёти турма ҳаётига қиёс қилинган.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” сатирик комедияси ҳам адиб ростгўйлиги ва жасоратининг меvasи эди. У катта санъаткор ва доно инсон бўлганидан шўро мафкурасининг сохталигини чуқур идрок этган ҳамда унга “тил тегизиш”дан ҳайиқмаган. Асарда порахўрлик ва маънавий бузуқликни кескин фош этган. “Тобутдан товуш” комедиясида тасвирланган мудҳиш воқеа шўро давридаги идора бошлиқларидан бирининг хонадониде бўлиб ўтади. Порахўрлик ва айш-ишрат билан кун ўтказишга одатланиб қолган бу оиланинг жирканч ва тубан ҳаётини фош қилиш комедия сюжетининг асосини ташкил этади. Унда нопок шахслар (айниқса, виждонсиз, ориятсиз идора бошлиқлари) шарманда-ю шармисор қилинади. Бунга қарши ҳалоллик ва тўғрилиқ улуғланади. Комедия ўз вақтида томошабинлар томонидан гулдурос олқишлар билан кутиб олинди. Шунга қарамай, 60 йилларда бу комедия воқеликни қора бўёқларда кўрсатувчи асар сифатида асоссиз танқид қилинди ва саҳнадан олиб ташланди.

Абдулла Қаҳҳорнинг она-Ватан ва миллат тақдири учун жон куйдирувчи тўғри сўз, жасоратли ёзувчи бўлганлиги унинг публицистик чиқишларида ҳам очиқ кўринади. Адиб бир асарида “Мустамлакачилик фақат мамлакатни ғорат қилмайди, ундан ҳам ёмонроғи одамларни, халқни руҳан ғорат қилади: шундай қиладики, кул ҳаётини кечираётган, инсонга номуносиб ҳаёт кечираётган одамда шу ҳаётга қарши норозилик, исён руҳи буткул сўнади”, – деб ёзган эди. Бошқа бир ўринда эса «Кўпгина оилаларда болалар ўз она тилини мутлақо билмайди. Бу ота-онани

заррача ҳам ташвишга солмайди. Баъзи бир оилаларда бола ўз она тилида гапиргани номус қилади. Баъзи одамлар шуни интернационализм, деб ҳисоблайди”, – дея ҳақ гапни битган эди.

Абдулла Қаҳҳор бадиий маҳоратни кенг маънода, теран идрок этади. Бу борада, энг аввало, ўзи намуна кўрсатади. У “бадиий маҳорат чиройли иборалар, чиройли ифодалар, антиқа воқеалар, кулгили ёки қайғули ҳолатлар топиш эмас, халққа айтадиган зарур сўзимизни китобхоннинг қалбига олиб кирадиган образ яратиш демакдир. Ёзувчининг халққа айтадиган гапи нақадар муҳим, нақадар катта, нақадар зарур бўлса, буни китобхоннинг қалбига олиб кирадиган образ шу қадар кучли бўлиши керак”, – деб ёзган эди.

Адиб турли йилларда Асрорбобо, Аҳмаджон Шукуров, Саида, Қаландаров, Сиддиқжон, Раҳимжон Саидий, Муродхўжа, Суқсуров, Заргаров, Ҳузуржанов, Хуморхон, Мухторхон каби хилма-хил ёрқин образлар яратиб, халққа айтадиган ўта муҳим ва зарур гапларини ана шулар зиммасига маҳорат билан юклаган.

Абдулла Қаҳҳор адабиётнинг қарийб барча жанрларида бирдай маҳорат билан ижод қилган. Хусусан, наср ва драматургия жанрларининг кўпгина гўзал намуналарини яратган. У, аввало, ҳикоя жанрида катта муваффақиятга эришган. 30-йиллардаёқ кичик ҳикояларнинг катта устаси сифатида тан олинган ва ўзбек реалистик ҳикоячилигининг асосчиларидан бири ҳисобланган. Адиб “Мен ҳикоячиликни жуда яхши кўраман ва шу билан бирга, ҳамма вақт қаламимнинг қайроғи, деб қараганман”, – деган эди. Унинг “Адабиёт муаллими”, “Майиз емаган хотин”, “Асрорбобо”, “Тўйда аза”, “Даҳшат”, “Минг бир

жон” сингари ҳикояларида ёрқин жонли образлар яратилган.

Абдулла Қаҳҳор катта жанрларда асарлар ёзишга ҳам уста эди. Ёзувчининг “Сароб”, “Қўшчинор чироқлари” романлари, “Синчалак”, “Ўтмишдан эртақлар”, “Муҳаббат” қиссалари мавзунинг муҳимлиги, ғоявий мазмуннинг теранлиги, образлар характерининг аниқлиги, сюжет ва композициянинг ҳаётийлиги, асар тилининг ғоят гўзал ва жозибадорлиги билан ўқувчиларни мафтун этади. Масалан, ёзувчининг сўнгги қиссаси “Муҳаббат”да Анвар билан Муҳайё номли икки ёшнинг оташин муҳаббати, булоқ сувидек тоза, қуёш нуридек пок севгиси ҳаяжон билан ҳикоя қилинган. Тўғри, юзаки қараганда, бу асар баъзи кишиларга фақат аччиқ муҳаббат қиссасигина бўлиб туюлиши мумкин. Аслда эса асар мазмуни ғоят теран ва ўткир. Унда икки ёш юракнинг севги саргузашти тасвири асосида ҳаётдаги паст-баландликлар, яхши-ёмонликлар, инсон характерининг мураккаблиги, ёшлар тафаккур дунёсининг кенглиги ва бойлиги маҳорат билан очиб берилган. Соф севги ва инсоний бурч тўғрисидаги, поклик ва ҳалоллик ҳақидаги чуқур замонавий мазмун гўзал шаклда ифодаланиб, ҳақиқий инсонийлик улуғланган.

Шаҳарнинг машҳур шифокори, ажойиб инсон Мурод Али вафот этгач, унинг синглиси Марғуба акасидан қолган катта бойликка эга бўлиш ниятида қабих ишларга қўл уради. Мурод Алининг яккаю ягона ўғли Анварга ўзининг қизи Муаттарни бериб, меросхўрнинг оёғига кишан солмоқчи бўлади. Бироқ Анвар аммаси Марғуба кўрсатган йўлдан бормайди. Муаттар билан турмуш қуришга рози бўлмайди. Анвар билан Муҳайёнинг соф севги-муҳаббатига ҳеч нарса - катта бойлик ҳам, эски урф-одатлар, дўқ-пўписа ва

тухмату иғволар ҳам тўсиқ бўла олмайди. Асар воқеаси икки ёшнинг Муаттар, Ҳакимжон, Наимжон каби яхши ниятли инсонлар ёрдамида муроду мақсадларига етганликларини тасвирлаш билан тугайди.

“Муҳаббат” қиссасининг ишонтириш қуввати жуда кучли. Ёзувчи асарда образларнинг ҳаракатини, юриш-туришини, феъл-атворини, ўй-хаёлларини мантиқан асослашга ва табиий қилиб кўрсатишга тўла эришган. Характер яратишда, асар ғоявий мазмунини ифодалашда руҳият таҳлили санъати ва тил имкониятларидан моҳирона фойдаланган. Бу хусусиятлар Абдулла Қаҳҳорнинг драматик асарларига ҳам тегишлидир. Зеро, “Янги ер” (“Шоҳи сўзана”), “Оғриқ тишлар”, “Тобутдан товуш”, “Аяжонларим” комедияларида ёзувчи ҳаётни ҳаққоний ва гўзал шаклда кўрсатган. Уларда ибрат ва сабоқ кўп. Масалан, куруқ ва бўз ерларни ўзлаштириш мавзуига бағишланган “Шоҳи сўзана” комедиясида юртимиз ҳаёти ўсиш-ўзгариш, обод бўлиш жараёнида акс эттирилган.

Комедия бошларида Мирзачўлга эндигина кўчиб келган чўлқувар қиз Ҳафизадан “Қалай, Мирзачўл ёқдимми?”, деб сўраганларида у: “Ёқмади. Биласизми, Ўзбекистон шоҳи сўзана, Мирзачўл мана шу шоҳи сўзанага тушган чипта ямоқ”, – деб жавоб беради. Шунда комедия қаҳрамонларидан бошқа бири “Мирзачўлни ҳам шоҳи сўзанага айлантирамиз”, – деб ишонч билан айтади. Асар охирида Ҳафиза ғурур билан “Қаранг, янги очилган ҳар бир қарич ер шу сўзанага солинган бир гул”, – дейди. Кўринадики, драматург комедияда Ўзбекистонни шоҳи сўзанага, эски Мирзачўлни чипта ямоққа, янги очилган ерни эса сўзанага тикилган гулга ўхшатади. Шу тариқа сўз ўйини ясаб, меҳнат аҳлининг куч-қудрати ва ақл-

заковати туфайли юртимиз жамоли йил сайин кўркамлашаётгани, ўлкамиз тобора обод бўлаётганини образли тарзда кўрсатади.

Абдулла Қаҳҳор ўз асарларида ғоявий мазмунни доимо биринчи ўринга қўяди ва ғояни “бадий асарнинг юраги”, – деб атайди. Ёзувчи халқнинг “тили учиди турган” гапни, яъни асарнинг ғоявий мазмунини ифодалашда тил имкониятларидан катта усталик билан фойдаланади. Шунга кўра, Абдулла Қаҳҳорни тил хазинасининг моҳир заргари, деб атасак, адолатли бўлади. Академик Ғафур Ғулом “Бошқалар бир саҳифада айтадиган гапни у битта гапда айтиб қўя қолади”, – деган эди. Абдулла Қаҳҳор ўз асарларида чуқур мазмунли катта фикрларни содда, сиқик, жозибадор қилиб ифодалайди. Халқ жонли тили бойликларини, ҳикматли сўз ва ибораларни доимо тежаб-тергаб, исроф қилмасдан, ўз ўрнида ишлатади, “Синчалак” қиссасида 50 тача, “Қўшчинор чироқлари” романида 100 га яқин халқ мақоллари қўлланилган. Бундай ҳолларда адиб асосий эътиборни сонга (миқдорга) эмас, сифатга қаратади. Халқ мақол ва ибораларини ўринсиз, пала-партиш ишлатишга йўл қўймайди. Воқеалар моҳиятига ва образлар характериға мос келувчи мақол ва халқ ибораларини топиб ишлатади.

Абдулла Қаҳҳор асарларида халқ мақол ва ҳикматли сўзларини қўллаш билан бирга, ўзи ҳам ҳикматли сўз, мақол ва афоризм даражасига кўтарилган сермазмун, чиройли жумлалар яратади. “Очлик бўлганда деҳқон келисининг кири, тегирмончи дўпписининг чанги билан бўлса ҳам нарироққа бориб олади, лекин косибға қийин” (“Ўтмишдан эртактар”), “Одамнинг чиқити бўлмайди”, “Биров гапни ёғлаб гапиреди,

биров тиканак боғлаб гапиради” (“Синчалак”) сингари образли жумлалар бунга яхши мисол бўлади.

Абдулла Қаҳҳор ҳикматли сўз ва афоризмлар яратишда асосан икки усулдан фойдаланади. Биринчидан, жонли халқ тилида мавжуд бўлган мақол ва ҳикматли сўзлар шаклини ўзгартириб, мазмунини бойитиб, маъносини кенгайтириб ишлатади. Иккинчидан, ҳаёт ҳақиқатига асосланиб, “Одамнинг ёмони бўлмайди. Биров тош, биров гул, ўз жойида иккови ҳам яхши”, “Танингда филнинг кучи, чумолининг ғайрати бўлсин”, “Ҳозирги замонда сичқон тутмайдиган мушук ҳам одамнинг кўзига хунук кўринади”, “Юртдан чиқиш тириклай гўрга кириш деган сўз”, “Юртни обод қиламан деган киши ўзи обод бўлади”, “Шундай одамлар ҳам бўладики, туғилганида ҳеч ким севинмаган бўлса ҳам, ўлганда бутун юрт аза тутади”, – сингари янги афоризм ва ҳикматли жумлалар яратади.

Ҳар бир инсоннинг ўз муаллимлари бўлганидек, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳам ўз устозлари бўлган. У ҳаёт ҳақиқатини ва устоз ёзувчилар маҳоратини синчиклаб ўрганиб, “фактлар рудасидан ҳақиқат нуқтасини топиш” санъатини эгаллаган. “Устод” мақоласида “Агар мен услубда бирон даражада камолотга эришган бўлсам, бунинг учун, шубҳасиз, устоз Антон Павлович Чеховга қуллуқ қиламан”, – деб ёзган эди.

Абдулла Қаҳҳор устозлар хизматини улуғлаш билан бир қаторда, шогирдлар қадрини ҳам баланд кўтарган. Чунки у шогирдларни тарбиялаб ўстиришни миллат ва давлат аҳамиятига молик бўлган жиддий ва хайрли иш деб ҳисоблаган. Бу соҳада меҳнатини ва вақтини аямаган. Ёш ижодкорларнинг қўлёзмаларини ўқиб, уларга зарур маслаҳатлар беришдан эринмаган. Уларни қўллаб-қувватлаган, лозим бўлганда қатъият-

лик ва меҳрибонлик билан шогирдларини ҳимоя қилган. Устознинг бу хислатларини Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Ўлмас Умарбеков, Пиримкул Қодиров, Матёқуб Қўшжонов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Умарали Норматов каби ёзувчи ва адабиётшунос олимлар ўз ҳаётлари мисолида мамнуният билан қайд этганлар.¹

Абдулла Қаҳҳорнинг яна бир хислати шундаки, у ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ниҳоятда талабчан ёзувчи эди. У, одатда, асар китоб бўлиб нашр этилгандан ёки саҳнага қўйилгандан кейин ҳам кўлёзма устида ишлашни давом эттирар эди. “Сароб”, “Қўшчинор чироқлари”, “Янги ер”, “Оғриқ тишлар”, “Тобутдан товуш” каби машҳур асарларнинг яратилиш тарихи шундан далолат беради.

Хуллас, Абдулла Қаҳҳор улўғ ёзувчи. Унинг адабиёт ва санъат соҳасида хизматлари беқиёс катта. У мангу барҳаёт санъаткор. Ўзбекистон Президенти-нинг Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори (2007 йил 8 январь) ана шу тарихий ҳақиқатни жаҳон миқёсида кенг намоиш этди.

2008 й.

¹ Қаранг: Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида. – Тошкент, 1987.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТЛАР

Ўзбек халқининг улуғ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодининг ёрқин қирралари, ибратли томонлари, асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари адабий танқидчилик ва адабиётшуносликда анча кенг ёритилган, давр талаблари асосида таҳлил этилган. Ана шуни назарга олиб, мазкур мақолада адиб асарларини шакл ва мазмун жиҳатидан таҳлил этишни эмас, балки қаҳҳоршуносликдаги баъзи ноаниқлик, чалкашлик ва исботталаб ўринлар тўғрисида сўз юритишни мақсад қилиб қўйдик. Зотан, китобхонлар томонидан аниқлик истаб, турли йилларда каминага йўлланган қатор мактублар шуни тақозо этади. Мактубларда Абдулла Қаҳҳор мухлислари ўзларини қизиқтирадиган бир қанча саволларга мутахассис сифатида жавоб беришимни сўраганлар. Ана шу боис, мен адиб ҳаёти ва ижодига тааллуқли айрим ҳолатларни эслатиб, масалага ўзим билганимча аниқлик киритишга ҳаракат қиламан.

Маълумки, Абдулла Қаҳҳор вафотидан сўнг (1968) айрим шахслар уни “хорлик кўрган, жабр чеккан, таъқиб этилган бир бечора”га чиқариб қўйдилар. “Абдулла Қаҳҳор ҳақида гапириш мумкин эмас эди”, – деб даъво қилдилар (“ЎзАС”, 1989 йил 1 апрель). Ю.Жумаев деган киши “Ажалдан ўлмаган Абдулла Қаҳҳор. Қотиллар ўлдирган”, – деб нола қилди (“Шарқ юлдузи” журнали, 1987 йил, 9-сон, 167 б.). К.Болтаев номли шахс эса “Агар Пушкин Дантес ўқига учган бўлса, менинг назаримда Абдулла Қаҳҳор баъзан ошкора, баъзан пинҳона зуғумларнинг қурбони бўлди” (“ЎзАС” газетаси, 1988 йил 7 декабрь) дейишгача бориб етди. Ҳолбуки, Абдулла Қаҳҳор “қувғин қилинган, таъқиб этилган, хусусан, ўз ажали билан

ўлмаган” деган даъволар тўғри эмас. Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодига тааллуқли кўпгина далиллар бу хил даъволарни рад этади. Шу билан бирга, факт ва ҳужжатлар Абдулла Қаҳҳор ҳаётлигида умуман давлат ва халқ томонидан қадрланиб, муносиб тақдирланиб келинганидан гувоҳлик беради. Фактларга мурожаат қилайлик.

Биринчидан, Абдулла Қаҳҳорнинг истеъдодли ёзувчи сифатида шаклланиши ва мамлакат бўйлаб танилиши шўро ҳокимияти даврига тўғри келди. Бу мураккаб давр бошқа кўп ёзувчилар ижодига бўлгани сингари Абдулла Қаҳҳор ижодига ҳам салбий таъсир кўрсатди (чунки, у даврда сўз эркинлиги йўқ эди, ҳақиқатни очиқ ёзишга имконият берилмас эди). Бироқ, шунга қарамасдан, адиб “соц. реализм” тазйиқу сиқувларига чап бериб, кўп ҳолларда ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантириш намуналарини кўрсатди. Адабиётда ажойиб янгиликлар яратди.

Абдулла Қаҳҳорнинг барча машҳур асарлари 30-60-йилларда ёзилди ва нашр этилди. Жумладан, кўп томлиги (олти жилдлик асарлари) 1967 йилдан бошлаб майдонга чиқа бошлади. Худди шу даврда унинг ижоди (асарлари) ўрта ва олий ўқув юртлари дастурларидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Дарслик ва ўқув қўлланмалардан ўзига муносиб жой олди. Ҳа, рост. Шўро давридаги ҳукмрон мафкура мамлакат ҳаётига, жумладан, адабиёт ривожига жиддий зиён етказди. Бироқ, бу машъум давр, умуман олганда, тараққиётни, айниқса, сўз санъати ривожини тўхтатиб қўймади ва тўхтатиб қўя олмас эди. Бу ҳақиқатни ростгўй адиб Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳам тасдиқлади.

Иккинчидан, худди шу даврда Абдулла Қаҳҳорнинг барча пьесалари нуфузли театрларда, биринчи

навбатда, Ҳамза номидаги машҳур академик драма театрида (ҳозирги миллий академик театримизда) сахналаштирилди. Биргина “Янги ер” (“Шоҳи сўзана”) комедияси Москва, Ленинград каби йирик шаҳарлардаги машҳур театрларда, шунингдек, Хитой, Чехославакия, Венгрия, Руминия, Болгария, Вьетнам сингари хорижий мамлакатларнинг етакчи театрларида – ҳаммаси бўлиб 75 та театрда сахнага қўйилди ва олқишлар билан кутиб олинди.

Учинчидан, бу йилларда ёзувчининг “Янги ер”, “Синчалак” асарлари асосида кинофильмлар яратилди. Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи ҳақида эса ҳужжатли фильм суратга олинди.

Тўртинчидан, бу даврда Абдулла Қаҳҳор ижоди илмий жиҳатдан анча чуқур ўрганилди ва матбуотда кенг ёритилди. И.Бородинанинг “Абдулла Қаҳҳор” (рус тилида, 1957), Ҳ.Абдусаматовнинг “Абдулла Қаҳҳор” (1960), М.Султонованинг “Абдулла Қаҳҳор услуги” (1967), М.Қўшжонов ва У.Норматовнинг “Маҳорат сирлари” (1968) китоблари, шунингдек, И.Султон, П.Қодиров, О.Шарафиддинов, Ҳ.Ёқубов, Л.Қаюмов, Х.Дониёров, Ш.Юсупов, А.Геворкян ва бошқа олимларнинг қаҳҳоршуносликка оид 40 тадан зиёд илмий мақолалари шу даврнинг маҳсули бўлиб, уларда адиб ижоди холис тадқиқ ва таҳлил этилди. Бундан ташқари, Абдулла Қаҳҳорнинг бир қанча асарлари турли тилларга таржима қилиниб, кенг оммалаштирилди.

Бешинчидан, худди шу даврда Абдулла Қаҳҳорнинг сўз санъати соҳасидаги катта хизматлари ҳисобга олиниб, у 1949-1967 йилларда бир неча бор юксак мукофотлар билан тақдирланди. “Меҳнат Қизил Байроқ” ва “Ҳурмат белгиси” орденлари билан мукофотланди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси деган юксак

фахрий унвонга сазовор бўлди (1967), “Янги ер” комедияси учун Давлат мукофотини (1951), “Ўтмишдан эртақлар” қиссаси учун Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотини (1966) олишга муяссар бўлди.

Олтинчидан. Абдулла Қаҳҳор худди шу даврда Ўзбекистон Ёзувчилари ташкилотининг раиси (1954-1956), ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ иккинчи (1954), учинчи (1959), тўртинчи (1967) съездларининг делегати, Ўзбекистон Олий Советининг депутаты (учинчи чақириқ) қилиб сайланди. Абдулла Қаҳҳорнинг қадри, обрўи баланд ёзувчи бўлганини кўрсатувчи бундай далиллар кўп. Адибнинг аёли Кибриё Қаҳҳорова “Олтмишинчи йиллар Абдулла Қаҳҳор ижодининг авжи гуллаб-яшнаган даври эди, десам хато бўлмайди. Чунки, машҳур асарлари асосан ана шу йилларда дунёга келди”, – деб ёзган (Кибриё Қаҳҳорова. Чорак аср ҳамнафас, 1987, 48 бет). Бошқа бир ўринда Кибриё опа “1967 йилнинг сенятбрь ойида Абдулла Қаҳҳорнинг олтмиш йиллик юбилеи Навоий номидаги опера ва балет театрида зўр тантана билан нишонланди” (89 бет). Бу тантанали маросимда “республика раҳбарлари тўлатўкис қатнашди” (“ЎзАС” газетаси, 1968 йил 1 апрель) деб қайд этган.

Яна бир далил. Абдулла Қаҳҳорга 1958 йилда Тошкент шаҳрининг энг обод еридан (Герман Лопатин кўчасидан) икки қаватли коттеж қуриб берилди. Адиб умрининг охиригача ўша уйда яшаб, баракали ижод билан машғул бўлди.

Умуман олганда, Абдулла Қаҳҳор ўз ҳаётидан рози эди. У 1966 йил декабрда ёзган бир мақоласига “Вақтим чоғ” деб сарлавҳа қўйгани бежиз эмас. Ёки, Абдулла Қаҳҳор Ўзбекистон Ёзувчилар съездида

(1967) сўзлаган нуткида “Менинг асаримни юксак мукофотга тавсия этган Ўзбекистон Ёзувчилар союзига, Тошкент Давлат университетининг филология факультети студентларига, асарга (“Ўтмишдан эртактар”га – С.М.) катта баҳо берган ҳамкасбларимга, ниҳоят, асарни мукофотга лойиқ кўрган Ҳамза мукофоти комитетига чуқур миннатдорлик билдираман”, – деб айтган эди.

Адибнинг бундай миннатдорчилик туйғуларини ифодаловчи далилларни яна келтириш мумкин. Абдулла Қаҳҳор туғилганига олтмиш, ижодий фаолиятига қирқ йил тўлган кунда сўзлаган нуткида “Оз хизматимни кўп ўрнида кўриб, мени “Меҳнат Қизил Байроқ” ордени билан мукофотлаган, менга ишониб, зиммамга Халқ ёзувчиси бўлиш бурчини юклаган халқимга бош эгиб таъзим қиламан... Мен ҳамма вақт халқимга, партияга содиқ бўлиб келганман. Халқим ва партия чизган чизиқдан бир энлик ҳам четга чиққан эмасман, умримнинг охиригача халқимга, партиямга содиқ бўлиб қоламан” (Асарлар. 5 том, 1989 й, 247-248 бетлар), деб таъкидлаган эди.

Тўғри, шўро ҳокимияти даврида айрим муаллифлар томонидан Абдулла Қаҳҳорнинг баъзи асарлари (“Сароб”, “Тобутдан товуш”) асоссиз ҳолда қаттиқ қораланган. Лекин, бу танқидни, менимча, “таъкиб этиш” деб аташ адолатдан эмас. Бундан ташқари, ўша вақтларда айрим мансабдор кишилар орасида адиб шахсига муносабат масаласида турли салбий фикрлар, баъзи “миш-миш”лар мавжуд эди. Ҳатто ёзувчи “Абдулла Қаҳҳор ўз атрофига ёмон мақсад билан ёшларни тўплайпти”, – деб айблашга ҳаракат қилишлар” (Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 1989 йил, 5 том, 265 бет) кўзга ташланар эди.

Шуниси муҳимки, бундай ноҳақликларга, асоссиз айблашларга мустақиллик даврига келиб қатъий чек қўйилди. Абдулла Қаҳҳорнинг улуғлиги, халқпарвар ёзувчи ва меҳрибон устоз эканлиги қайта-қайта таъкидлаб кўрсатилди. Бу жиҳатдан, айниқса, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори (2007 йил 8 январь) жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу тарихий қарор Абдулла Қаҳҳорнинг буюк ёзувчи, халқпарвар, ватанпарвар инсон эканини жаҳон миқёсида яна бир бор намоён этди. Қарорда Абдулла Қаҳҳорнинг сўз санъати ривожига қўшган ҳиссаси яққол кўрсатилди ва юксак баҳоланди. Бу қарор Абдулла Қаҳҳорнинг адабиётимиз ва маънавиятимиз тараққиётига қўшган ғоят катта ва қимматли улушининг давлатимиз ва халқимиз томонидан амалий эътирофининг натижасидир.

Хулоса: Абдулла Қаҳҳор ўзбек халқининг улуғ ёзувчиларидан бири, худо берган буюк истеъдод соҳиби. Адиб ҳаёт ҳақиқатини, инсонлар маънавий дунёсини синчиклаб ўрганиб, тадқиқ этиб китобхонлар қалбини забт этадиган ва уларни илҳомлантирадиган гўзал асарлар яратди. Ростгўй ва новатор адиб сифатида шуҳрат таратди. Абдулла Қаҳҳор асарлари завқ-шавққа, ҳикмат ва сабоққа тўла. Бинобарин, у мангу барҳаёт ижодкор. Ёзувчининг давр синовларидан муваффақият билан ўтган, халққа манзур бўлган хилма-хил бадиий асарлари ҳозирги долзарб кунларда китобхонлар томонидан севиб, севилиб ўқилмоқда. Зеро, асл истеъдодга асло заволи йўқ. Асл истеъдод соҳиблари доимо асарлар оша халқ орасида, халқ қалбида мангу яшайверадилар. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов шеъри билан айтганда:

Азалий ҳақ гапни яширмоқ нечун,
Завол йўқ энг асл истеъдод учун.
Агарда коинот тегирмон бўлиб,
Оламни янчса ҳам, қолгай у бутун.

2007 й.

ИҚТИДОРЛИ ИЖОДКОР

*Сизни алқаганлар бир
халқ, бир денгиз,
Сизни қарғаганлар –
жўраларингиз.*

Муҳаммад Юсуф

Қарийб чорак аср давомида Ўзбекистон партия ташкилотига етакчилик қилган Шароф Рашидов (1917-1983) ёзувчи сифатида ҳам танилган. Бироқ адиб вафотидан сўнг (1983) унинг шахси ва ижоди асоссиз ҳолда қаттиқ қораланди. Мустақиллик даврида эса бу адолатсизликка барҳам берилди. Адибнинг пок номи, шон-шарафи қайтадан тикланди. Бу савобли тадбирни амалга оширишда, адолатни тиклашда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шахсан мардлик кўрсатди, донолик ва адолат билан сиёсат юритди. У ўзининг мақола ва нутқларида далилларга таянган ҳолда Шароф Рашидовнинг халқ, жамият ва адабиёт олдидagi хизматларини ҳолисона кўрсатиб берди. Жумладан, “Шароф Рашидов ниҳоятда иқтидорли инсон эди... Унинг ижодий истеъдоди ҳам кўп қиррали эди. Шоир, наср, публицист сифатида яратган асарлари бу жанрлардаги ҳар қандай асарлари билан беллаша олади¹”, – деб ёзди.

Ҳа, рост. Ёзувчи ижодига шўро даврининг беҳосият тамғаси босилган. Унинг асарларида замонасозлик билан боғлиқ бўлган қусурлар: шўро давридаги ҳаётни бўяб-безаб, пардозлаб тасвирлаш, коммунистик мафқурани идеаллаштириш ҳоллари учрайди. Шунингдек, баъзан бадий маҳоратнинг етишмаслиги,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1993. – 86-б.

баёнчиликка берилиш, юзаки ва саёз тасвирлар билан чекланиш ҳоллари сезилади. Бироқ, бундан қатъий назар Шароф Рашидов асарларида инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, қаҳрамонлик, юксак ахлоқ-одоб сингари ҳаётбахш ғоялар акс эттирилган. Ана шунинг учун ҳам Шароф Рашидов бадиий асарларининг ўзига хос тарбиявий, маърифий ва эстетик қиммати бор деб дадил айтиш мумкин.

* * *

Маълумки, Шароф Рашидов 1917 йилда Жиззахда туғилган. 1937-1941 йилларда Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетида ўқиган. 1941-1942 йилларда армия сафида бўлган. Душманга қарши жангда ярадор бўлиб, юртига қайтиб келган. 1942-1959 йилларда аввал вилоят, сўнгра республика миқёсида турли масъул раҳбарлик вазифаларини бажарган. 1959-1983 йилларда эса Ўзбекистоннинг Биринчи раҳбари бўлиб ишлаган.

Шароф Рашидов адабиётга 30 йилларнинг охирларида (талабалик чоғларида) кириб келди ва 1945 йилгача, асосан, шоир сифатида ижод қилди. “Қаҳрим” (1945) шеърлар тўпламини нашр қилдирди ва замон талабларига жавоб беришга интилди. Зотан, ёш шоир шеърлари бадиий жиҳатдан бўшроқ бўлса-да, мавзунинг долзарблиги, ниятнинг аниқлиги билан эътиборлидир. Шоир бир шеърида ҳалол меҳнатни инсон маънавий қиёфасини белгиловчи асосий омил, бахт-саодат манбаи сифатида таърифлайди:

*Сен билан очдим кўзимни, сен билан бўлдим азиз,
Сен билан кулди диёрим, сен билан турмуш лазиз,*

*Сен билан олам ёруғ, оламда сен бўлдинг азиз,
Ҳам ғурурим, ҳам сурурим, ҳам ҳузурим меҳнатим.*

Урушдан кейинги даврда Шароф Рашидов ижоди мавзу, ғоя ва жанр хилма хиллиги жиҳатидан бойиб борди. У 40-йилларнинг охирларига келиб адабий танқидчи – адабиётшунос сифатида шаклланди ва фаол ижод қилиб, бу соҳада ҳам йил сайин ўса борди. Унинг “Ҳаёт ва адабиётда янгиликлар”, “Бадиий ва ғоявий юксаклик учун”, “Қалб даъвати билан”, “Замонавийлик – адабиёт ва санъатнинг қалби” каби илмий-назарий мақолалари ўз даврида кўпчиликка манзур бўлди. Чунки, уларда адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳаётбахш манбалари, халқчиллик, замонавийлик, ғоявийлик, адабий алоқа ва адабий таъсир ҳақида жўяли фикрлар баён этилган.

Шароф Рашидовнинг адабий танқид соҳасидаги фаолияти унинг публицистика бобидаги изланишлари билан чамбарчас боғлиқ. Адиб публицистикасига хос асосий хусусият шундаки, у ўз мақолаларида ер юзидаги барча халқларни қизиқтирадиган муҳим масалалар тўғрисида, тинчлик, дўстлик, адолат, инсонпарварлик, бахт-саодат, порлоқ истиқбол ҳақида ёзади. Ёзганда ҳам таъсирли ва ишонарли қилиб ёзади. “Тарих ҳукми” (1949), “Дўстлик байроғи” (1967) китобларида урушга қарши тинчлик ва демократия учун кураш, байналминаллик мавзулари аниқ жаранглаб туради. Халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстликнинг жамият ва инсоният ривожига буюк ролини очиб бериш адиб публицистикасининг асосий ғоявий мазмунини ташкил этади.

Унинг публицистик асарларида тарбиявий-маърифий аҳамияти катта бўлган бадиий умумлашмалар, фалсафий фикрлар кўп. Ёзувчининг “Жаҳл эмас, ақл билан, ҳасад эмас, ҳавас билан бир-биримизга бахт

ва омад тилаб ишлайлик” сингари ҳикматли сўзлари бугунги мураккаб, тўлқинли кунларда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Бу ҳикматлар адибнинг келажак авлодларга насиҳату васияти сифатида ҳам садо беради.

Шароф Рашидов ижодида қисса ва роман жанрлари катта ўрин эгаллайди. Адиб қаламига мансуб бўлган “Ғолиблар” (1951), “Кашмир қўшиғи” (1957), “Бўрондан кучли” (1958), “Қудратли тўлқин” (1964), “Дил амри” (1982) каби қисса ва романлар янги ўзбек адабиёти тарихида сезиларли из қолдирган. Шароф Рашидов қиссалари орасида, айниқса, “Кашмир қўшиғи” асари диққатга лойиқ. Бу романтик асар Кашмир халқининг севги ва вафодорлик ҳақидаги достони мотивлари асосида ёзилган. Адиб романтик асарлардаги рамзий образ яратиш усулларида ижодий озукланган. Қиссада Кашмир халқининг ўз озодлиги учун чет эллик босқинчиларга ва маҳаллий золимларга қарши олиб борган адолатли кураши, улар устидан қозонган ғалабаси поэтик эртак шаклида усталик билан ифодаланган. Қиссадаги Наргиз, Атиргул, Лола, Бамбур сингари гуллар ва асаларилар Кашмир халқининг тимсоли бўлиб, ёзувчи бу рамзий-ижобий образлар орқали халқнинг кураши ва ғалабасини лирик шаклда тасвирлаб берган. Бўрон, Хоруд каби рамзий, салбий образлар воситасида эса маҳаллий ҳукмдорларни ва чет эллик босқинчиларни фош этган. Демак, адиб ижобий ва салбий рамзий образлар ўртасидаги курашни акс эттириш йўли билан ҳаёт ҳақиқатини очиб берган. “Ҳаёт курашсиз бўлмайди. Одамлар курашадилар. Қушлар курашадилар. Гуллар курашадилар. Ғалаба фақат кураш билан қўлга киритилади”, – деган ғояни олға сурган. Қиссада тасвирланишича, дўстлик ва

бирлик гулларни буюк зафарга олиб келади. Зеро, қиссада дўстлик ва бирлик самимият билан улуғланган:

*Агар бирлашсак, дўстлар,
Ҳар қандай ёв қочади.
Тўғри, кичик юлдузлар
Бирлашиб, нур сочади.*

“Кашмир қўшиғи” қиссаси “Хотима” ва “Муқадди-ма”дан ташқари етти бобдан иборат. Ҳар бир бобда алоҳида-алоҳида мақсадлар тасвирланса-да, улар ўзаро бир-бири билан мантиқан мустаҳкам боғлиқ. Демак, қиссада яхлит ва тугал сюжет мавжуд. Наргиз билан Бамбурнинг пок севгиси, уларнинг Бўрон ва Хоруд каби ёвуз кучларга қарши кураши, Хоруд ва Бўроннинг кирдикорлари, асалариларнинг душман-ларга берган зарбаси ва шу каби воқеалар тасвири жараёнида асар сюжети ўса боради. Қиссада зиддият кескинлашган сари сюжет ривожланади.

Қисса насрий йўлда яратилган шеърый асарга ўхшайди. Асар тили образли, ширали, жозибадор лирик тилдир. Қиссада бадий тасвир воситаларидан усталик билан фойдаланилган. Масалан, бош қахрамон Наргизнинг портрети қуйидагича моҳирона чизилган: “Мана, у оқ шоҳи кўйлаги устидан зангари бахмал нимчасини кийиб олган, бошига эса очилган гулнинг барча гўзаллигини акс эттирувчи кичкина, шинам ва оппоқина дурра ўраган. Қулоқларига эндигина очилган гулдан исирға тақиб, ясаниб, ёшлик ва гўзаллик севинчлари, орзу-умидларига маст бўлиб, гуллар боғида товланиб турибди”. Адиб Наргиз портретини шу қадар ёқимли ва жозибали қилиб чизганки, натижада у чиндан ҳам ҳаёт ва гўзаллик тимсоли сифатида унутилмас таассурот қолдиради.

Кашмир қўшиғи 58 халқ тилига таржима қилинган. Машҳур тожик шоири Мирза Турзунзода бу қиссага юқори баҳо бериб, “Мен Шароф Рашидовнинг “Кашмир қўшиғи”ни тожик тилига таржима қилганим билан бахтиёрман. Бу асар ўзининг самимияти ва шоирона маҳорати билан мени мафтун этди. Мен унда Кашмирнинг шўх оқар дарёларини, чўққилари оппоқ қор билан қопланган тоғларини ҳамда ёрқин келажакни орзу-армон қилувчи халқнинг беғубор қалбини кўрдим. Қўшиқнинг ярми шеър билан ёзилган. Бу латиф, содда шеърлар тожик тилида осонгина чиқа қолди” (“Шарқ юлдузи” журнали, 1967 й. 2-сон, 14-бет), - деб ёзган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, “Кашмир қўшиғи” романтик тасвир усулида ёзилган бўлса, “Ғолиблар”, “Бўрондан кучли”, “Қудратли тўлқин” асарлари реалистик тасвир талаблари асосида яратилган. Маълумки, Шароф Рашидов 1951 йилда ўзбек халқининг урушдан сўнгги дастлабки даврда чўлларга сув чиқариш, янги ерлар очиш учун олиб борган мардона кураши ҳақида “Ғолиблар” қиссасини ёзган эди. Қисса адабий танқидчиликда ижобий баҳоланди. Шунга қарамай, адиб кейинчалик узоқ йиллар давомида бу қиссани қайтадан жиддий ишлади. Асарни янги воқеа, янги образлар билан бойитди. Натижада 1972 йилда янги роман – “Ғолиблар” юзага келди. Романда деҳқонларимизнинг асрлар давомида сувсизликдан қақраб ётган ерларга обиҳаёт чиқаришлари, чўлни боғу бўстонга айлантириш йўлидаги фидокорона меҳнатлари акс эттирилди. Тоғ этагига жойлашган Олтинсой қишлоғининг манзаралари, Олтинсойликларнинг ҳаёти, меҳнати, орзу истаклари, уларнинг ўз қишлоқларига сув келтириш соҳасидаги жонбозликлари реалистик

бўёқларда тасвирланди. Романда Ойқиз, Олимжон, Умрзоқ ота каби хилма хил образлар яратилиб, меҳнат бахт ва роҳат манбаидир, деган ҳаётбахш ғоя асар сюжетиға сингдирилган. Роман қаҳрамонлари меҳнат қилиб роҳатланадилар, меҳнатдан завқ, маънавий озуқа оладилар.

“Ғолиблар”нинг давоми сифатида гавдаланган “Бўрондан кучли” романида (диалогиянинг иккинчи китобида) чўлни ўзлаштириш мавзуи янада кенгроқ ва батафсилроқ ёритилган. Романнинг асосий қаҳрамони меҳнаткаш халқ оммаси бўлиб, асар халқ кучини улуғлаш, халқ кучига ишонч, халққа садоқат ва муҳаббат ғоялари билан қондириб суғорилган. Романда халқ қудрати бўронлардан ҳам кучли экани образли тарзда очиқ берилган. Ёзувчи халқни ҳар нарсаға қодир, ҳар нарсаға моҳир, ҳар нарсадан ўткир куч сифатида тасвирлар экан, Умрзоқ ота тилидан “Бўрон кучли, аммо деҳқонлар ундан ҳам кучли... Бўрон режаларимизни бузолмайди, тақдиримиз ҳам бўроннинг қўлида эмас. Ҳамма нарса меҳнатимизға боғлиқ”, – деб ёзади.

Ёзувчи романда халқ ҳаётини тасвирлаб, халқ образини яратишда Ойқиз, Умрзоқ ота, Олимжон, Муродали сингари ижобий образларни кўрсатиш билан чегараланмайди. Бу образларға қарама-қарши ҳолда колхоз раиси Қодиров, райижроқўм раиси Султонов, обком котиби Абдуллаев, сохтакор мухбир Ўткир, енгил табиатли қиз Назокат каби салбий типларни ҳам яратади. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётни бир томонлама бўяб-безаб эмас, балки ҳаққоний акс эттиришға, оқни оқ, қорани қора деб тасвирлашға ҳаракат қилади.

“Бўрондан кучли” романи тил ва бадиий маҳорат жиҳатидан ҳам анча мукаммал. Адиб жонли халқ тили

бойликларидан унумли фойдаланган. Шу билан бирга, халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлари даражасида турувчи теран мазмунли образли жумлалар тузган: “Ифлос қўл билан отилган балчиқ тоза кишига асло юқмайди”, “Ёлғиз кишининг ўзи ҳам бахтсиз бўлади, бировга ҳам бахт беролмайди”, “Бахт қидирибсан, уни фақат меҳнатдан топасан” ва х.к.

Шароф Рашидовнинг учинчи романи – “Қудратли тўлқин” асарида ҳам эркин меҳнат ва меҳнаткаш инсон образи марказий ўринда туради. Энг гўзал нарсаси инсон меҳнатидир, деган муҳим ғоя романнинг умумий руҳига сингдирилган. Озод, ижтимоий меҳнатнинг инсонни тарбиялаб вояга етказиши, унинг улкан сафарбарлик кучи тасвирлаб берилган.

“Қудратли тўлқин” романида халқимизнинг иккинчи жаҳон уруши давридаги ҳаёти, бунёдкорлик меҳнати, хусусан, Ғалаба ГЭСи қурилишидаги мислсиз матонати кўтаринки руҳ билан ҳикоя қилинган. “Ғолиблар”, “Бўрондан кучли” романларида асосан деҳқонлар ҳаёти ва меҳнати акс этган бўлса, “Қудратли тўлқин” асарида қурувчи ишчилар ҳаёти, бунёдкорлик меҳнати тасвирланган. Бинобарин, бу романда қурувчи ёшлар образи асосий ўринни эгаллайди. Асарда бош қаҳрамон Пўлат образи орқали янги типдаги ёш авлоднинг шаклланиш жараёнини, унинг инсоний фазилатлари, олийжаноб хислатлари, ижтимоий меҳнатда тобланиб, жамоа ёрдамида ўсиб улғайиши кўрсатиб берилган. Адиб Пўлат характерининг шаклланиш жараёнини тасвирлар экан, уни ҳамма нарсага бир қарашда тушунадиган, камчиликсиз, ўз фаолиятида ҳеч қандай нуқсонга йўл қўймайдиган идеал киши сифатида тасвирламайди, балки уни жонли инсон сифатида гавдалантиради. Бу ҳол асар реализмини таъминлаб,

унинг ишонтириш қувватини оширган. “Қудратли тўлқин” романида Баҳор, Анвар, Тўрахонов, Ҳайдар Содиков, Хайри, Рустам образлари ҳам жонли ва табиий қилиб яратилган.

Шароф Рашидовнинг сўнгги асари “Дил амри” қиссаси ўзида тасвир этилган давр эътибори билан “Қудратли тўлқин” романига яқин туради. Унда ҳам уруш давридаги ҳаёт акс эттирилади. Бироқ романда фронт орқасидаги ҳаёт, меҳнат жабҳасидаги кураш кўрсатилган бўлса, қиссада бевосита фронт воқеалари, жанг манзаралари ёритилади. Роман воқеалари Ўзбекистонда, қисса воқеалари эса Марказий Россияда бўлиб ўтади. Қисса Россиянинг уруш давридаги жанговор ҳаёти ҳақида тўғри тасаввур беради. Унда Ватанга садоқат, дўстлик ва мардлик улуғланиб, урушқоқлик, сотқинлик, хиёнат каттиқ қораланади.

Қиссанинг асосий қаҳрамонлари катта ёшдаги одамлар эмас, аксинча, Серёжа, Ирина ва Тарас номли 12-13 ёшли болалардир. Адиб ёш болаларни даҳшатли уруш ҳақидаги асарга қаҳрамон қилиб танлаш билан катта бир ҳақиқатни очиб берган: фашизмга қарши ҳаёт-мамот курашига мамлакатимиздаги катта-кичик ҳамма кишилар фаол иштирок этганликларини умумлаштириб кўрсатган. Қисса воқеалари марказида турган Серёжа, Ирина, Тарас образлари ёш ватанпарварларнинг типик вакиллари бўлиб, улар ўз ҳаётларини хавф остида қолдириб бўлса-да, жангчиларимизга, партизанларга ёрдам берадилар. Бу учала образ ҳам адибнинг болалар психологиясини яхши билишини тасдиқлайди.

Юқорида қисқача баён этилганлардан кўринадики, Шароф Рашидов ўз халқига ва сўз санъатига холис хизмат қилишга интилиб, яхши ният билан ижод этган.

Турли жанрларда ранг-баранг бадий асарлар яратган. Бинобарин, у адабиётимизда ўз ўрни, ўз мавқеига эга. Адабий танқидчилик ва адабиётшуносликда, умуман олганда, адиб ижодининг бундай асосий ва етакчи хусусиятлари тўғри қайд этилган. “Шароф Рашидов, – деб ёзган эди Николай Тихонов, – халқ ҳаёти манзараларини кенг миқёсда тасвирлаш талантига эгадир... Унинг турмушни яхши билиш фазилатига ўз ўлкаси кўркем ёки шиддатли табиатининг ранго-ранг манзараларини тасвирлай олиш маҳорати қўшилади... Унинг услуби пухта, шу билан бирга, ҳаётий тафсилотларга бойдир. Унинг қаҳрамонлари ҳаёт оқимидан олинган, улар кенг китобхонлар оммасига муҳим муаммоларни ҳал этувчи замондошлар сифатида қадрдондир”.¹

* * *

Сўз охирида шуни қайд этиш керакки, мен Шароф Рашидов асарларидан ҳаёт ҳақида, ҳаёт машаққатларини енгил ва олға интилиш йўллари ҳақида кўп нарсани ўрганганман. Мен адибни Ўзбекистон ёзувчиларининг қурултойларида, пленумларида, шунингдек, Тошкент ва Самарқандда бўлиб ўтган илмий ва адабий анжуманларда кўп кўрганман. Маърузаларини тинглаганман. Бироқ, бу киши билан шахсан бори-йўғи бир марта учрашиб суҳбатлашганман. Бу суҳбат менда унутилмас таасурот қолдирган. Унинг қисқа тафсилоти қуйидагича:

1980 йил ёз кунларидан бирида Самарқанд вилояти фирқа қўмитасидан телефон қилиб, “Бугун Нурота туманига қарашли Қўшработ қўрғонида машҳур халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ҳайкали ва

¹ Тихонов Н. Қудратли ҳаёт оқими. “Шарқ юлдузи” журнали, 1967 йил, 11-сон, 23-б.

музейининг очилиш маросими бўлади. Йиғилишда Шароф Рашидов иштирок этади. Сиз анжуманда Самарқанд олимлари номидан табрик нутқи сўзлайсиз,” – деб хабар беришди. Белгиланган вақтда Қўшрабортга етиб бордим. Жуда катта йиғин бўлди. Унда вилоятимизнинг турли туман ва шаҳарларидан келган чорвадорлар, пахтакорлар, боғбонлар, ишчилар, зиёлилар, ёшлар, кексалар иштирок этишди. Катта митинг бўлди. Митингда оташин нутқлар ва самимий табрик сўzlари янгради. Шароф Рашидов томонидан лента кесилгач, анжуман иштирокчилари кўз ўнгида буюк халқ оқинининг салобатли ва ёқимли хайкали намоён бўлди.

Митингдан сўнг Эргаш Жуманбулбул музейини очиш маросими ўтказилди. Бунда ҳам Шароф Рашидов иштирок этиб, ҳаёт ва адабиёт, хусусан, халқ шоири ижоди ҳақида қимматли фикрлар айтди. Жумладан, “Эргаш Жуманбулбул – халқимизнинг фахри. Бундай ноёб талантлар ҳаётда камёб бўлади, биз уларни қадрлашимиз, асарларини кенг ташвиқ қилишимиз керак,” – деди.

Ана шу анжуман куни мен адиб билан учрашиб, суҳбатлашиш имкониятига эга бўлдим. Бу қисқа суҳбат давомида мен у кишининг давлат ва партия юмушлари ҳамда ижодий иш билан қаттиқ банд бўлишига қарамай, кундалик адабий ҳаётни яхши билишига, ҳатто вилоятлардаги (жумладан, Самарқанд давлат университетидаги) адабиётшунослар фаолиятидан ҳам хабардор эканини сездим. Ёзувчи мен билан очик чеҳрада гаплашиб, “Бизга қандай хизмат, илтимос бор?”, – деб айтди. Бу саволга жавобан мен “ҳеч қандай илтимосим йўқ, фақат, иложи бўлса, сизга китобхонлардан келган мактублар билан танишиб чиқсам, келгуси илмий ишларимда

фойдаланар эди”, – дедим. Шунда адиб “Раҳмат, ука, лекин ҳозирча бунинг иложи йўқ. Мен амалдорман, масъул лавозимдаман. Пенсияга чиққач, хабарлашамиз”, – дея гап қилди. Бу суҳбатдан мен ёзувчининг камтарлигига ва самимийлигига ишонч ҳосил қилдим.

Шароф Рашидов билан, юқорида айтганимдай, шахсан фақат бир марта мулоқотда бўлсам-да, касбим тақозосига кўра, узоқ йиллар давомида адиб ижодини ўрганиб, кузатиб келганман. Бошқа адабиётшунос ва танқидчилар сингари мен ҳам ўз фаолиятимда бу ёзувчи ижодига қайта-қайта мурожаат этганман. Унинг ижоди ҳақида турли йилларда ўнтагача мақола ёзиб, матбуотда эълон қилганман.¹

Эҳтимол шу мақолалар сабаб бўлгандир: мен 80-йилларда жумҳуриятимизда яшовчи турли касб эгаларидан, хусусан, Самарқанд давлат университетида таълим олган тил-адабиёт ўқитувчиларидан кўпгина хатлар олдим. Мактубларнинг муаллифлари мендан Шароф Рашидов ижоди бўйича ўзларини қизиқтирадиган бир қанча саволларга адабиётшунос сифатида жавоб беришимни илтимос қилганлар. Мен нашр имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ана шу саволларни умумлаштириб, уларга ўз кузатишларим асосида қисқа-қисқа жавоблар тайёрладим ва буларни эълон қилишга жазм этдим.

1. Ҳа, менинг бир қанча мақола ва тақризларимда Шароф Рашидов асарлари ўша давр талаблари асосида ғоявий-бадий жиҳатдан таҳлил қилинган. Уларда ютуқлар билан бирга, айрим нуқсонлар ҳам қайд этилган. Бироқ, сўнгги даврларда айрим шахслар “Ўша вақтларда Шароф Рашидов асарлари ҳақида

¹ Қаранг: Дорилфунун фарзанди. – Самарқанд: “Зарафшон”, 1997. – 78 б.

танкидий фикр билдириш мумкин эмас эди. Унинг асарлари танқиддан холи эди. Кимда ким бу ақидага риоя қилмаса, қора рўйхатга тушар, камситилар эди”, деган даъвони кўтариб чиқди. Ҳолбуки, масалан, мен адиб асарларидаги айрим нуқсонларни танқид қилганим учун ҳеч қачон, ҳеч қаерда ва ҳеч кимдан бирор танбеҳ олганим ёки таъна-дашном эшитганим йўқ.

2. Баъзан талабалар ва умуман китобхонлар мендан «Шароф Рашидов ижоди ҳақидаги мақола ва тақризларингиздан ёзувчининг ўзи хабардор бўлганми», – деб сўрайдилар. Менимча, мақола ва тақризларим матбуотда босилиб чиққач, уларни кўп қатори ёзувчининг ўзи ҳам ўқиган. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Чунки, ҳар бир ижодкорнинг адабий танқидчилик ўз асари ҳақида қандай фикрда эканини билишга қизиқиши табиий ҳолдир. Бу хислатдан Шароф Рашидов ҳам холи бўлмаган, албатта. Битта далил. Ёзувчининг “Дил амри” қиссаси ҳақида “Ўқитувчилар газетаси” (ҳозирги “Маърифат”)да тақризим босилгач, кўп ўтмай рўзноманинг ўша вақтдаги бош муҳаррири Шаҳобиддин Мақсудов мақолангиз Шароф акага маъқул бўлибди, деб айтган эди.

3. Баъзи шахслар Шароф Рашидовнинг ёзувчилик қобилиятига шубҳа билдириб, адиб асарлари унинг ўзи томонидан яратилмаган, деган “миш-миш”ларни тўқиб чиқарган эдилар. Бу “миш-миш”ларга қандай қарамоқ керак?, – дейдилар.

Бу саволни менга биринчи марта 1984 йилда берган эдилар. Мен Шароф Рашидов вафотидан сўнг, Тошкентда ўша вақтдаги маориф вазири Саид Шермухамедовнинг ишхонасида Москвадан келган қора соқол ва қора кўзойнакли бир мухбир-ёзувчи билан тасодифан учрашиб қолдим. У қовоғини солиб,

ғалати пичинг қилди: “Сизни Рашидовшунос, дейдилар, – айтингчи, ҳаммамиз учун ҳурматли бўлган бу адибга асарларини ким ёзиб берган?” Табиийки, мен ҳеч иккиланмасдан, шошиб қолмасдан дадил жавоб бердим: “Шароф Рашидовнинг ўзи ёзган, ўзи яратган!” Менинг бундай дейишимга асослар бор эди. Бу асослар, қисқа қилиб айтганда қуйидагича: ёзувчи асарларида ўзаро ички мантиқий боғланиш, услубий бирлик, шаклан яхлитлик бор. Ҳолбуки, ҳашар йўли билан вужудга келган асарларда бундай услубий бирлик – яхлитлик бўлмайди. Чунки, ҳар бир ҳашарчи ўз услубидан четга деярли чиқолмайди. Бинобарин, Шароф Рашидов халқ ҳаёти ва меҳнати манзараларини кенг миқёсда қамраб олиб акс эттирган. Айни пайтда ҳаётни кўтаринки руҳда, кучли пафос билан тасвирлаган. Ана шу руҳ ва пафос адиб асарларига умумий бир бутунлик ва ўзига хослик бахш этган. Натижада ёзувчининг ўзига хос услуби ҳосил бўлган. Шундай қилиб, жонли публицистика ва кўтаринки руҳ Шароф Рашидов ижодининг ўзига хос асосий хусусияти бўлиб, бошқа ёзувчиларнинг асарларидан фарқланиб туради. Содда қилиб айтганда, бу ёзувчининг қисса ва романлари ҳамкасблариникига ўхшамайди. Инчунун, уларни биров ёзиб берган, дейишга ҳеч қандай асос йўқ.

4. Умуман олганда, Шароф Рашидовнинг роман ва қиссалари янги ўзбек адабиётидаги ҳаётбахш реалистик прозанинг ўзига хос кўринишларидир. Уларнинг умумий ғоявий-бадий савияси ўша даврларда ёзилган кўп асарлар савиясидан асло қолишмайди. Шундай экан, уларни кўкка кўтариб, ҳаддан ошириб мақташ хато бўлганидек, унутиш ва камситиш ҳам тўғри эмас.

5. Шароф Рашидов вафотидан кейин ўзбек адабиётида унинг образини яратиш ҳаракати юзага келди. Бу ҳаракат асосан икки йўналишда кўринди: биринчиси, бевосита реалистик образини яратиш; иккинчиси эса уни тимсол (прототип) қилиб олиб бадий образ чизиш тарзида намоён бўлди. Бу ҳаракатга қандай қараш, хусусан, Шароф Рашидов тимсоли асосида яратилган Шавкат Раҳимов (“Жимжитлик”), Ошно (“Лолазор”) образларини қандай баҳолаш мумкин?

Мен бу ҳаракатни маъқуллайман. У табиий ва қонуний жараён. Зотан, Шароф Рашидов бадий асар қаҳрамони бўлишга лойиқ. Маълумки, таниқли шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти қадим-қадимдан бери инсоният учун доимо ўрнатқ ҳисобланиб келинган. Хусусан, ёшлар атоқли кишиларга ҳавас билан қараб, улардай бўлишга интиладилар, ҳатто уларга тақлид қиладилар. Шу сабабли ёзувчилар машҳур кишилар ҳаётини тасвирлашга, уларнинг жонли образини яратишга кўп қизиқадилар. Ҳаётини тимсол асосида гавдалантирилган Ошно, Шавкат Раҳимов образлари ҳам ана шу қизиқишнинг натижасидир. Бироқ, бу прототипли образларни, масалан, Шавкат Раҳимов тимсолини ҳаёт ҳақиқатига тўла мос келадиган жонли, образ дейиш қийин. Чунки, одатда, аниқ прототип асосида яратилган образ ўзининг ҳаётдаги тимсолига ўхшаш бўлиши ва унинг асосий хусусиятларини ўзида бузмасдан, бўямасдан тўғри акс эттириши шарт. Шундагина у ҳаёт ҳақиқатига мос бўлиб тушади ва муҳим тарбиявий-эстетик аҳамият касб этади. Шундай экан, узоқ йиллар давомида Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари сифатида ишлаб келган Шавкат Раҳимовни романда

нукул салбий томондан акс эттирилиши маъкул эмас. Бундай тасвир ҳаёт ҳақиқатига зиддир.

Дарҳақиқат, Шавкат Раҳимов – Шароф Рашидов республикада биринчи раҳбар бўлиб ишлаган йилларни (қарийб чорак асрлик муддатни) нукул орқага кетиш ёки инқироз даври деб бўлмайди. Ўша йилларда Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча соҳаларида қатор нуқсонлар билан бирга, буюк ютуқлар мавжуд бўлганлиги аниқ. Ҳозирги кунда бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этмайди. Шундай экан, романдаги Шавкат Раҳимов мураккаб ва қобилиятли шахс образи сифатида ҳам ижобий, ҳам салбий томондан кўрсатилса, ҳақиқатга мос бўлар, ҳаёт ҳақиқати бутун борлиғи ва тўлалиғи билан рўёбга чиқар, натижада асар реализми кучайиб, романнинг ҳуснига ҳусн, мазмунига мазмун қўшилар эди.

Хулоса: Шароф Рашидовнинг раҳбарлик фаолиятини нукул қоралаб ташлаш тўғри бўлмаганидек, адиб ижодига қора ойнадан қараб, уни фақат рангсиз бўёқларда қинғир-қийшиқ баён этиш ва салбий баҳолаш ҳам адолатдан эмас. Чунки, ёзувчи яхши ният билан ижод этган, ўз иқтидорига яраша, ўз имконияти даражасида бадиий асарлар яратган.

Шароф Рашидов адабиётимиз тарихида яхши ном билан қолади. Демак, у барҳаёт ижодкор.

2007 й.

ХАЗРАТИ ИНСОНЛАР ТАЪРИФИДА

Истеъдодли ёзувчи сифатида китобхонлар оммаси қалбидан мустаҳкам жой олган таниқли адиб Раҳмат Файзий (1918-1986) XX аср ўзбек адабиёти хазинасига салмоқли ҳисса қўшган. Замонавий ҳаёт ҳақиқатини реалистик бўёқларда тасвирлаш, ватандошларимизнинг жонли образлари мисолида чин инсонийликни улуғлаш, инсон қадр-қимматини ҳамма нарсадан устун қўйиш Раҳмат Файзий ижодининг асосий ғоявий мазмунини ташкил этади.

Раҳмат Файзий ўз ижодини 40-йилларда шеърятдан бошлаган, қатор шеърлар, бадиий лавҳалар ёзиб машқ даврини ўтаган. 50-йилларга келиб умидли насрнавис сифатида шаклланиб, кенг ўқувчилар назарига тушган. Кўп қиррали воқеликни, одамлар феъл-атворини, руҳиятини синчковлик билан кузатиш, сўз санъати намуналарини яратиш учун астойдил меҳнат қилиш орқали йил сайин ижодий ўса борган. Ҳикоянависдан атоқли романнавис даражасигача бўлган катта ижодий йўлни босиб ўтган. Бундай ижодий парвознинг рўй беришида адибнинг халқ ва мамлакат ҳаёти билан мустаҳкам алоқада бўлганлиги, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулوم, Григорий Марков, Абдулла Қаҳҳор сингари устозлар маҳоратини қунт билан ўрганиб, ўзлаштириши муҳим рол ўйнаган.

Раҳмат Файзий, аввало, ҳикоя ва очерк жанрида ёзилган асарлари билан танилган. Унинг “Ёдгор”, “Эл меҳри”, “Шоҳи дарпарда”, “Чаноққа томган қон”, “Она”, “Тошойна” сингари асарлари ўзбек ҳикоячилигининг ютуғи бўлиб, уларда воқелигимизнинг турли қирралари, яхшилик билан ёмонлик, янгилик билан эскилик ўртасидаги зиддиятлар очиб берилган.

Шуниси муҳимки, уларда асарнинг ғоявий мазмуни куруқ баён этилмайди, балки ҳикояларнинг умумий руҳидан, образларнинг фаолияти ва феъл-атворидан табиий ҳолда келтириб чиқарилади.

Масалан, оилавий ҳаёт ва ахлоқ-одоб мавзуида ёзилган “Ёдгор” ҳикоясида тасвирланишича, инженер Зухуржон рафиқаси Маъсумахон билан Тоҳир-Зухролардек севишиб яшайди. Лекин Зухуржоннинг пешонасига бу бахт, бу тотли ҳаёт сиғмайди. Маъсумахон кўзи ёригач, тезда вафот этади. Чақалоққа Ёдгор деб исм қўядилар. Маъсумахоннинг дугонаси муаллима – Зарофатхон Зухуржонга тегиб олиш мақсадида Ёдгорга ғамхўрлик қила бошлайди. Ўз умрининг шахсий ҳаётдаги қимматини энди фақат сеvimли фарзанди – Ёдгорда деб билган Зухуржон ўғилчасининг тарбиясини ўйлаб, Зарофатхонга уйланади. Ана шундан сўнг Зарофат аста-секинлик билан ўз “хунари”ни кўрсата бошлайди. У Ёдгорга ўғайлик қилиб, ёш болани хўрлайди, азоблайди, уни уради, оч қамаб қўяди.

Ҳикояда Зухуржон, Зарофат, Ёдгор образлари ва уларнинг хатти-ҳаракатлари тасвири воситасида ахлоқ-одоб, бола тарбияси ва умуман оилавий ҳаёт муаммолари маҳорат билан акс эттирилган. Миллий урф-одатларимиз, кишиларимизнинг инсонпарварлик, болажонлик, вазминлик каби миллий характер белгилари улуғланиб, Зарофат сингари виждонсиз шахслар онгидаги иллатлар кескин қораланган. Адиб образлар феъл-атворини очишда руҳият таҳлили санъатидан, жонли халқ тили бойликларидан моҳирона фойдаланган.

Раҳмат Файзийнинг бадиий очерк жанридаги изланишлари ҳам самаралидир. Ёзувчининг “Сафаринг беҳатар бўлсин”, “Улғайиш”, “Соҳибкор Полвон

ота”, “Дурмонлик йигит”, “Раис”, “Балли, она қизим”, “Камолот”, “Сувчи” каби асарлари бадий очеркчиликнинг яхши намуналари бўлиб, уларда адиб воқеа-ҳодисаларнинг аниқлигига, жонлилигига эришган. Олди-қочди “қизиқ” воқеалар кетидан қувмаган, қуруқ факт ва рақамларга ўралиб қолмаган. Аксинча, воқеа ва далилларни саралаб, ўрни-ўрнида ишлатган. Очеркдаги барча воқеа ва деталларни қахрамонлар характери очишга, образ яратишга хизмат қилдирган. Шу сабабли, адиб ҳикояларида кўринганидек, очеркларида ҳам жонли характерлар, ҳаётий қахрамонлар биринчи ўринда яққол намоён бўлади ва китобхонларда ёқимли таассурот қолдиради.

Дарвоқе, Раҳмат Файзий очеркчилиги билан ҳикоячилиги ўртасида узвий бирлик мавжуд. Улар ички мантиқ ва услуб жиҳатидан ўзаро боғлиқ бўлиб, мавзу доираси, ғоявий мазмуни ва образлар тизими эътибори билан бир-бирини тўлдиради. Ёзувчининг очеркчилигида ҳам, ҳикоячилигида ҳам асосий эътибор замондошларимиз ҳаётини, меҳнатини, феъл-атворидаги ибратли томонларни кўрсатишга, турмушимиздаги ўсиш-ўзгариш ва янгиликларни тарғиб этишга қаратилган. Бинобарин, уларда оддий одамлар, заҳматкаш ишчи-деҳқонлар, ғамхўр ота-оналар образи, бошқача қилиб айтганда, ҳазрати инсонларнинг ранг-баранг тимсоллари ихлос ва меҳр билан тасвирланган. Раҳмат Файзий ижодининг асосий характерли хусусияти, давр талабларига ҳозиржавоблиги ва замонавийлиги ҳам аввало ана шунда.

Шуниси ҳам ибратлики, бу хусусияту фазилатлар Раҳмат Файзий ижодида тобора кенгроқ ва чуқурроқ илдиз ота борган. “Чўлга баҳор келди” (1964), “Ҳазрати инсон” (1969) романлари ана шундан

далолат беради. Зеро, бу икки романда ҳам замондошларимизнинг жонли ва ёрқин образлари яратилган. Ҳаёт ҳақиқати, халқимизнинг миллий қадриятлари маҳорат билан акс эттирилган.

Дарвоқе, маълумки, Раҳмат Файзий 1951 йилда замонавий долзарб мавзуда “Чўлга баҳор келди” номли қисса яратди. Бу асар кўпчиликка маъқул ва манзур бўлди, адабий танқидчилик томонидан ҳам яхши баҳоланди. Шунга қарамай, ёзувчи бу қиссани кейинча қайтадан жиддий ишлади. Оқибатда ўзбек адабиёти халқимизнинг иккинчи жаҳон урушидан сўнги дастлабки йилларда янги ерлар очиш, сувсизликдан қакраб ётган қуруқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, чўлни боғу бўстонга, оқ олтин конига айлантириш йўлида олиб борган қаҳрамонона кураши ва ҳалол меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи “Чўлга баҳор келди” романи билан бойиди.

Кези келганда шуни ҳам қайд этиш керакки, гап жанрда ёки ҳажмда эмас, балки, ҳаётий материалларни, кўпчиликни қизиқтирадиган фикрларни мукаммал, образли ва гўзал шаклда китобхонларга еткази билишдадир. Бу қийин ва мураккаб ижодий ишни Раҳмат Файзий ўз романида муваффақият билан урдалай олди. Шунга кўра, қиссада учровчи схематизм, юзакичилик, баёнчилик сингари айрим нуқсонлар романда деярли кўринмайди. Бундан ташқари, романда тасвирланган воқеаларнинг кўлами ва доираси қиссадагига нисбатан кенг, тасвир теран ва аниқ. Сюжетнинг ўсиш даражаси, ёзувчининг образ ва характер яратиш санъати ҳам меъёрида.

“Чўлга баҳор келди” романи образлар феъл-атворини, асар ғоясини очишга, унинг бадиийлигини оширишга бевосита хизмат қилувчи воқеа ва ҳаётий тасвирлар билан бойитилган. Романда қиссадаги

Муҳиддин, Юлдузхон, Исмоил Акрамов, Тошпўлатов каби асосий образлар фаолияти кучайтирилиб, уларнинг ички ва ташқи дунёси талаб даражасида очиб берилган. Хусусан, асосий образларнинг онг-тушунчаси, орзу-истаклари, фидокорона меҳнати, эскилик сарқитларига қарши кураши мароқли тарзда ҳикоя қилинган. Роман типик лирик ва руҳият тасвирларига сероб. Ёшларнинг, айниқса Муҳиддин билан Юлдузхоннинг ҳалол, завқли меҳнати, севги-муҳаббати, эзгу ниятлари акс эттирилган саҳифаларда бу ҳол очиқ кўринади.

Раҳмат Файзийнинг шоҳ асари, шубҳасиз, “Ҳазрати инсон” романидир. У адибнинг узоқ йиллар давомида олиб борган ижодий изланишлари ва катта меҳнатининг самарисидир. Маълумки, Раҳмат Файзий устози Ғафур Ғулом анъаналарини ижодий давом эттириб, иккинчи жаҳон уруши оқибатида етим қолган болалар ва уларнинг тарбияси ҳақида аввало “Сен етим эмассан” (1964) номли кино қиссаёзди. Шу қисса асосида “Ўзбекфильм” томонидан яратилган кинофильм томошабинларга манзур бўлди. Раҳмат Файзий кейинча бу муҳим ва долзарб мавзуга яна қайта мурожаат этиб, уни чуқур тадқиқ қилди. Натижада етим болалар ва уларнинг Ўзбекистондаги тарбияси билан маҳкам боғлиқ бўлган долзарб байналминал мавзуни кенг кўламда ҳаққоний тасвирловчи “Ҳазрати инсон” романи юзага келди. Бу йирик асар ўзбек адабиётида ўзига хос қувончли воқеа бўлди, адабиётимизнинг шуҳратига шуҳрат, обрўйига обрў қўшди. Роман рус, украин, белорус, қозоқ, қирғиз, немис, инглиз, француз, латиш, араб, чех, поляк, болғар, испан, япон, вьетнам сингари жами 20 дан ортиқ тилга таржима қилинди ва ҳамма жойда китобхонларга манзур бўлди.

“Ҳазрати инсон” романи адабий танқидчилик ва адабиётшунослик томонидан ҳам юқори баҳоланди. Таниқли рус ёзувчиси Г.Марков роман ҳақида фикр юритиб, “бу ўзбек адабиёти қўлга киритган катта ютуғдир... Мана орадан кўп йиллар ўтди. Лекин Раҳмат Файзийнинг “Ҳазрати инсон” романига бўлган қизиқиш сусаймаяпти. Бу роман китобхонлар орасида жуда оммалашиб кетди. Бунинг сабаби нимада? Сабаби бор. Ҳамма гап шундаки, бу талант билан ёзилган китоб. Раҳмат Файзий ҳаққоний китоб ёзган, ҳаёт оқимининг нақ ўзидан ҳаётий материални тутиб олиш унга муяссар бўлган ва бу улкан материални у қалб қўри билан иситган. У материални салмоқли мазмун билан, ўзининг ҳақиқий ёзувчилик туйғуси билан бойитган”¹, – деб ёзган.

“Ҳазрати инсон” романида уруш давридаги ҳаёт, хусусан, халқимизга хос энг юксак хислат – болажонлик, болапарварлик асосий мавзу қилиб олинган. Асарнинг мавзуси долзарб бўлганидек, ғоявий мазмуни ҳам ҳаёт ҳақиқатига тўла мос. Унда ўзбекона ҳаёт, халқимизнинг миллий характери ёрқин кўрсатилган. Бу хусусият романда Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев тилидан қуйидагича ифодаланган: “Халқ доно, халқ билади нима қилишини. Ҳозир Тошкентдагина эмас, бутун республикада минглаб оилалар етимларнинг бошини силаб, ота-оналик қиляпти. Иккита, учта норасидани бағрига олганлар бор. Оддий бир темирчи оиласи олтига гўдакни бир дастурхон атрофига ўтқазиб, ризқ-насибасини баҳам кўраётган, уларга оталик, оналик меҳри тушган экан, биз бундай одамларга сажда қилишимиз керак. Халқимизнинг ана шу инсоний фазилатларини, бебаҳо ташаббусларини қўллаб-

¹ “Шарқ юлдузи” журнали. 1978 йил, 9-сон, 265-б.

қувватлашимиз, уларга бошчилик қилишимиз керак. Асил қавм-қариндошлик, дўст-биродарликнинг тамо-йили шу. Бу ҳам қарз, ҳам фарз. Янги замоннинг янги одамларига хос удум бу. Бу удумни эл-юрт, инсоният қадрлаяпти, маъқуллаяпти, таҳсин айтаяпти... Ноҳақ ишнинг умри қисқа. Уруш тугайди. Газанданинг томири қирқилади. Тинчлик замон бошланади. Ана ўшанда улғайиб катта бўлган мана бу гўдаклар халқ меҳрини, одамларнинг оқибатини бир умр унутмайди, ўзигинамас, авлод-аждодларигача етказди, муқаддас сақлайди”.

“Ҳазрати инсон” романида мавзу ҳаётий, қизиқарли ва таъсирли сюжет воситасида инъикос эттирилган. Асар сюжетиға уруш йилларидаги оғир турмуш шароитига қарамай, турли миллатга мансуб ўн тўрт етим болани ўз тарбиясига олиб, инсонпарварликнинг беқиёс намунасини амалда кўрсатган тошкентлик Шоаҳмад Шомахмудов ва унинг рафиқаси Баҳри хола жасорати асос қилиб олинган. Романнинг бош қаҳрамонлари – темирчи Маҳкам Аҳмедов ва унинг хотини Меҳринисо образлари ана шу аниқ ҳаётий тимсоллар асосида яратилган. Лекин, шунга қарамай, роман воқеаси ва ундаги етакчи образлар жуда катта умумлашма хусусиятга эга. Чунки, ёзувчи романда фақат бир оила ҳаёти материалларидан ва нуқул ҳужжатлардан фойдаланиш билангина чекланмаган. Аксинча, далилий ашё ва ноёб ҳужжатларни ишлатиш билан бирга, бадий тўқима имкониятларидан унумли фойдаланган. Ҳаётда мавжуд бўлган воқеа ва аниқ тарихий ҳужжатларга таяниб, реал воқеликка мос бўлган катта умумлашма ва типик образлар яратган. Бу ҳақда Раҳмат Файзийнинг ўзи: “Бу романим фақат ҳужжатли асар эмас. Унинг тасвир доираси бир оила тарихига нисбатан анча кенг, унинг қаҳрамонлари мен

урушнинг машаққатли йилларида яқиндан билган ва жондан севган оддий кишилар. Мен “Ҳазрати инсон” романида урушнинг оғир машаққатларини бошидан кечирган, аммо ҳамма қийинчиликларни енгиб, душман устидан бўлажак ғалабани яқинлаштириш учун мардонавор меҳнат қилган кишиларимизни тасвирлашга интилдим”,¹ – деб ёзган эди.

Раҳмат Файзий романда Маҳкам ака ва Меҳринисо опанинг етим болаларга кўрсатган ғамхўрликларини тасвирлар экан, ўзбек халқига хос миллий характер белгиларини, хусусан, инсонпарварлик ва болажонликнинг туб моҳиятини ва амалдаги манбаларини очиб беради. Миллий қадриятларимизнинг байналминал дўстлик туйғуларига мос ва монандлигини яққол акс эттиради. Асарда тасвирланишича, Маҳкам ака етим болалар уйига бориб, “бизам, биронтасини бағримизга олсакмикин, деб келувдик”, – дейди. Хизматчи жувон эса “ўғил болами ё қизча олмоқчимисиз? Ёшроқ бўлсинми ё эсликроғими? Қайси миллат боласи бўлгани маъкул?, – дея отахонни саволга тутди. Шунда “Маҳкам аканинг аъзойи бадани титраб кетади ва “қизим, мен мол бозорига келганим йўқ... Индамасам, ориқми-семизми, кемшикми-пучукми, қорами-сариқми, деб сўрайдиганга ўхшайсиз!.. Ҳамма миллат боласи бир! Ҳаммасини худо яратган! Ҳаммаси одам боласи! Тушундингизми?.. Одам боласини оқ-қорага ажратманг”, – дея жувонга даkki беради.

“Ҳазрати инсон” романида тасвирланган воқеалар мамлакат ижтимоий ҳаёти фонида гавдалантирилган. Инсонпарварлик ғоялари фронт билан фронт орқасининг узвий бирлиги заминада, минглаб норасида гўдакларни етим қолдирган урушга, урушқоқ

¹ Раҳмат Файзий. “Ҳазрати инсон” – Тошкент, 1975. – 7-б.

корчалонларга нафрат туйғуси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ёритилган. Шунга кўра, романда давр руҳи, замон нафаси уфуриб туради. Роман республикамизнинг уруш давридаги ҳаёти, халқимизнинг мақсади, руҳияти ҳақида ўқувчиларда тўғри тасаввур қолдиради, уларни ватанпарварлик, инсонпарварлик ва байналминал дўстлик руҳида, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга ҳурмат-садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

“Ҳазрати инсон” романида уруш даврида ўз инсоний бурчларини шараф билан бажарган Маҳкам ака, Меҳринисо опа, Ориф ота, Тоҳиржон, Ботир, Салтанат каби бадиий тўқима образлар билан бирга, эпизодик тарзда бўлса-да, халқимизнинг ўша жанговор йиллардаги раҳбарлари Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев образлари ҳам тасвирланган. Адиб бадиий тўқима образларнинг ҳам, тарихий шахсларнинг ҳам фаолиятини, онг тушунчаси ва ўзига хос феъл-атворини аниқ ва ишонарли қилиб акс эттирган. Айниқса, ёш болаларни ҳамда етим қолган гўдакларни ўз бағрига олган ота-оналарнинг характерини, руҳиятини тасвирлашда катта маҳорат кўрсатган.

“Ҳазрати инсон” романи тил ва услуб жиҳатидан ҳам пишиқ. Адиб жонли халқ тили бойликларидан, шунингдек, ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, муболаға сингари бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланган. Пурҳикмат ва чиройли жумлалар тузган. Ўрни-ўрнида диалог, монолог ва пейзаж тасвирига мурожаат этган. Буларнинг ҳаммаси асарнинг ғоявий мундарижасини бойитишга, уни миллий тароват билан безашга бевосита хизмат қилган. Романнинг ҳуснига ҳусн кўшиб, асар мазмуни

ва эстетик моҳиятининг табиий ва гўзал шаклда очилишига ёрдамлашган.

Қисқаси, “Ҳазрати инсон” романи ўзбек адабиётининг катта бойлигидир. Бу асар халқ ва мамлакат ҳаётининг ҳаққоний, образли ифодаси бўлиб, китобхонларни, хусусан, ёш авлодни эзгулик руҳида, миллий қадриятларимизга, миллий урф-одатларимизга меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялайди.

* * *

Машҳур ёзувчимиз Раҳмат Файзий жамоат арбоби сифатида ҳам танилган. У турли йилларда газета ва журналларда, “Ўзбекфильм” киностудиясида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя этиш республика ташкилотида масъул лавозимларда хизмат қилган. Давлат ва жамоат ишларини доимо адабий-ижодий иш билан қўшиб олиб борган ва ҳар иккала соҳада ҳам катта ютуқларга эришган.

Раҳмат Файзий адабиётнинг инсоният жамияти тараққиётида тутган ўрнига, кишиларни эзгулик руҳида тарбиялаш ва уларга эстетик завқ бериш соҳасидаги ролига юқори баҳо берар, сўз санъатини жон иши, виждон иши деб биларди, Бинобарин, юксак сифатли бадий асарлар яратишни, истеъдод соҳибларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ғоят муҳим ижтимоий иш деб ҳисобларди. Мен бунга йиллар давомида Раҳмат Файзий ижодини, меҳнат фаолиятини ҳавас ва ихлос билан ўрганиш, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, Раҳмат ака билан турли йилларда Тошкент ва Самарқандда бир неча марта учрашиб, суҳбатлашиш, яккама-якка мулоқотда бўлиш орқали ишонч ҳосил қилганман.

Очиғи, мен талабалик чоғларимдан (50 йиллардан) бошлаб Раҳмат Файзий асарларини севиб, қизиқиб мутолаа қила бошлаганман. Бу қизиқиш йил сайин ўсди. Мен адиб асарларидан кўп нарса ўргандим, завқ-шавқ олдим. Натижада, аввало, Раҳмат Файзий ижоди ҳақида кичик-кичик тақриз ва мақолаларим юзага келди. Самарқанд вилояти газетасида 1970 йил 4 ноябрда босилган “Замондошларимиз куйчиси” номли мақола ана шулардан биридир. Кейинчалик дарслик, ўқув қўлланмаларда ҳам ўрни-ўрнида Раҳмат Файзий асарларига мурожаат қилдим ва ҳар сафар улардан янги маъно, янги ҳикмат, гўзаллик топиб, толиби илмларга етказишга интилдим. Бундан ташқари, аспирантларимдан бири Исроил Мирзаев “Раҳмат Файзийнинг ижодий йўли” номли номзодлик диссертациясини тайёрлаб, 1969 йилда ҳимоя қилди.

Раҳмат Файзий Ўзбекистондаги барча адабиёт мухлислари сингари Самарқанд илм аҳлига ҳам яқин ва қадрли эди. Раҳмат Файзий Самарқандга бир неча бор ташриф буюрган. Бу ташрифларнинг кўпида мен мезбон сифатида ёзувчига ҳамроҳ бўлиб, уни кузатиб юрдим. Ва шунга гувоҳ бўлдимки, Раҳмат Файзий сафар чоғида ҳар доим ҳаёт ҳақиқатини, яратаётган асарлари мавзуини, қаҳрамонлари фаолиятини ва миллий қадриятларимизни пухта ўрганишга кўп вақт сарфлар эди. Шу мақсадда кўпни кўрган кексалар билан учрашиб, иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини ўз бошидан кечирган, уруш даврида Ўзбекистонга келтирилган етимлар тақдирини яқиндан билган чолу кампирларнинг хайрли ишларини синчиклаб ўрганар эди.

Раҳмат Файзий сафар чоғларида маҳаллий ёзувчилар, айниқса, ёш ижодкорлар билан учрашиб, уларга яхши маслаҳат ва амалий ёрдамлар берар

эди. Адиб китобхонлар билан учрашиб суҳбатлашишга, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитишга жуда қизиқарди. Китобсеварларнинг фикр-мулоҳазаларини жон қулоғи билан тинглар ва улардан тегишли хулосалар чиқариб оларди. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида 1979 йилда “Ҳазрати инсон” романи муҳокамасига бағишлаб ўтказилган китобхонлар конференциясини эслайлик. Жуда кўп одам қатнашган ва адабиёт байрамига айланган бу тадбир қизиқарли тарзда ўтди. Бинобарин, кўпчиликда унутилмас таассурот қолдирди. Бу анжуманда Туроб Тўла, Пиримқул Қодиров сингари йирик ёзувчилар ва таниқли танқидчилар иштирок этди. Романнинг ғоявий-бадий хусусиятлари профессионал таҳлил асосида кўрсатилиб, “Ҳазрати инсон”нинг юзага келиши ўзбек адабиётида чиндан ҳам қувончли воқеа экани қайта-қайта таъкидланди.

Муҳокамада романнинг катта ютуқлари кўрсатилибгина қолмади. Шу билан бирга, айрим истак ва таклифлар ҳам билдирилди. Бундан адиб ғоят қувониб, ўзининг якунловчи нутқида китобхонлар конференцияси юксак савияда, ҳолисона ўтганини самимият билан қайд этди. Шунингдек, “Ҳазрати инсон” романининг яратилиш тарихи, асар сюжети-нинг асосий манбалари ва ўзининг келажакдаги режалари ҳақида фикр юритиб, инсонпарвар ватандошларимиз шаънига илиқ сўзлар изҳор этди.

Ушбу конференция Раҳмат Файзий халқимизнинг азиз ва сеvimли ёзувчиларидан бири эканини, адиб асарлари юртдошларимиз томонидан севиб ўқиладиганини намойиш этди. Шу билан бирга, самарқандликларнинг Раҳмат Файзийга, ёзувчининг эса Самарқанд аҳлига меҳр-муҳаббати чексиз эканини амалда яна бир карра исботлади. Раҳмат

Файзий Самарқанд меҳнаткашлари, жумладан, ёзувчи ва олимлари билан яқин, дўстона муносабатда бўлган. Самарқандликларнинг меҳнатини юксак қадрлаган. Самарқанд ижодкорларининг илмий ва бадиий асарларини адолатли равишда баҳолаган. Жумладан, менинг илмий фаолиятимга меҳр билан қараган. У ўз чиқишларида, мактубларида каминани фаол адабий танқидчи, деб тилга олган ва илиқ сўзлар битган. Бир ўринда “Севимли укам, ажойиб олимимиз Сайдуллохонга эътиқодим ифодаси эрур ушбу роман” (1979 йил 6 июль) дея лутф қилган.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, Раҳмат Файзий Самарқандга ташриф чоғида айрим ижодкорларга эътибор кўрсатиш билан кифояланмасди. Балки, вилоят ёзувчилар уюшмасини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга, ёш ижодкорларнинг униб-ўсишига ғамхурлик қилиб, уларни турли йўллар билан илҳомлантиришга ҳаракат қилар эди. Битта далил. 1973 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар ташкилотининг Самарқандда кўчма секретариат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда қатор ижодий, ташкилий масалалар муҳокама этилиб, тараққиёт режалари ишлаб чиқилди. Ёзувчилар ташкилотига янги аъзолар қабул қилинди, вилоят бўлимининг янги раҳбарияти сайланди. Бу тадбирни ўтказишда Ўзбекистон Ёзувчилар ташкилотининг раиси Комил Яшин билан бирга, унинг ўринбосари Раҳмат Файзий алоҳида хизмат кўрсатди.

Қисқаси, Раҳмат Файзий истеъдодли ва таниқли ёзувчи, адолатли раҳбар ва камтар инсон эди. Унинг сермазмун ҳаёти, ижтимоий-ижодий фаолияти, бажарган барча хайрли ишлари ҳозирги ҳамда келажак ёш авлод учун намуна ва ибратдир.

ЗАБАРДАСТ АДАБИЁТШУНОС

Атоқли адабиётшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг совриндори Ҳомил Ёқубов ўз фаолияти давомида мамлакатимизда илм-фан тараққиётига, маориф ва маънавият ривожига, етук миллий кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшган. Профессор Лазиз Қажумов “Адабиёт алломаси” номли мақоласида Ҳомил Ёқубов ҳақида фикр юритиб, “у янги ўзбек адабиётшунослигининг мустақил фан сифатида шаклланиши ва ривожланишига, адабий-бадий танқидчиликнинг равнақига, бадий адабиётимизнинг гуркираб, яшнаб тараққий этишига улкан ҳисса қўша олган забардаст олимларимиздан биридир”, – деб ёзган эди.

Маълумки, 20-йилларда Ўзбекистонда янги адабиётнинг юзага келиши билан бирга, янги типдаги адабий танқидчилик ва адабиётшунослик ҳам вужудга кела бошлади. Бунда ёш мунаққид Ҳомил Ёқубов ҳам фаол иштирок этди.

У 20-йиллардан бошлаб турли мавзуларда мақола ва тақризлар ёзиб, янги адабий танқидчилик ва адабиётшуносликнинг шаклланишида ўзига хос ва муносиб роль ўйнади. Шу билан бирга, мунаққиднинг ўзи ҳам йил сайин ўсиб, тобора салмоқли илмий асарлар ёзди. У қарийб ярим аср давомида бу жанрда ижод қилди. Ўтган давр ичида кўплаб мақола ва тақризлар, илмий очерк, монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар, дастур ва рисоалар яратди. “Ҳамид Олимжоннинг ижодий йўли” (1936), “Абдулла Қахҳор новеллалари” (1946), “Урушгача бўлган беш йилликлар даврида ўзбек адабиёти” (1953), “Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижоди” (1959) “Сайланма” (икки

жилдлик, 1983) каби илмий асарлар шулар жумласидандир. Бу илмий асарларда янги ўзбек адабиётида эришилган ютуқлар ҳақида баҳс юритилиб, муҳим фикрлар ўша давр талаблари асосида кўрсатиб берилган.

Ҳомил Ёқубов ижодида танқидий-биографик очерк жанри салмоқли ўрин эгаллайди. Унинг Бобур, Муқимий, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ижоди ҳақидаги илмий очеркларида тадқиқ объекти бўлган шоир-ёзувчилар ижоди ғоявий-бадий жиҳатдан таҳлил этилган. Ҳар бир ёзувчи-шоир ижодининг ўзига хос асосий хусусиятлари, адабиётда тутган ўрни, маърифий эстетик аҳамияти очиб берилган.

Ҳомил Ёқубов бисотида Ойбек ижоди ҳақида яратилган илмий-тадқиқот ишлар ажралиб туради. Олимнинг, “Ойбек” (1959), “Ғоявийлик ва маҳорат” (1963) “Адибнинг маҳорати” (1966) номли монографияларида буюк ёзувчи ижодининг асосий ва етакчи хусусиятлари атрофлича тадқиқ этилган. Бу ҳар учала китоб ҳам материал ва далилларга бойлиги, ғоявий-бадий таҳлилнинг мукамаллиги ва илмий хулосаларга сероблиги билан ўз даврида адабиётшунослигимизда воқеа бўлган эди (Ҳомил Ёқубовнинг “Ойбек ижодида ғоявийлик ва маҳорат” мавзuida 1967 йилда ёқланган докторлик диссертацияси ҳам ана шу китоблар асосига қурилган).

Муаллиф Ойбекнинг серқирра ва серҳосил ижодини янги ўзбек адабиётининг тараққиёт босқичлари ва долзарб масалалари билан чамбарчас боғлаб ёритган. Шу тариқа Ойбек ижоди мисолида замонавийлик ва тарихийлик, анъана ва новаторлик, шакл ва мазмун, сюжет ва композиция, реализм ва бадий тўқима, лирик конфликт ва характер, эпик ва

лиро-эпик тасвир ўртасидаги умумийлик ва фарқлар тўғрисида асосли фикрлар билдирган.

Ҳомил Ёқубовнинг Ойбек ижодига доир кўп фикр ва хулосалари ҳозирги даврда ҳам ўз илмий-маърифий аҳамиятини йўқотган эмас. Масалан, олим адибнинг “Навоий” романи тилини яратишдаги маҳоратини илмий таҳлил орқали теран кўрсатиб берган. Жумладан, “Навоий” романи “ўзбек тарихий романчилиги тилининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Асар тили ўтмиш даврнинг жонли тилини яратиш намуналаридан бири бўлиб қолди, унда беш юз йил аввал яшаган тарихий қаҳрамонларнинг тили ҳозирги китобхонларга тушунарли қилиб, қайта тирилтирилган. Ойбек роман тили олдида турган бу мураккаб вазифани тўғри ҳал қилди.

Ёзувчининг муваффақияти шунда бўлдики, у қаҳрамонлар нутқи билан автор нутқи ўртасида кескин чегара қўймади ва тарихий ҳамда замонавий нутқни бир-бирига уйғунлаштирди. У шахсларнинг сўзлашувида Навоий асридаги адабий тил колоритини сақлаш, айрим грамматик ва морфологик формаларни стиллаштириш билан бирга, уларни ўзбек адабий тилининг ҳозирги тараққий босқичига хос асосий қоидаларга бўйсиндирди, мумкин қадар ҳозирги замон китобхонининг тушунишига яқинлаштирди. Аммо, шуниси борки, автор тилининг персонажлар тилидан тамоман узилиб қолиши ва ҳозирги куннинг луғат составидаги янгиликлар билан бойитилиши мумкин эмас эди. Шунинг учун ёзувчи автор тили билан персонажлар тили ўртасидаги стилистик бирликни сақлашга ҳаракат қилди, арабча, тожикча ва ҳозирги кунда истеъмолдан чиқиб кетган архаик сўзларни ўринли ишлатди. Бироқ, Ойбек шу стилистик принципларни қўллашда, аҳён-аҳёнда китобхонга

луғатсиз англашилмайдиган, эскирган сўзларга мурожаат қилади. Бу персонажлар тилида ҳам, автор тилида ҳам сезилади. Персонажлар тилини ҳисобга олмаганда ҳам, автор тилида арабча – форсча сўзларни ортиқча ишлатиш салбий уринишдир” (Ҳомил Ёқубов. “Ойбек”. Тошкент: Ўзадабийнашр, 1959. – 154-155-б.), – деб ёзган.

Ҳомил Ёқубовнинг роман тилини таҳлил этишдаги бу хулосаларига ҳозирги кунда ўтмиш мавзуларида асарлар битаётган ёзувчилар қанчалик кўп амал қилсалар, шунчалик маъқул бўлади. Дарвоқе, Ҳомил Ёқубов бисотида бундай асосли ва қизиқарли илмий хулосалар кўп.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Ҳомил Ёқубов ўз фаолияти давомида замонавий адабиёт муаммоларини тадқиқ этиш билан чекланмаган. У ўтмиш адабиёти ҳақида ҳам самарали тарзда илмий-текшириш ишлари олиб борган. Қатор илмий мақолалар ҳамда “Заҳириддин Муҳаммад Бобур”, “Шоир Турди ижоди” (1940), “Ўзбек демократ шоири Муқимий” (1953) сингари рисоалар нашр эттириб, мумтоз шоирларимизнинг сўз санъатига қўшган улушлари тўғрисида яхши фикрлар билдирган. Зотан, Ҳомил Ёқубовнинг “Алишер Навоийнинг “Хамса”си”, “Сабъаи сайёр” достони”, “Ўзбек адабиётининг фаҳри”, “Навоий ва янги ўзбек адабиёти” каби мақолалари навоийшунослигимизнинг ютуқларидан саналади.

Ўз даврининг йирик адабиётшуносларидан бўлган Ҳомил Ёқубовнинг меҳнат фаолияти ибратлидир. У 1907 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўрта ва олий мактабларда таҳсил олган. Ленинграддаги шарқшунослик институтида аспирантурада ўқиган. Тошкент олий ўқув юртларида, жумладан, ТошДУда (Мирзо Улуғбек номидаги ҳозирги Миллий университетда)

талабаларга дарс берган. Янги ўзбек адабиёти тарихи фанидан маърузалар ўқиган.

Ҳомил Ёқубов республика адабий ҳаётида фаол иштирок этган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи, “Шарқ юлдузи” журналича масъул котиб бўлиб хизмат қилган. 1934 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида турли масъул лавозимларда фаолият кўрсатган. Катта илмий ходим, директор ўринбосари, ҳозирги замон ўзбек адабиёти секторининг мудирини бўлиб ишлаган. Кўпгина ёш илмий ходимларнинг униб ўсишига, фан номзоди ва фан докторини бўлиб етишишига ёрдамлашган.

Ҳозирги даврда таниқли адабиётшунос сифатида республикаимиздаги турли илмий-тадқиқот муассасаларида меҳнат қилаётган ҳамда ёш авлодга олий ўқув юртларида таълим-тарбия бераётган талай олимлар Ҳомил Ёқубов домлани катта ҳурмат ва ихлос билан хотирлайдилар.

Профессор Ҳомил Ёқубовнинг илм-фан соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланган. Ҳомил Ёқубов ҳаёт бўлганларида бу йил 100-баҳорни нишонлар эдилар... Унинг сермазмун илмий асарлари ва ибратли ишлари халқ қалбида, шогирдлар ҳаётида яшамоқда. Устознинг барҳаётлиги ва улуғлиги ҳам ана шунда.

2007 й.

ТАНИҚЛИ ОЛИМ ВА ТАШКИЛОТЧИ

Академик Марат Нурмухамедов қорақалпоқ ва ўзбек халқининг асл фарзанди, йирик адабиётшунос олим эди. Марат Нурмухамедов 1994 йилда чет эл сафари чоғида фожиали ҳалок бўлмаганда эди, унинг мустақил республикамиз тараққиётига, илм-фанга қўшган ҳиссаси янада кўп ва янада салмоқли бўларди, шубҳасиз. Зеро, илм-фаннинг том маънода-ги жонкуяри, моҳир ташкилотчи, ватанпарвар Марат Нурмухамедов ўзининг бутун онгли ҳаётини халқ ва давлат ишига бағишлаган эди. У илм-фан тараққиётига, маориф ва маданият ривожига, етук миллий кадр тайёрлашдек муқаддас ишга муносиб ҳисса қўшган.

Марат Нурмухамедов 1930 йилда Қорақалпоғистоннинг Тўрткул шаҳрида туғилган, Қорақалпоғистон давлат университетини имтиёзли диплом билан битирган (1950). Москва Шарқшунослик институтида аспирантурада таълим олган, машҳур шарқшунос олим Е.Э.Бертельс раҳбарлигида илмий тадқиқот ишлари олиб борган (1950-1953). Олим 1953 йилда номзодлик, 1956 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Марат Нурмухамедов 400 дан зиёд илмий асар яратган. Унинг бисотида монография, дарслик, ўқув қўлланмалар, илмий очерк ва хилма-хил рисоалар кўп. “Қорақалпоқ адабиёти тарихи очерки”, “Қорақалпоқ прозаси” (1959), “Қорақалпоқ адабиёти” (1960), “Қорақалпоқ адабиёти тарихи” (1962), “Урушдан сўнгги даврдаги қорақалпоқ прозаси” (1964), “Ҳозирги замон қорақалпоқ адабиёти” (1968), “Адабиёт ва мафкура” (1977) каби йирик илмий асарлар шулар жумласидандир. Бу асарларда қорақалпоқ адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, тараққиёт йўллари, ютуқ ва муаммо-

лари, миллийлик, анъана ва новаторлик, адабий алоқа ва адабий таъсир, халқчиллик ва ғоявийлик масалалари тадқиқ этилган. Шу асосда умуман адабиёт ва маънавият тарақиқиёти учун муҳим аҳамиятга молик бўлган илмий хулосалар олға сурилган.

Унинг “Қорақалпоқ прозасининг тарақиёт йўллари” номли фундаментал асари Иззат Султонов, Н.А.Боскаков, Лазиз Қаюмов, И.Т.Сагитов каби олимлар томонидан юқори баҳоланган. Мазкур тадқиқот иши учун Марат Нурмуҳамедов филология фанлари доктори илмий даражасини олишга муваффақ бўлган.

Марат Нурмуҳамедов адабиёт масалаларини тадқиқ этар экан, “адабиётлар дўстлиги халқлар дўстлигидир”, – деган ҳикматга изчил амал қилади; турли миллат шоир ва ёзувчилари бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд эканини мисоллар воситасида асослаб беради. Хусусан, қорақалпоқ ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги қадимий алоқалар, анъана ва новаторлик масалалари ҳақида қимматли фикрлар баён этади. Навоий, Бердақ, Ҳамза, Ойбек, Ғ.Ғулом, Ш.Рашидов, К.Яшин, Ж.Оймирзаев, Зулфия, Т.Қоибберганов, Миртемир, А.Қаҳҳор, И.Юсупов, А.Мухтор каби ўзбек ва қорақалпоқ ёзувчилари ижодининг ғоявий-бадиий фазилятларини кўрсатиб беради.

Марат Нурмуҳамедовнинг илмий асарлари ўз даврида жамоатчилик томонидан юқори баҳоланган. Шунга кўра у 36 ёшида (1966) Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 44 ёшида (1974 йилда) эса академиянинг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланган. “Қорақалпоқ прозаси” монографияси учун Бердақ номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган (1970). Олим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонини олишга муяссар бўлган.

Академик Марат Нурмухамедовнинг мамлакатимизда олий таълимни ривожлантириш, етук миллий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари ҳам катта. Марат Нурмухамедов илмий-тадқиқот соҳасидаги фаолиятини доимо жамоатчилик, ташкилотчилик, мураббийлик ишлари билан қўшиб олиб борган. У шогирдпарвар илмий раҳбар сифатида кўпгина толиби илмларнинг униб-ўсиб, етук мутахассис бўлиб етишишига астойдил кўмаклашган. Алломанинг бу хизмати, яъни, ёшлар тарбияси соҳасидаги саъй-ҳаракатлари у Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг бошлиғи (1958-1959), Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоқ филиалининг раиси (1959-1961), Ўзбекистон Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг академик секретари (1966-1974), ЎзФА Тил ва адабиёт институти директори (1974), Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти (1974-1979) лавозимларида меҳнат қилган йилларида айниқса, яққол намоён бўлди. Зотан, камтар инсон Марат Нурмухамедов қаерда ва қандай лавозимда ишлагасин, ҳамма вақт ўз хизмат бурчига катта масъулият билан қарайди, жон куйдириб ишлайди. Шу боис, кўпчиликнинг иззату ҳурмати қозониб халқимиз қалбидан тобора чуқурроқ жой эгаллайди.

Академик Марат Нурмухамедовнинг ташкилотчилик ва мураббийлик салоҳияти у Нукус давлат университетининг ректори бўлиб ишлаган йилларда (1979-1994) ҳам очиқ-ойдин кўринди. Дарҳақиқат, у умрининг сўнгги йилларида Нукус (Қорақалпоғистон) давлат университети ректори лавозимида ҳормай-толмай меҳнат қилди. Бунда у университетни турли соҳалар бўйича етук мутахассис кадрлар тайёрладиган ҳақиқий илм масканига айлантириш билан бирга, ёшларни ватанпарвар, меҳнатсевар, маънави-

яти бой, эътиқоди мустаҳкам, юксак ахлоқ-одобли кишилар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берди. Нукус давлат университетининг мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртлари, жумладан, Самарқанд давлат университети билан алоқаларини мустаҳкамлаш бобида ҳам қатор тадбирларни амалга оширди.

Атоқли олим ва жамоат арбоби Марат Нурмухамедовнинг номи Самарқанд илмий жамоатчилиги учун ҳам қадрлидир. У, айниқса, Ўзбекистон Фанлар академияси раҳбариятида ишлаган йилларида Самарқанд олий ўқув юртларининг ривожланишига, илмий кадрлар билан мустаҳкамланишига яқиндан ёрдамлашди.

Маълумки, Самарқанд узоқ замонлардан бери илм-фан марказларидан ҳисобланиб келинсада, кўп йиллар давомида бу ерда Ўзбекистон Фанлар академиясининг на бўлими, на илмий текшириш институти бор эди. Ана шу муаммони ҳал қилишда Марат Нурмухамедовнинг ўз улиши бор. У Иброҳим Мўминов, Воҳид Абдуллаев, Акбар Отахўжаев, Тошпўлат Ширинқулов сингари йирик олимлар билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳри ва вилоятида халқимиз тарихи, маданияти, адабиёти, санъати ва халқ оғзаки ижодини ўрганишга доир қатор тадбирларни ўтказишда фаоллик кўрсатди.

Академик Марат Нурмухамедов мамлакатимизда, жумладан, Самарқандда ижтимоий фанлар бўйича фан номзодлари ва фан докторлари тайёрлашда астойдил жон куйдирди. У Самарқандлик адабиётшунослар, файласуфлар, тарихчилар ва тилшуносларнинг илмий ишларини мунтазам кузатиб борган, уларни қийинчиликларни енгишга илҳомлантирган. Тадқиқотчиларнинг докторлик диссертацияларини талабчанлик асосида, ҳолисона муҳокама қилиб,

химояга тайёрлашда яқиндан ёрдам берган. Уларга оқ йўл тилаб тақризлар ёзган, расмий оппонент сифатида чиқишлар қилган.

Халқимиз Марат Нурмухамедовнинг эл-юрт, илм-фан манфаати йўлида қилган юқоридагидек саъй-ҳаракатларини асло унутмайди, юксак қадрлайди. Самарқанд аҳли томонидан 70-йилларда академик Марат Нурмухамедовнинг Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат этиб сайлагани ана шу юксак ҳурмат ва ишончдан бир нишонадир.

Қисқаси, академик Марат Нурмухамедовнинг бутун фаолияти ҳозирги ва келгуси авлодлар учун ўрнатилган ва намунадир.

2005 й.

СИНЧКОВ АДАБИЁТШУНОС

Адабиёт илмининг билимдони, ўзининг бутун онгли ҳаётини илм-фанга бағишлаган профессор Маҳмудали Юнусов (1918-1985) том маънода илғор зиёли эди. У Тошкентда туғилган. Ёшлигидан илмли-маърифатли оилада тарбияланиб ўсган. Номзодлик ва докторлик диссертациясини ёқлаган. Домла қарийб ярим аср давомида илм-фан, олий таълим соҳасида фидокорона меҳнат қилиб, Ўзбекистонда адабиёт-шунослик фанининг тараққий этишига муҳим ҳисса қўшган. Бадиий ижодчиликнинг турли масалаларига бағишланган 200 дан зиёд мақола, илмий танқидий очерк, рисола, монография ва ўқув қўлланмалар яратган.

Маҳмудали Юнусов ўз илмий текшириш ишларида адабиёт бойликларини тавсиф ва таҳлил этар экан, доимо холис бўлишга, асосли фикр айтиб, ҳақ сўзни ёзишга ҳаракат қилган. Ютуқларни ҳам, айрим нуқсонларни ҳам таҳлил асосида кўрсатиб берган. Унинг “Традиция ва новаторлик проблемаси” (1965), “Барҳаёт анъаналар” (1969), “Барҳаёт мерос саҳифалари” (1986) сингари китобларида ҳозирги замон ўзбек адабиёти ўтмиш мумтоз адабиётининг қонуний меросхўри ва унинг янги замондаги ўзига хос давоми экани далиллар асосида исботланган. XX аср ўзбек адабиёти (хусусан, шеърляти) ўтмиш адабиётидан нимани олгани, қандай анъаналарни давом эттиргани ва нимани янгидан яратгани очиб берилган.

Мунаққид “йигирманчи йиллар поэзияси ҳақида гапирганида унинг учун характерли бўлган хусусият-изланишлар эканини, ҳали қандайдир яқунлар тўғрисида гапиришга вақт эрта бўлганини унутмаслик керак. Зотан, изланиш ҳар бир катта ва кичик миллий адабиётлар учун камолотга бошлайдиган ягона йўл

эди”¹, – деб ёзган. Демак, олим традиция (анъана) ва новаторлик масалаларига юзаки қарамайди, балки, уларни ҳар томонлама пухта ўрганиб, муайян хулосаларга келиш ғоясини илгари суради. Традицияни менсимасликни, ундан юз ўгиришни қоралаш билан бирга, новаторликни шаклбозликка айлантириб қўйиш ҳам хавфли экани ҳақида огоҳлантиради. Ўтмиш адабиётига ҳам, ҳозирги замон адабиётига ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳар иккаласини ҳам чуқур ўрганишни таъкидлайди. Маҳмудали Юнусов “Комил Хоразмий” (1960), “Барҳаёт саҳифалар” (1981) рисоаларида ва “Устозлар сабоғи” туркум мақолаларида ҳам масалага шу нуқтаи назардан ёндашиб, ўтмиш адабиётининг асосий белгиларини, ўзига хос хусусиятларини тўғри аниқлаган. Айниқса, Алишер Навоий, Мунис Хоразмий, Зокиржон Фурқат сингари шоирларнинг инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстлик, севги-муҳаббат, ахлоқ-одоб мавзуларини ёритишдаги маҳоратларига доир теран мазмунли фикрларни изҳор этган.

Маҳмудали Юнусов халқ оғзаки ижодини тадқиқ этиш соҳасида ҳам муайян ютуқларга эришган. Қирқинчи йилларда “Алпомиш” достони ҳақида ўқув-қўлланма ёзиб, бу асар мисолида халқ эпосининг ғоявий-бадиий хусусиятларини, тарбиявий-эстетик ахамиятини аниқлаб берган. Бироқ 50 йиллар бошида (1952) партия матбуотида “Алпомиш” халққа қарши, зарарли дoston деб, асоссиз ҳолда, кескин қораланди. Бу адолатсизликдан қўлланма муаллифи изтироб чекди, ташвишланди. Кейинчалик “Алпомиш” оқланиб (1956), ҳақиқат қарор топгач, у дил-дилдан

¹ Маҳмудали Юнусов. Традиция ва новаторлик проблемаси. – Тошкент: “Фан”, 1963. – 208 б.

қувонди. Домла “Алпомиш” ўзбек халқининг бебаҳо бойлиги ва юксак қадрияти эканини талабалар онгига сингдиришни жуда яхши кўрарди.

Маҳмудали Юнусов илмий асарларининг аксарияти янги ўзбек адабиёти масалаларини, сўз санъатининг назарий муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган. Унинг илмий тадқиқотларида XX аср ўзбек адабиётининг шаклланиш ва ривожланиш масалалари, тараққиёт босқичлари, услуб ранг-баранглиги, шакл ва мазмун бирлиги ҳамда мазмуннинг етакчилиги, адабиётнинг замонавийлиги ҳақида муҳим фикр ва мулоҳазалар кўп. Олимнинг Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Ойдин, Шокир Сулаймон, Рамз Бобожон, Қуддус Муҳаммадий, Амин Умарий, Тўхтасин Жалолов, Элбек, Боту, Ҳаким Назир, Тошпўлат Ҳамид ижоди ҳақидаги мақолалари, илмий очерк ва адабий портретларида шу ёзувчи-шоирларнинг ҳаёти, ижод йўли ва адабий бисоти ҳақида бой маълумот мавжуд. Масалан, мунаққиднинг Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон ҳақидаги адабий портретида ўзбек адабиёти урушдан кейинги йилларда эришган айрим жиддий ютуқлар тўғри кўрсатилган. Муаллиф Рамз Бобожоннинг сув муаммосига бағишланган “Оби ҳаёт” достони ҳақида “Лирик кўтаринкилик билан публицистика, реалистик ҳаёт манзаралари билан шартли фантастик тасвирнинг алмашиб бориши асарга оригиналлик бахш этган... Кичик-кичик йигирма икки бобдан иборат дostonда “Тизгинини узган, учраганини қўтосдай сузган телба Аму”, уни “қораловчи” Бобо мироб – прокурор”, суд зали, чоржўйликларнинг тошқиндан кўчиш манзараси Ленинград фронтини эслатиши, Аму тепасидаги ҳукумат комиссияси, ғазабланган халқ: “Ахир, биз бир қўшиндан, бир ротадан-ку, туркман,

ўзбек, рус... Дўстга дўст, вафодор, душманга ғаддор...” деб ҳужумга ўтгани, асов Аму устидан суд бошлангани ҳаяжон билан тасвирланади”¹, – деб ёзган. Мунаққид ўз сўзини 1972 йилда Давлат мукофоти билан тақдирланган “Оби ҳаёт” достони ўзбек адабиётида янги ҳодисадир”, – деб якунлаган.

Маҳмудали Юнусов ўзбек болалар адабиётини тадқиқ ва таҳлил этиш борасида ҳам ибратли ишларни бажарган. “Болалар қалбининг байрами” (1984) номли китоб ва қатор мақолалар ёзиб, ўзбек болалар адабиётининг тараққиёт йўллари, ўсиш-улғайиш жараёни, бойликлари, шунингдек, айрим муаммолари тўғрисида атрофлича баҳс юритган. Хусусан, болажонларнинг Қуддус Муҳаммадий, Элбек, Ҳаким Назир сингари севимли шоир-ёзувчилари ижоди ҳақида кўпчиликка маълум бўлмаган янги сўзларни айтган. Бунда муаллиф болалар адабиётининг ўзига хос асосий хусусиятларини диққат марказида тутиб қалам тебратган.

Дарҳақиқат, сўз санъатида катталар адабиётига ҳам, болалар адабиётига ҳам бирдек хос бўлган умумий хусусиятлар, муштарак томонлар (масалан, тематик доиранинг ўхшашлиги ёки ғоявий мазмун бирлиги) мавжуд. Шу билан бирга, болалар адабиётини катталар адабиётидан ажратиб, уларни бир-биридан фарқ қилдириб турувчи индивидуал хусусиятлар ҳам бор. Чунончи, болалар адабиёти, одатда, катталар адабиётидан кўпинча нима ҳақида (қандай мавзуда) ёзилганига қараб эмас, балки қандай ёзилганига қараб ажралиб туради. Маҳмудали Юнусов тадқиқотларида ана шу фарқлар, болалар адабиётининг ўзига хос индивидуал хусусиятлари

¹ Маҳмудали Юнусов. Ҳаёт нафаси. – Тошкент, 1981. – 162-163-б.

инобатга олинган. Мунаққид Қуддус Муҳаммадийнинг “Қандай бўлмоғим керак”, “Бола бошидан, ўғлон ёшидан”, “Доно бобонинг неварачеваралари”, “Жуда қизиқ, жуда чиройли”, “Табиат алифбеси”, “Қанотли дўстлар”, “Она-бола меҳри”, “Очил дастурхон” каби хилма-хил китоблари таҳлили мисолида шоир асарлари болалар дидига ва савиясига ғоят мослигини, ғоявий мазмун ва бадиий шакл жиҳатидан пухталигини намоиш этган. Қуддус Муҳаммадийнинг шеър ва дostonлари болалар руҳияти тасвирига, болалар жонли тили элементларига ва интонациясига сероблигини ҳамда содда, ёқимли мисраларга, ҳаётбахш табассумга бойлигини исботлаб берган. Муаллиф тўғри қайд этганидек, Қуддус Муҳаммадий ижодида юмор ҳисси, шодлик, қувноқлик туйғуси бўртиб туради. Шоир бисотида ҳазил-мutoйиба тарзида ёзилган қувноқ, юморга бой шеърлар анча. “Дум”ни эсланг. Дастлаб катта тортишувларга сабаб бўлган ва кейинча Ағния Барто томонидан “Энг яхши мақтовга, сазовор”, деб таърифланган бу шеър нақадар қувноқ. “Аъзолар сўзи” ёки “Тугмача”чи?”¹ Қисқаси, мунаққид Қуддус Муҳаммадий асарларида болалар дунёси бутун борлиғича гавдаланганини, шоир шеърлари юморга, қувноқ кулгига бойлигини, бошқача қилиб айтганда, шоир ижодининг ўзига хос хусусиятларини яққол очиб берган.

Шундай қилиб, Маҳмудали Юнусов адолатли, нозиктаъб адабиётшунос сифатида илмий-тадқиқот ишларини олиб борган. Бироқ, бошқа ҳамкасблари сингари бу олим ҳам ўз даври талабларига риоя қилишга мажбур бўлган. Шу сабабли унинг айрим мақола ва рисоаларида замонасозлик, муросасозлик аломатлари кўзга ташланиб туради. Бироқ, умуман

¹ Маҳмудали Юнусов. Ҳаёт нафаси. – Тошкент, 1981. – 181-б.

олганда, Маҳмудали Юнусовнинг илмий мероси сермаъно ва ҳаққоният мезонларига мос.

Яна бир масала. Маҳмудали Юнусов ўз ҳаёти давомида илмий-тадқиқот ишларини ҳамиша устозлик, мударрислик фаолияти билан қўшиб олиб борган. Тошкент, Хоразм, Бухоро, Самарқанд олий ўқув юртларида узоқ йиллар давомида талабаларга дарс берган. Ўзбек адабиёти тарихи, ҳозирги замон ўзбек адабиёти, халқ оғзаки ижоди ва адабиёт назарияси предметларидан мароқ билан маърузалар ўқиган. Қизиқарли амалий машғулотлар олиб борган. Толиби илмларга устозлик қилган. Унинг илмий раҳбарлигида бир нечта номзодлик диссертациялари тайёрланган ва ҳимоя этилган.

Профессор Маҳмудали Юнусов 50 йилларда қарийб ўн йил давомида Самарқанд Давлат университетида самарали равишда фаолият кўрсатди. Мен ана шу йилларда Маҳмудали Юнусов билан бир кафедрада ишлаб, ундан кўп нарса ўрганганман. Яхши маслаҳатлар олганман. Домла каминанинг “Ойдин ижоди” мавзуидаги номзодлик диссертациясига расмий оппонент бўлган ва СамДУ илмий кенгашида юқори савияда чиқиш қилган (1955).

Хуллас, филология фанлари доктори, профессор Маҳмудали Юнусов камтар ва меҳрибон устоз, адабиётимизнинг ҳақиқий жонқуяри ва катта билимдони эди. Унинг мактаб-маориф, олий таълим ва етук мутахассис кадр тайёрлаш соҳасида хизматлари муносиб тақдирланган. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», деган юксак фахрий унвон берилган.

2007 й.

ҲОЗИРЖАВОБ МУНАҚҚИД

“Ҳар фаслнинг ўз хислати бор, ҳар фаслнинг ўз фазилати” деганларидек, адабий танқидчилик ва адабиётшуносликнинг ҳам ҳаётда ўз мавқеи ва ўз хизмати бор. Адабий танқидчиликни инсонга омонлик-соғлиқ бахш этувчи шифокор жарроҳга қиёс қиладилар. Жарроҳ инсонни тиббий кўриқдан ўтказиб, лозим бўлса, жарроҳлик операциясини амалга ошириб, унга қайта ҳаёт бахш этганидек, адабий танқидчи асарни ғоявий мазмун ва бадиий маҳорат жиҳатидан таҳлил қилади: ютуғи нима, нуқсони нима эканини аниқлаб, нуқсонни йўқотишга, ютуқни кўпайтиришга кўмаклашади. Бадиий асарни куч-қудрат ва қанот билан таъминлаб, унинг баланд парвоз этишига, китобхонга манзур бўлишига ёрдамлашади. Гўзал, халқчил асарларни тарғиб-ташвиқ этиб, уларни омма мулкига айлантиради, сўз санъати намуналарининг мухлислар қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллашларини осонлаштиради.

Адабий танқидчиликнинг бундай ўзига хос хусусиятларини ва холис хизматларини ўзбек адабий танқидчилиги, жумладан, атоқли ва истеъдодли мунаққид, сермахсул адабиётшунос Лаизиз Қаюмов ижоди мисолида яққол кўриш мумкин. Зеро, ҳар ким ҳам ҳақиқий адабий танқидчи бўлолмайди. Бу учун туғма истеъдод, нозик дид, фаросат бўлиши шарт.

Маълумки, XX асрда, хусусан, иккинчи жаҳон урушидан сўнгги даврда мамлакатимизда бадиий адабиёт сингари адабиётшунослик ва адабий танқидчилик ҳам тез суръатлар билан ўсиб, ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Агар мазкур даврга қадар бу соҳада монографик асарлар, дарслик ва жиддий адабий-танқидий мақолалар бармоқ билан

санарли даражада оз бўлган бўлса, бу янги даврга келиб адабиётимиз тарихининг муайян даврларини кенг кўламда, чуқур ва холис ёритувчи қатор салмоқли илмий асарларга эга бўлдик. Етук монографиялар, танқидий-биографик очерклар ва сермазмун илмий адабий мақолалар тўпламлари яратилди.

Адабий танқидчиликда мавзу доираси кенгайди, ғоявий ва бадиий таҳлил чуқурлашди. Янги ўзбек адабиётининг шаклланиш ва юксалиш тарихини муайян даврлар ва жанрлар бўйича махсус тадқиқ этиш одат тусига айланди. Йирик ёзувчилар асарларини жамият ва халқ тарихи ҳамда умуман адабиёт тараққиёти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиб, санъаткор ижодининг ўзига хос индивидуал хусусиятларини очиқ бериш кўникмаси ва тажрибаси ҳосил қилинди. Адабиёт назарияси мавзуларини бевосита ўзбек адабиёти мисолида, унинг сара асарлари заминиде ёритишга, жиддий илмий хулосаларни асослаб беришга эътибор кучайди. Бу соҳада ҳам жиддий ютуқларга эришилди. Адабиётшунослик ва адабий танқидчиликда юз берган бундай ўсиш-ўзгаришларнинг содир бўлишида аввало Иззат Султон, Воҳид Зоҳидов, Ғулом Каримов, Воҳид Абдуллаев, Ҳомил Ёқубов, Натан Маллаев, Марат Нурмуҳамедов, Маҳмудали Юнусов, Азиз Қайумов сингари таниқли олимлар фаоллик намуналарини кўрсатдилар. Шу билан бирга, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Ҳафиз Абдусаматов, Наим Каримов, Бахтиёр Назаров, Абдуқодир Ҳайитметов, Салоҳиддин Мамажонов, Умарали Норматов, Нуриддин Шукуров, Ботурхон Валихўжаев, Собир Мирвалиев каби забардаст мунаққидлар фидокорона меҳнат қилдилар. Бу қийин ва нозик соҳа ривожига

профессор Лазиз Қаюмов қўшган ҳиссаси алоҳида салмоқ касб этди.

Лазиз Қаюмов 1930 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. Тошкентда униб-ўсиб, таълим-тарбия олган. Астойдил ўқиб, ҳалол меҳнат қилиб, шогирдликдан устозлик даражасига етган. Номзодлик ва докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилган. Узоқ йиллар давомида Тошкент давлат университетида (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида) профессор, кафедра мудири бўлиб ишлаган. Шунингдек, мамлакатимизнинг энг нуфузли газеталарида (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Халқ сўзи” газеталарида) Бош муҳаррир вазифасини бажарган.

Лазиз Қаюмов ҳозиржавоб ва сермахсул мунаққид. Унинг адабий танқид соҳасидаги фаолияти 50 йиллар аввалида бошланган. Ўтган давр ичида кўплаб илмий ва публицистик мақолалари газета, журнал ва тўпламларда эълон қилинган. Мунаққид ижодида йирик илмий тадқиқот асарлари катта ўрин эгаллайди. “Инқилоб куйчиси” (1962), “Инқилоб ва ижод” (1964), “Инқилобий драма” (1970), “Ҳамза” (1973), “Қардошлар” (1974), “Аср ва наср” (1975), “Меридиандаги учрашувлар” (1976), “Замондошлар” (1983) каби монография, рисола ва мақолалар тўпламлари шулар жумласидандир. Бу китобларда адабиётнинг ғоявийлиги, замонавийлиги, халқчиллиги, жанр хилма-хиллиги, миллийлиги, анъана ва новаторлик, адабий ҳамкорлик ва адабий таъсир, адабиёт ва ҳаёт, бадиий маҳорат ва образ масалалари тадқиқ этилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Лазиз Қаюмов, аввало, ҳамзашунос олим сифатида танилган. Мунаққид ижодида Ҳамза Ҳакимзода номи билан боғлиқ бўлган хилма-хил мавзулар асосий жойни

эгаллайди. Ва бу серқирра мавзу кўплаб тарихий хужжатлар, архив материаллари, аниқ фактлар асосида ёритилади. Зеро, Ҳамза Ҳакимзоданинг ҳаёти ва ижодини ҳеч ким Лаизиз Қаюмовчалик кўп ва хўп тадқиқ ва таҳлил этмаган десак, хато бўлмайди. Олимнинг турли йилларда эълон қилинган кўпгина мақолалари, шунингдек, юқорида тилган олинган “Инқилоб куйчиси”, “Инқилоб ва ижод”, “Инқилобий драма”, “Ҳамза” каби китоблари ўқувчиларга яхши таниш. Лаизиз Қаюмов ўзбек адабиётшунослигида биринчи ўлароқ Ҳамза Ҳакимзоданинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тетрология яратиб, нашр эттирган. Лаизиз Қаюмовнинг докторлик диссертацияси ҳам Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаёти ва ижодини таҳлил этишга бағишланган. Олимнинг 1973 йилда Ўзбекистон Давлат мукофотининг совриндори бўлиши ҳам биринчи навбатда унинг ҳамзашунослик соҳасидаги изланишлари ва катта хизматларининг самарасидир.

Қисқаси, Лаизиз Қаюмов умр бўйи Ҳамза ижодига қайта-қайта мурожаат этган ва ҳар сафар ўзи севган мавзунинг янги-янги қирраларини замон талабларига мос равишда ёритиб берган. Шуниси ҳам борки, кейинчалик у аввалги айрим ишларида йўл қўйган баъзи юзакичилик ва замонасозлик аломатларини тузатган. Битта факт. Маълумки, Ҳамза Ҳакимзода умр бўйи халқлар ва миллатлар дўстлиги тамойилларига содиқ қолган ҳолда чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига салбий муносабатда бўлган. Лаизиз Қаюмов ана шу ҳолатни ҳисобга олиб, ўзининг янги бир мақоласини “Шоирнинг рус колонизаторлари билан конфликти муттасил давом этган”¹, – деб хулосалаган. Мустамлакачиликни

¹ Лаизиз Қаюмов. Биз билмаган Ҳамза. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1999 йил 29 январь.

қоралаб, мустақилликни улуғлаган. Олимнинг “Ҳаёт ва ижод манбаи” мақоласида (“Халқ сўзи” газетаси, 2001 й., 7 ноябр) ҳам ана шундай ҳақ сўз ифодаланган.

Умуман олганда, Лаиз Қажумовнинг тафаккур доираси ва ижод уфқлари кенг, илмий мушоҳадлари ўткир ва теран бўлган. Асарлари оригинал фикр, илмий хулоса ва эзгу ғояларга сероб бўлган. “Аср ва наср” китобида анъана ва новаторлик масаласи билан боғлиқ ҳолда ўзбек насрининг ўзига хос хусусиятлари, тараққиёт йўллари ва эришган ютуқлари ҳақида чуқур баҳс юритилган. “Қардошлар” китобида эса адабиётлар дўстлиги – халқлар ва миллатлар дўстлигидир, – деган ғоя лейтмотив даражасига олиб чиқилган. Китоб мундарижаси бой, мавзулари ранг-баранг. Асар материаллари “Дўстлик қудрати”, “Қардошлар сиймоси”, “Ягона ва кўп миллатли” деб номланган сарлавҳалар остида содда, аниқ қилиб берилган. Ўзбек адабиёти билан жаҳон халқлари адабиётлари ўртасидаги дўстона алоқалар, байналминал муносабатлар борасида илиқ сўзлар билдирилган.

“Замондошлар” китобида XX асрда яшаб ижод этган 30 га яқин шоир-ёзувчиларимизнинг ҳаёти, сара асарлари ҳақида характерли фикрлар, асосли хулосалар қайд этилиб, шу ижодкорларнинг адабий портретлари чизилган. Муаллиф бунда сўзни исроф қилмаслик, сўзни тежаб-тергаб ишлатиш, кам гапириб кўп маъно англатиш тамойилига қаттиқ амал қилган. Натижада Ҳамза, Айний, Ойбек, Ғ.Ғуллом, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, Уйғун, Яшин, Зулфия, Миртемир, Шайхзода, Саид Аҳмад, А.Мухтор, Р.Ғайзий, А.Орипов, Э.Воҳидов каби ёзувчи-шоирлар ижодининг ҳамкасблари ижодидан фарқ қилиб, ажралиб турувчи, асосий хусусиятларини яққол кўрсатиб беришга эришган. Ҳар

бир истеъдод соҳибининг ўзига хос маҳоратига доир жўяли фикрларни жой-жойида намойиш этган.

Хуллас, Лаизиз Қаюмовнинг адабиёт илмига доир фаолияти сермазмун ва самарали. Худди шунингдек, олимнинг бевосита устозлик, мураббийлик ва мударрислик соҳасидаги хизматлари ҳам намунали. У шогирдпарвар олим. Домла шогирдсиз ҳаёт кечиришни тасаввур ҳам қила олмас эди. У толиби илмларга таълим-тарбия бериш, шогирдларни парваришлаб ўстириш анъанасига изчил амал қилган. Меҳрибонлик ва талабчанлик асосида иш юритиб, шогирдпарвар устоз сифатида кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. Лаизиз Қаюмов ўзининг “Меридиандаги учрашувлар” китобида “Назаримда, шогирдсиз адиб фарзандсиз инсон, мевасиз дарахт, ҳосилсиз боғ, сувсиз дарёга ўхшайди”, – деб битган эди.

Бундай далилларни домланинг Самарқанд билан боғлиқ фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. У Самарқандни жуда яхши кўрар, Самарқанд ижод аҳлини қадрлар эди. Лаизиз Қаюмовнинг Самарқандга ҳар бир ташрифи соғинчли учрашувлар, қизиқарли суҳбат мулоқотлар, янги илмий асар ёки диссертация муҳокамалари, илмий Кенгашларда қилинган ёрқин маърузалар билан ўтар эди. Домла СамДУ илмий кенгашида кўп марта расмий оппонент сифатида чиқишлар қилган. Қатор диссертацияларнинг ютуқларини ҳам, айрим камчиликларини ҳам ҳолисона кўрсатиб, ёш олимларга оқ йўл тилаган. Жумладан, давлат ва жамоат юмушлари билан қаттиқ банд бўлишига қарамай, турли йилларда камина илмий раҳбарлигида тайёрланган 10 та номзодлик диссертациясига расмий оппонентлик қилган: Шавкат Холматов, Душан Файзиев, Ҳакима Ҳасанова, Исроил Мирзаев, Ўтамурод Нормуҳаммедов, Юсуф

Бекмуродов, Абдурахмон Азимов каби шогирдлар меҳнатига адолатли баҳо берган. Худди шунингдек, домла 1973 йилда Тошкентда Ўз ФА илмий кенгашида каминанинг докторлик диссертациясига расмий оппонентлик қилган.

Яна бир гап, Лазиз Қаюмовнинг Самарқандга қилган сўнги ташрифи (2001 йил 29 ноябрь) ҳам унинг илм аҳлига, шогирдларга кўрсатган ўзекона эътибори ва ғамхўрлигининг натижасидир. Домла бу сафар бетоброқ бўлишига қарамай, СамДУнинг катта мажлислар залида нутқ сўзлади. Олий таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва шахсан ўз номидан каминани 70 ёшга киришим билан қизгин қутлаб, Самарқанд давлат дорилфунунининг миллий кадр тайёрлашдаги хизматларига юксак баҳо берди.

Хулоса: Профессор Лазиз Қаюмов истеъдоди баланд олим, шогирдсевар устоз, содиқ дўст, масъулиятни чуқур англайдиган фуқаро ва ҳозир-жавоб мунаққид, журналист эди. Унинг барҳаётлиги ҳам ана шунда.

2007 й.

УСТОЗ МУНАҚҚИД

“Озод Шарафиддинов ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўзининг ҳаққоний сўзи, ирода ва матонати билан юртдошларимизга, авваламбор, ёшларимизга ибрат бўлаётган, том маънодаги маърифатпарвар инсондир”.

Ислом Каримов

Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз адабиётшунос, мунаққид Озод Шарафиддинов (1928-2005) фавқулодда талант, беназир олим эди. У илм-фан, хусусан, адабий танқидчилик ва адабиётшунослик тараққиётига ғоят қимматли ҳисса қўшган, кўплаб истеъдодли шогирдлар етиштирган. Яқинда “Ўзбекистон” нашриёти халқимизнинг ана шу доно ва мард, фидойи ва жонкуяр ўғли хотирасига бағишлаб “Озод Шарафиддинов – замондошлари хотирасида”¹ номли китоб чоп этди.

Бу ёднома китобни майдонга келтириш билан нашриёт хайрли ва савобли ишни бажарган. Чунки машҳур кишилар ҳаёти, ижтимоий фаолияти азалдан инсоният учун сабоқ, ўрнатқисига келинган. Зеро, ёшлар атоқли кишиларга ҳавас билан қараб, улардек бўлишга интиладилар. Бу китобни мутолаа қилган кишилар ўзларини қизиқтирадиган кўп нарсани билиб олишлари аниқ. Зотан, қирқ етти ёднома мақоладан ташкил топган бу мажмуада олимнинг сермазмун ҳаёти, ижтимоий меҳнат фаолияти, илмий асарлари ва ижодий жасорати ҳақида кўп ва зарур маълумотлар берилган. Китобдан таниқли адабиёт-

¹ Озод Шарафиддинов – замондошлари хотирасида. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007.

шунос ва адабий танқидчилар, атоқли шоир ва ёзувчилар қаламига мансуб бўлган ёдномалар билан бирга, бошқа касб эгалари томонидан тайёрланган эсдаликлар ҳам жой олган. Бу ҳолатни маъқуллаш лозим. Чунки, у Озод Шарафиддинов образини кенгроқ, тўлароқ очилишига бевосита хизмат қилган.

Агарда ёдномаларни китобга киритишда давра (муаллифлар таркиби) янада кенгроқ олинса, домланинг турли вилоятларда меҳнат қилаётган яқин ҳамкасблари, шогирдлари ва дўстларининг эсдаликларидан ҳам намуналар танлаб нашрга киритилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Дарҳақиқат, Озод Шарафиддинов бутун Ўзбекистонда машҳур ва иззатли инсон эди. У ўз умри давомида турли вилоятларга кўп марта сафар қилган ва ўша ерлардаги илм ва адабиёт аҳли билан узвий алоқада бўлган. Вилоятларда домланинг содиқ шогирдлари, қадрдон дўстлари, яқин танишбилишлари бор. Жумладан, Самарқанд зиёлилари, айниқса, ёзувчи ва журналистлар, олий мактаб ходимлари, тил ва адабиёт ўқитувчилари учун Озод ака ғоят яқин эди. Самарқандликлар домланинг адабиёт ва маънавият тараққиёти, етук мутахассис кадр тайёрлаш йўлида қилган самарали хизматларини юқори қадрлайдилар ва ёддан асло чиқармайдилар. У киши Самарқандни тез-тез зиёрат қилар, ҳар гал аниқ бир мақсад билан келарди. Бундай сафар чоғларида адабиётшунослар ва толиби илмлар билан учрашиб суҳбатлашиш, ёш ижодкорларга, тадқиқотчиларга маслаҳатлар беришга вақт топар эди. Бунга мен ўз шахсий ҳаётим мисолида ишонч ҳосил қилганман.

Озод Шарафиддинов билан танишиб, қадрдон бўлишим аспирантлик чоғларимдан (50 йиллар

ўрталаридан) бошланган ва вақт ўтган сайин бу муносабат мустаҳкамлана борган. 1960 йилда Самарқанд шаҳрида катта бир адабий-илмий анжуман ўтказиладиган бўлди. Анжуман очилишидан сал олдин Озод ака менга “Биз Тошкентда маслаҳатлашиб келишдик. Сизни Ўзбекистон Ёзувчилар ташкилоти аъзолигига қабул қилмоқчи бўлдик. Керакли ҳужжатларни тайёрлаб, тезда Тошкентга юборинг”, – деб мени қувонтирди. Шунда мен ундан “Сизлар мени яхши билмайсизлар-ку?!” , деб сўрадим. Озод Шарафиддинов эса “Биз сизни сиртдан, матбуот орқали таниймиз. Эълон қилинган мақола ва тақризларингиз бизга маъқул, сиздан умидимиз катта”, – деди.

Шундан сўнг мен кўп йиллар давомида Озод ака билан Тошкент ва Самарқандда, Ўзбекистон ёзувчиларининг қурултой, пленум ва бошқа кенгашларида, ҳар хил илмий конференцияларда учрашиб суҳбатлашганман, мулоқотда бўлиб яхши маслаҳатлар олганман. Менга Озод аканинг дадиллиги, тантилиги, тўғри сўзлиги, нияти поклиги, иродаси мустаҳкамлиги, бадиий асарларни ва умуман адабиёт бойликларини адолатли равишда чуқур таҳлил қилиш маҳорати ёқар эди. Масалан, буюк шоир Чўлпон тўғрисида ҳақиқатни ёзиш таъқиқланган мустамлакачилик даврида Озод Шарафиддинов Чўлпоннинг шеърий ва насрий асарларини ҳозирги кун (истиклол мафкураси) талаблари даражасида таҳлил этиб, унинг улуғ ва ноёб ижодкор, халқпарвар, ватанпарвар, эрксевар ёзувчи эканини ҳеч бир иккиланмасдан исботлаб берди.

Худди шунингдек, мунаққид ўз тадқиқотларида Абдулла Қаҳҳор, М.Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор, О.Ёқубов, Э.Воҳидов, А.Орипов каби ёзувчилар ижодининг асосий хусусиятларини, ғоявий-

бадий фазилатларини, сўз санъати хазинасига қўшган беқиёс ҳиссаларини, уларнинг XX аср ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини аниқ айтиб кўрсатди.

Озод Шарафиддиновнинг яна бир ибратли хислати шундаки, у адабиётимизнинг том маънодаги жонкуяри эди. Ўзбекистон Миллий университетида талаба ва тадқиқотчиларга дарс ўтиш, сабоқ бериш билан бирга, кундалик адабий жараёнда фаол иштирок этар, адабиёт декадалари, шеърят кечалари, янги асар муҳокамалари, китобхонлар билан учрашувларнинг юксак савияда ўтишига жонбозлик қилар эди.

Озод Шарафиддинов юртимиз вилоятларидаги ёзувчи ва адабиётшуносларнинг ҳам илмий-ижодий фаолиятига бефарқ қарамасди. Уларни рағбатлантириб, янги ижодий зафарлар сари отлантирарди. Озод аканинг 2001 йил 8 ноябрда Самарқандга келган мактубида қуйидагича лутф қилинган:

“Муҳтарам дўстим, Саъдуллахон!

Буни қарангки, куни кеча мўйлови эндигина сабза урган йигитчалар эдик. Бугун эса биримиз етмишдан ошиб, биримиз етмишга кириб, оқсоқоллар қаторига қўшилиб қолибмиз. Бунинг учун фақат “Етказганига шукур”, дея шукроналар қилмоқ керак, холос. Гарчанд мен кейинги икки-уч йил ичида Сиз билан кўришмаган бўлсам ҳам аниқ биламанки, сувратингиздан сиз ҳали жуда ёшга ўхшайсиз... Сизнинг ёшариб юришингизнинг яна бир сабаби шундаки, Сиз шу пайтгача ҳалол яшаб, ҳалол меҳнат қилиб келдингиз. Ҳамиша ёшлар билан биргасиз. Сизга нима тилашим мумкин? Энг аввало узоқ умр тилайман, юзга киринг, адабиёт ривожини йўлида қандайки яхши ниятингиз бўлса, ҳаммаси рўёбга чиқсин.

Ҳурмат билан Озод Шарафиддинов”.

Домланинг Самарқандга сўнги ташрифи 2003 йил июн ойида бўлди. Самарқанд давлат университетида у кишининг ижодий фаолиятига бағишланган катта тадбир ўтказилди. Унда ўзининг илмий кашфиётлари, малакали миллий кадрлар тайёрлашдаги буюк хизматлари билан юртимиз обрўйига обрў, шуҳратига шуҳрат қўшган устоз мунаққидга қайта-қайта таъзим бажо келтирилди. Домлага Самарқанд давлат университетининг фахрий профессори илмий унвони берилди. Озод ака бетоблигига қарамасдан, бу тарихий маросимда ўзини мардона тутиб, тўлқинланиб нутқ сўзлади.

Самарқанд илм аҳли, адабиёт ва санъат ходимларида бу сўнги учрашув унутилмас, хаяжонли из қолдирди. Ўз ўрнида Озод ака ҳам хайрлашув сўзида бу самимий учрашувдан кўнгли тоғдек кўтарилгани, кайфиятига кайфият қўшилганини мамнуният билан изҳор этиб, Самарқанд диёри ва унинг меҳнат аҳли шаънига илиқ сўзлар билдирди. Ана шу самимият ва миннатдорчилик туйғуси олимнинг “Қишлоқ ҳақиқати” газетасида (2003 йил 17 июнь) эълон қилинган “Самарқанд сафари” номли йирик мақоласининг мағз-махзига сингдирилган.

Хулоса: Озод Шарафиддинов бутун борлиғи билан илм-фанга берилган, бу соҳада буюк ютуқларга эришган ноёб истеъдод эгаси, фидойи инсон эди. Зеро, халққа, она Ватанга ва адабиётга ҳалол хизмат қилишнинг ёрқин тимсоли бўлган бундай инсон ҳаёти ва ижоди биз учун ибратли ва ўрнаткич мактабидир.

2008 й.

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ РУС ОЛИМАЛАРИ НАЗДИДА

Адабиётлар дўстлиги халқлар дўстлигидир. Инсоният жамияти тараққиётига куч-қудрат бағишловчи ҳаётбахш ғояларни жаҳон бўйлаб тарғиб-ташвиқ қилишда бу дўстликнинг аҳамияти буюқдир. Адабиётлар дўстлиги ва адабий алоқаларни мустаҳкамлаб, кучайтиришда эса ёзувчи, олим ва таржимонларнинг ўрни ва хизмати катта. Буни ўзбек адабиётининг зукко билимдонлари И.В.Боролина ва Н.В. Владимированинг ижодий фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Айрим далиллар келтирамиз.

Маълумки, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ижодининг ёрқин қирралари, асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари адабий танқидчилик ва адабиётшуносликда ўз вақтида эътироф этилган ва кенг таҳлил қилинган. Иззат Султон, Озод Шарафиддинов, Ҳомил Ёқубов, Матёқуб Қўшжонов, Пиримқул Қодиров, Ҳафис Абдусаматов, Умарали Норматов каби мунаққидларнинг қаҳҳоршуносликка оид илмий асарлари ана шундан гувоҳлик беради. Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзилган илмий асарлар орасида москвалик адабиётшунос Ирина Боролина томонидан рус тилида яратилган “Абдулла Қаҳҳор” номли монография ажралиб туради. Москва давлат университетининг илмий ҳодими қаламига мансуб бўлган ва 1957 йилда Тошкентда “Ўздавнашр” томонидан кўп нусхада чоп этилган бу тадқиқот адибимиз ҳақидаги биринчи китобдир. Унда ўзбек ёзувчиси ижодининг асосий ва етакчи хусусиятлари илмий асосда холисона кўрсатилиб, юқори савияда таҳлил этилган. Бундан роппа-роса ярим аср муқаддам майдонга чиққан мазкур китоб

ўзининг илмий-маърифий аҳамиятини ҳозирги кунда ҳам сақлаб келмоқда.

Республика газетаси ўша вақтда уни “қимматли монографик асар” деб атаган ва ўзбек адабиётшунослигида катта воқеа эканини таъкидлаган эди.¹ Монография “Сўз боши” ва “Хулоса”дан ташқари саккиз мустақил бобдан ташкил топган. Муаллиф ўзбек адабиётини синчковлик билан ўрганиб, пухта тадқиқ этган. Хусусан, Абдулла Қаҳҳор ижодини жуда яхши таҳлил этган. Ёзувчининг дастлабки асарлари матнини вақтли матбуот саҳифаларидан эринмасдан излаб топган ва уларни ўрни-ўрнида кейинги айрим асарлари билан таққослаб, адибнинг ижодий ўсиш йўллари аниқлаб берган. Китобда адиб ижоди муайян давр ҳаёти ва адабий муҳити билан узвий боғлиқ ҳолда тадқиқ қилинган. Бу ҳол тадқиқотнинг мазмунига мазмун қўшган.

Китобнинг ҳамма бобларида ҳам ёзувчи асарларининг ғоявий-тематик таҳлили бадиий маҳорат таҳлили билан қўшиб олиб борилган. Натижада адиб ҳикоялари, қиссалари, роман ва саҳна асарлари мисолида Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантириш, ижобий ва салбий образлар яратишнинг устаси экани яққол исботланган.

Ирина Боролина ўз китобида Абдулла Қаҳҳор асарларининг сюжети ва композицион тузилиши, адибнинг характер яратиш ва тилдан фойдаланиш маҳорати ҳақида қизиқарли фикрлар билдирган. Ёзувчининг руҳият санъатидан, пейзаж ва портрет тасвиридан асар ғоясини очиш ва образ яратиш жараёнида қандай усталик билан фойдаланганини аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатиб берган.

¹ Қаранг: “Ўзбекистон маданияти” газетаси, 1958 йил 17 май.

Мазкур китобда Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий эволюцияси, унинг устозларидан нимани ўргангани ва нимани ўзи янгидан яратиб, кашф этгани масаласи ҳам ишончли далиллар асосида очиб берилган. Олиманинг фикрича, Абдулла Қаҳҳор Гоголдан кўпроқ сатирик асар яратиш маҳоратини, Чеховдан кичик ҳикояларда ёрқин ва жонли характер бунёд этиш санъатини ўрганган. Худди шунингдек, китобда ёзувчининг ўзбек мумтоз адабиёти ва халқ оғзаки ижодидан озиқланиши масаласига доир ҳам жўяли фикрлар билдирилган.

Хуллас, Ирина Боролина китобида бундан 50 йил аввал Абдулла Қаҳҳор ижоди, унинг профессионал маҳорати кўп жиҳатидан муваффақиятли ёритилган, унинг ўзига хос катта ва ноёб ёзувчи экани яққол исботланган. Айрим ҳолларда адибнинг шўро мафкураси талабларини четлаб ўтиб, асарлар ёзгани ҳақида адолатли хулосалар чиқарган. Демак, олима ўз даврида ўзбек адабиётини, айниқса, Абдулла Қаҳҳор ижодини тадқиқ этиб, кенг тарғиб қилишда хайрли ишни амалга оширган. Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги нишонланаётган шу кунларда бу ҳақиқатни мамнуният билан эслаш ва таъкидлаш бурчимиздир.

Энди Нинель Владимирова ижоди ҳақида. Н.Владимирова хизматлари ҳақида фикр юритганда аввало шуни қайд этиш лозимки, у 1950 йилда Тошкент давлат университетини имтиёзли диплом билан битирган. Унинг шундан кейинги бутун фаолияти Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти билан мустаҳкам боғлиқ: Шу илмий тадқиқот масканида олима узлуксиз меҳнат қилиб ўсган. Кичик илмий ходимликдан устозлик даражасига етган. Номзодлик

ва докторлик диссертациясини ёқлаган. Илм-фан тараққиётига, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшган. Натижада фан арбоби фахрий унвонини олишга муяссар бўлган.

Н.Владимированинг бундай юксак мартабага етишида мазкур илм даргоҳи жамоасининг, жумладан, Иззат Султон, Ҳомил Ёқубов каби машҳур ўзбек олимларининг сабоқлари алоҳида аҳамият касб этган. “Мен профессор Ҳомил Ёқубовни устозим деб биламан. Узоқ йиллар Ҳомил ака билан бир институтда, бир бўлимда ишладим. Ўзбек адабиёти бойликларини синчковлик билан ўрганиш, хилма-хил тадқиқот ишларини бажариш, долзарб мавзуларда илмий асарлар яратиш, истеъдодли адабиётшунос кадрлар тайёрлаш йўл-йўриқларини мен ундан ўргандим”, деган эди олима.

Худди шунингдек, Н.Владимирова ҳақида гап борганда, ҳамкасблари меҳр ва ҳавас билан сўзлашади, олиманинг ноёб мутахассис, ўзбек тили ва адабиётини мукаммал билган ҳамда севган инсон эканини қайта-қайта таъкидлашади. Академик М.Қўш-жонов “Нинель Владимирова истеъдодли, ишчан, сермахсул, адолатли ва шогирдпарвар олима, унинг ўзбек адабиётшунослиги равнақида муносиб ҳиссаси бор”, – деганида юз карра ҳақ эди.

Профессор Н.Владимирова ҳозирги замон ўзбек адабиёти ва унинг истеъдодли намояндалари ижоди ҳақида кўплаб мақола, илмий очерк, рисола ва монографиялар яратган. Унинг дастлабки рисоласи адиба Ойдин ижодини таҳлил этишга бағишланган биринчи китоб эди (1954). Шундан кейин олима “Зафар Диёр ижоди”, “Ғоя ва образ”, “Саид Аҳмад маҳорати”, “Ҳикоя жанри тараққиёти” каби китоблар ёзиб нашр эттирди. Уларда ғоявий-тематик таҳлил

бадий маҳорат таҳлили билан қўшиб узвий бирликда олиб борилган ҳамда янги ўзбек адабиётининг катта ютуқлари, миллий хусусиятлари кўрсатиб берилган. Масалан, олима “Ҳикоя жанри тараққиёти” (1976 й) монографиясида янги ўзбек адабиётида ҳикоя жанрининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини кенг миқёсда тадқиқ қилган. Унда мавзу анъана ва новаторлик, миллийлик ва образлилик, тил, услуб, сюжет ва композиция масалалари фонида ёритилган. Муаллиф ўзбек ҳикоячилигининг ўзига хос хусусиятларини, ёзувчиларнинг маҳорат сирларини очишда қийинчиликлардан самарали фойдаланган. Олима мавзуни баён этишда ўтмиш мумтоз адабиёти, рус ва жаҳон ҳикоячилиги анъаналарининг ижобий роли ва таъсири ҳақида ҳам асосли равишда фикр юритган. Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойдин, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор каби ўзбек адиблари томонидан турли йилларда ҳикоя жанрининг ажойиб намуналари яратилганлигини ёрқин мисолларда исботлаб берган. Ушбу монография илмий-назарий хулосаларга сероб. Бинобарин, у ўзбек адабиётшунослиги хазинасига қўшилган ҳиссадир.

Н.Владимированинг Ўзбекистондаги таржимашунослик илми ва таржима амалиётига қўшган улуши ҳам таҳсинга лойиқ. Хусусан, “Рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш масалалари” номли монографияси ҳозиргача таржимонлар учун дастури амалдир. Унда таржима санъатининг характерли хусусиятлари ва асосий белгилари ҳақида рус адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш тажрибалари мисолида фикр билдирилган. Мавзуга доир аниқ ва керакли илмий хулосалар олға сурилган. Олима у ёки бу бадий асарни таржима қилганда асл нусханинг асосий мазмуни, ғоявий-бадий хусусиятлари билан

бирга, ундаги миллий тароватни сақлаш зарурлигини уқтиради. Ўзбек таржимачилигида бу хусусият мавжудлигини Ойбек, Мирзакалон Исмоилий, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор таржималарини таҳлил этиш орқали исботлаб беради.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Н.Владимирова таржима илмига доир назарий фикрларини ўз таржималарида муваффақият билан ҳаётга тадбиқ этган. Дарҳақиқат, олима “Уфқ” (Саид Аҳмад), “Фарғона тонг отгунча” (Мирзакалон Исмоилий), “Меъмор” (Мирмуҳсин) сингари ўзбек романларини, шунингдек, бир қанча ҳикояларни рус тилига моҳирона таржима қилган. Шуни эслатиб ўтиш лозимки, олима адабиёт мавзуларида ёзилган илмий асарларни ўзбекчадан русчага ўгиришга ҳам уста. Яқинда у Самарқанд давлат университетида яратилган “XX аср ўзбек адабиёти” номли йирик китобни (25 босма табоқ) таржима қилиб, нашрга топширди. Китоб муаллифи сифатида таржима қўлёзмаси билан танишиб қувондим. Чунки таржимада аслиятнинг тўлиқ мазмуни, туб моҳияти ва нозикликлари бузилмасдан ўз ифодасини топган. Олиманинг дорилфунунимиз ўқитувчи ва тадқиқотчиларининг номзодлик ва докторлик диссертациялари тайёрлаб, ҳимоя этишларидаги беминнат саъй ҳаракатлари ҳам ҳурматга лойиқ.

Хуллас, филология фанлари доктори, Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг аъзоси Н.В.Владимирова илмий тадқиқот ишларида моҳир бўлиш баробарида бадиий тафаккур нозикликларини ҳам теран идрок этадиган қобилият соҳибасидир. Олимнинг сўз санъати манфаати йўлидаги беминнат хизматларидан ибрат олсак арзийди.

2008 й.

ТИЛ ВА ДИЛ БИЛИМДОНИ

*Тилимиз бир қуёшки, у куну тун сочар нур,
У бир гулзорки, сўнмас, рангидан яшнар умр.
У бир ерки, ўлсак ҳам, унда яшай олурмиз.*

Тоҳир Қаҳҳор

Ҳаётда инсонларнинг бир-бирига беминнат яхшилик қилишларининг аҳамияти ғоят катта. Ана шунинг учун Алишер Навоий ҳазратлари “Навосиз элнинг наво бахши бўл, Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл”, дея одамларни яхшиликка чақирганлар. Дилбар шоир Заҳириддин Бобур эса “Яхшилик қилгинки, ондин яхши йўқ, ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик”, деб куйлаган. Бу ҳикмат мазмунининг қанчалик тўғри, қанчалик ҳаётий эканини оддий халқ орасидан етишиб чиққан ва халққа беминнат хизмат қилган профессор Ҳамдам Бердиёровнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам тасдиқлайди. Чунки, Ҳамдам Бердиёров бутун онгли ҳаёти давомида ана шу ҳикматга – яхшилик қилиш шиорига тўлиқ амал қилиб яшади ва меҳнат қилди. Шунга кўра, домла элу юртимизда яхши инсон, ажойиб педагог, ғамхўр устоз, содиқ дўст сифатида ном қолдирди. Қанчадан қанча шогирдларнинг жонкуяр ҳамдами, тил ва дил билимдони бу оқ кўнгил инсонни мен ўзимнинг яқин устозларимдан бири, деб биламан.

Ҳамдам Бердиёров 1918 йилда Самарқанд вилояти Пахтачи туманида туғилган, болалар уйида (интернатда) тарбияланган. 1941 йилда Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетини битирган. 1941-1946 йилларда армия сафида хизмат қилиб, жанговор топшириқларни бажарган. Катта лейтенант унвонига сазовор бўлган.

Орден ва медаллар билан мукофотланган. Иккинчи жаҳон уруши ғалабамиз билан тугагач, Ҳамдам Бердиёров яна ўзининг жонажон дорилфунуни кучоғига қайтди. Аспирантурада ўқиди, таниқли тилшунос профессор Улуғ Турсунов раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёқлади. Ўзлуксиз равишда 40 йил давомида (1985 йилгача) Самарқанд университетиди тилшунос олим сифатида толиби илмларга дарс берди. 1969 йилда СамДУда умумий тилшунослик кафедрасини ташкил этди ва бир неча йиллар ана шу кафедранинг мудирин бўлиб ишлади. Таҷрибали педагог, меҳрибон устоз сифатида Ўзбекистонда филолог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбек тилининг хилма-хил мавзуларини тадқиқ этишга бағишланган кўпгина мақола ва ўқув қўлланмалар Ҳамдам Бердиёров қаламига мансубдир. Бу илмий ишлар орасида, айниқса “Умумий тилшунослик” (1979), “Тилшуносликка кириш” (1982), “Ўзбек тилининг паремиологик луғати” (1984) каби китоблар алоҳида диққатни ўзига жалб этади. Чунки, уларда умумий тилшунослик, хусусан, ўзбек тилшунослигининг кўпгина долзарб мавзулари тадқиқ этилди. Муҳим фикрлар, илмий хулосалар асослаб берилди.

Профессор Ҳамдам Бердиёровнинг, айниқса, миллий мутахассис кадр етиштиришда хизмати катта. Домладан таълим олган ёшлар орасидан кейинча фан номзодлари ва фан докторлари етишиб чиққан. Худойберди Дониёров, Абдужаббор Мухторов, Ғайбулла Саломов, Раззоқ Расулов, Жўрабой Ҳамдамов, Тоҳир Хўжаев, Бекмурод Йўлдошев, Қаршибой Усмонов сингари таниқли тилшунос олимлар шулар жумласидандир.

Бугина эмас. Мамлакатимизнинг, хусусан, Зарафшон водийсининг қайси шаҳар ва қишлоғига борманг Ҳамдам Бердиёров домладан таълим-тарбия олган ва ундан кўп яхшиликлар кўрган ўқитувчиларга, мактаб-маориф ва маданият ходимларига дуч келасиз. Бу заҳматкаш зиёлилар ҳозирги кунларда ҳам домлани самимий миннатдорчилик билан эслайдилар. Айрим далилларга мурожаат этаман. Пахтачилик (Самарқанд вилояти) меҳнат фахрийси Қойиддин Низомов: “Мен 1946-1951 йилларда СамДУнинг филология факультетида ўқидим. Менинг талабалик йилларим оғир пайтлар эди. Мамлакат эндигина урушни тугатиб, тинч қурилиш даврига қадам қўйган эди. Ана шу оғир йилларда Бердиёров домланинг оиласида ҳам тўкин-сочинлик йўқ эди. У ҳам кўп қатори моддий жиҳатдан қийналиб тирикчилик ўтказар эди. Лекин, шунга қарамай, у биз толиби илмларни маънавий жиҳатдангина эмас, моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашни канда қилмас эди”, – деган эди.

Меҳнат Қаҳрамони, машҳур пахтакор Шамси Назаров эса: “Мен ҳам Ҳамдам акадан таълим олиш бахтига эришганман. У киши мени Самарқанд университетида ўқитган. Домла ўз ҳаётини халқ, мамлакат ҳаётидан четда тасаввур қилмас эди. У доимо инсонларга қўлидан келганича яхшилик қилар эди. Халқимизнинг шодлигига ҳам, ғаму ташвишига ҳам бирдек шерик эди. Тўйда ҳам, азада ҳам кўпчилик билан бирга эди.

Домла айниқса, қишлоқдан ўқишга келган талабаларга ўзини жуда яқин тутарди. Кўпинча улар орасида бўларди ва ёшларга яхшилик қилишни ҳеч бир аямасди. Домла бировнинг ютуғидан, хусусан, шогирдининг ютуғидан кўп қувонар эди. Ғаразни,

бахилликни, ичи қораликни билмас, гуруҳбозликдан ва беъмани тарафкашликдан нафратланарди. У пок инсон, хушчақчақ инсон, ҳалол ишлаб, ҳалол яшаган инсон эди. Ҳамдам ака ҳақиқий дўст-биродар эди. У шогирдининг тақдирига, келажагига бефарқ қарамас эди. Мен бунга ўз шахсий ҳаётимда тўлиқ ишонч ҳосил қилганман”, – деб эслаган эди.

Ҳа, рост. Ҳамдам Бердиёровнинг ўрганса, ўрناق олса арзийдиган хислатлари кўп эди. Унда ватанпарварлик ва халқпарварлик туйғуси кучли эди. Таниқли шоир Назармат ўз хотираларида бунини алоҳида мамнуният билан қайд этган. Назармат “Мен Ҳамдамжон билан бирга Самарқанд университетидан ўқиб, таълим-тарбия олганман. Узоқ йиллар давомида яқин – дўстона муносабатда бўлганман. У хушчақчақ ва ширин сўз, тиришқоқ ва илмга чанқоқ талаба, дўст қадрига етадиган ва ўз фикрини дадил айтадиган инсон эди. Ҳамдамжон ўзининг халқ ва она Ватан олдидаги фуқаролик бурчини чуқур ҳис этарди. Шунинг учун ҳам у 1941 йилда университетни битириб, мамлакат муҳофизатига отланди. 1946 йилгача армия сафида хизмат қилиб, ўз бурчини шараф билан оқлади. Жанговар ордон ва медаллар билан мукофотланди”, – деган эди.

Ҳамдам Бердиёровнинг кўп қиррали ҳаётини ва жонли образини гавдалантиришда СамДУ профессори Жўрабой Ҳамдамовнинг хотиралари ҳам қимматлидир. Жўрабой ака: “Мен аввал студент, аспирант, сўнгра касбдош сифатида Ҳамдам Бердиёров билан кўп мулоқотда бўлганман, домладан илм-билим олиб, мақсадимга етганман. Уни устоз деб биламан ва ҳурматлайман. Домла чин инсон, ҳақиқий, меҳрибон мураббий эди. У Ўзбекистон ва ўзбек халқининг тақдири, истиқболи ҳақида кўп ўйлар ва бу

ҳақда жонкуярлик билан сўзлар эди. Домла ўзбек тилининг бойлигини, сержило ва гўзаллигини чуқур ҳис этар, бинобарин, она тилимизнинг тақдири, келажаги ҳақида кўп азият чекар эди. Бугунги кунда домланинг орзуси амалга ошди. Ўзбекистон мустақил республика бўлди. Ўзбек тили Давлат тили мақомини олди. Буни, афсус, домла кўролмай кетди. Кўрганда эди, терисига сиғмай суюнган бўлар эди”, – деган эди.

Хайрият, элимизда ҳеч ким, ҳеч қачон унутилмайди. Ҳар инсон ўз меҳнатига, ўз феъл-атвориға яраша қадрланади. “Меҳнат қилган – элда азиз”. Бу ҳикматни Ҳамдам аканинг ҳаёти ва тақдири яққол исботлайди. Бу ҳақиқатни таниқли жамоат арбоби Бектош Раҳимовнинг қуйидаги сўзлари ҳам тўлиқ тасдиқлайди. Бектош Раҳимов “Мен Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги катта бир мактабга профессор Ҳамдам Бердиёров номини қўйиш маросимида (1992 йил 1 июнда) қатнашганман. Бу маросимда айтган сўзларим ҳамон ёдим: “Ҳамдам ака ҳар қанча улуғланса арзийди. Домла ҳурматга лойиқ инсон эди. Шу боис унинг номи ушбу илм масканига жуда ярашиб турибди... Энди шу мактаб ўқувчиларига бир илтимосим бор. Катта домла номидаги мактаб шаъниға асло доғ туширманглар. Ҳамдам акадан ибрат олиб яхши ўқинглар, одоб ва интизомда бошқаларға намуна бўлинглар. Халқни, Ватанни жондилдан севиб, сидқидилдан хизмат қилинглар. Доимо олға интилинглар. Ана шунда, жон болаларим, Сизлар ҳам замоннинг етук кишилари бўлиб етишасизлар, профессор Бердиёровдек, халқ ҳурматиға сазовор бўласизлар, катта олим бўлиб иззат-ҳурматға сазовор бўласизлар”.

Ҳамдам Бердиёров домланинг самарали хизматлари халқимиз, давлатимиз томонидан муносиб

тақдирланган. У орден ва медаллар билан мукофотланган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маориф ходими” фахрий унвонини олишга муяссар бўлган.

Профессор Ҳамдам Бердиёровнинг ҳаёти ва педагогик-илмий фаолияти кишиларимиз учун, айниқса, ёш авлод учун намунадир.

1993 й.

САИД АҲМАДНИНГ ТАБРИК МАКТУБИ¹

Ушбу табрикномани “Сайдулло Мирзаевга” деб ёзгим келмади. Фамилия сўзи она тилимизга ёт бўлганиданми, ундан расмийлик ҳиди келиб турганиданми самимийликка ҳалақит бераётганга ўхшайверди.

Отангиз Сизга Сайдулло, деб исм қўйган. Демак, Сиз Саидлардансиз. Модомики, шундай экан, исмингиз Сайдуллохон бўлиши керак.

Азиз ва мухтарам Сайдуллахон!

Халқимизда дарахт бир ерда кўкаради, деган гап бор. Бу гап бевосита Сизга тааллуқлидир. Сиз қирқинчи йилларнинг адоғида дорилфунун эшигини очиб ичкарига кирдингизу ҳалигача қайтиб чиқмадингиз. Дарахтдек экилиб қолдингиз. Буюк ёзувчи Садриддин Айний, Иброҳим Мўминов, Мусо Мўминов, Воҳид Абдуллолар мададида аввал фан номзоди, кейин фан доктори илмий даражасига етишдингиз.

Сиз билан 1957 йилнинг кузида Самарқандда бўлган Абдулла Қаҳҳорнинг 50 йиллик тўйида танишган эдик. Ана шундан бери адабий-илмий изланишларингизни кузатиб бораман. Ичидан нурланиб турган мақолаларингиздан қувонаман. Адабий-илмий анжуманлардаги нутқларингизни, баҳсларингизни тинглаб, ўзимча бир хулосага келаман. Бу оддий нутқ эмас, қувонч, мамнун жилмайиш, деб баҳолайман.

¹ Табаррук 70 йиллиги нишонланган Самарқанд давлат университети фахрий профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Сайдулла Мирзаевга шу қутлуғ сана муносабати билан Қаҳрамон адибимиз Саид Аҳмад табрик мактуби йўллаган эди. Таҳририят китоб охирида ана шу табрикномани илова тарзида эълон қилишни лозим топди. — Таҳририят.

70 йиллик тўйингиз арафасида босмадан чиққан “Адабиёт ва ҳаёт” китобингизни диққат билан ўқиб чиқдим. Бу китоб саҳифаларидан Сизнинг бутун борлигингиз кўриниб турибди. Унда ижоди ширага тўлган, кузатишлари аниқ ва тиниқ олимнинг суврати намоён бўляпти. Қайси бир олим ёки ёзувчи тўғрисида гап айтсангиз, худди капалакни ушлагандек авайлаб, эҳтиёт қиласиз. Бу албатта адабиётга, ижодга бўлган буюк ҳурматдан, деб биламан. Айниқса, “Ўзбек романчилиги”, “Ўзбек романларининг туғилиши ва тараққиёт босқичлари” боблари ниҳоятда синчковлик билан кузатиш меваси эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. “Уч устоз аллома”, “Абадиятга дахлдор”, “Тирик сиймолар” боблари ўқувчини ўйлатадиган, ҳаёлга чўмдирадиган нозик кузатишлар маҳсулидир.

Китобда мен тўғримда анчагина илиқ-иссиқ гаплар айтгансиз. Танқидларингизга эътироз билдира олмайман. “Жимжитлик” ёзилган пайтларда китоб “қаҳрамонлари” ҳали оддан тушмаган, кўлида ўқланган тўппончаси бор пайтлар эди.

Сиз шунча нуқсонларга қарамай, романдан бирталай фазилатлар ҳам топгансиз. Романнинг ниҳоятда миллийлиги, тилининг равонлиги, асар иштирокчиларининг одамийлиги, донолиги, жасурлиги, тоғ манзараларининг аниқ тасвири тўғрисида меҳр билан сўз юритгансиз. Катта эна, Рисолат кампирлар романдаги энг миллий, энг ёрқин образ бўлганини айтгансиз.

Мана шу гапларингиз учун чин дилдан раҳматлар айтаман. Шундай гапни кимдир албатта айтиши кераклигини кутгандим. Романда тузатадиган, қисқартириладиган боблар кўп. Ортиқча чўзилиб кетган саҳифаларини шафқатсиз равишда чиқариб ташлаш зарурлигини биламан. Ўша пайтда китобнинг

қирқ минг нусха босилиши рекорд тираж ҳисобланарди. “Жимжитлик” эса бир йўла 150 минг нусха босилди. Уни қайта нашр қилишга ҳожат қолмади. Энди эса уни таҳрир қилиш, қисқартириш, тузатиш учун вақт қолмади. Умрим ҳам поёнига етиб қолди. Таҳрир қилишга улгуролмасам керак. Афсус, роман шу аҳволича қоладиган бўлди.

Азиз Сайдуллахон! Азага келган хотин ўз дардини айтиб йиғлар, дегандек Сизнинг тўйингизда дардимни тўкиб солдим. Олдингизда узун йўл бор. Эндигина етмиш ёшга етдингиз. Хали кўп ишларни қилиб улгурасиз.

Сизга сиҳат-саломатлик тилайман. Ичидан нур таратиб турадиган дилбар китобларингиз қўлма-қўл бўлиб ўқилишини истайман.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, дейдилар. Ботирхон Валихўжаевдек зукко олим ёнингизда тоғдек суянчиқ бўлиб турибди. Сиз ҳали бир-бирингизнинг изингизни босиб илмнинг сирли сўқмоқларидан жуда олисларга борасиз.

Илтимос, ушбу хатимни ўқир экансиз нуқта-вергулларини ўзингиз қўйиб олинг. “Х”га дум қўйишни ҳам унутманг. Қаҳрамон ёзувчининг бунақа майда ишлар билан шуғулланишга вақти йўқлигини биласиз-ку!

Сизга ҳамиша ҳурмат билан Саид Аҳмад.”¹

8 сентябр 2001 й.

¹ “Мулоқот” журнали, 2002 йил 5-сон, 45-б.

МУНДАРИЖА

	бет
1. Кириш.....	3
2. Улуғ аллома.....	11
3. Ноёб истеъдод.....	22
4. Бағри кенг олим.....	44
5. Абдулла Қахҳор сабоқлари.....	56
6. Абдулла Қахҳор ҳақида ҳақиқатлар.....	64
7. Иқтидорли ижодкор.....	71
8. Ҳазрати инсонлар таърифида.....	87
9. Забардаст адабиётшунос.....	100
10. Таниқли олим ва ташкилотчи.....	105
11. Синчков адабиётшунос.....	110
12. Ҳозиржавоб мунаққид.....	116
13. Устоз мунаққид.....	123
14. Ўзбек адабиёти рус олималари наздида.....	128
15. Тил ва дил билимдони.....	134
16. Саид Аҳмаднинг табрик мактуби.....	140

САЙДУЛЛА МИРЗАЕВ

УСТОЗЛАР

(Мақолалар тўплами)

Манзил: Самарқанд ш., 29,
Муқимий кўчаси, тупик 1, 14-уй.
Сайдулла Мирзаев.

2008 йил 22 март.

Муҳаррир: Қ.Й.Мелиев
Мусахҳиҳ: К.Умирова
Тех.муҳаррир: О.Б.Маматқулов

*Буйруқ № 68, 19.06.08. 2009-йил 4-февралда оригинал-макетдан
босишга рухсат этилди. Бичими 60x84/ 1,16. “Arial”
гарнитураси. Офсет қоғози. Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи 9,0. Нашириёт ҳисоб табоғи 5,0. Адади
100 нусха. 395-буюртма.*

**СамДУ босмахонасида чоп этилди.
140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.**